

АНОРҚУЛ РУСТАМОВ

САБРНИНГ ТАГИ

ҚИССА



УҮК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ү)6

P – 92

Рустамов, Анорқұл

Сабрнинг таги / А.Рустамов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 124 бет.

ISBN 978-9943-20-288-7

Сабр таги – сариқ олтин, дейди доно халқимиз. Ушбу асар қаҳрамони эңг яқин кишиларининг хиёнату алдовига дуч келганда ҳам ўзини йўқотиб қўймай, аламини меҳнатдан олади.

АЗоб ва қийинчиликларга чидаши, тинимсиз меҳнат қилиши оқибатида ҳаёти изга тушиб, оқила ва меҳрибон кишисини учратади. Фермер хўжаликлари ташкил этиб, эл назарига тушади.

Қизиқарли ва ҳаётий воқеа-ҳодисаларга бой ушбу қисса сабр-тоқатли инсоннинг эртанги куни ёруғ бўлади, деган фикрни илгари суради.

УҮК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ү)6

ISBN 978-9943-20-288-7

© Анорқұл Рустамов, «Сабрнинг таги». «Янги аср авлоди» 2017 йил.

БИРИНЧИ БОБ



Қоронғи тун

Доңолар айтишадыки, мавжудликнинг илк палласи нозик, заиф ва бегубордир. Ҳар қандай тирик мавжудотни ҳаёт машаққатлари қариптади, тоблайди, сўндиради.

ЭндиGINA кўчадан қайтиб, мол-ҳолларидан хабар олган ва хотини уларга ем-хашагини берганига ишонч ҳосил қилган Бердимурод бемалол оёқни чўзиб ётаман деган пайти деразадан кўчага назар ташлаган хотини айтиб қолди:

– Анави синфдошингиз Жуманазар шу томонга келяпти, бўса-бўмаса улфатлашгани!

– Ия, боягина гузарда бирга ўтиргандик-ку?!
– деди Бердимурод ва тўппа-тўғри кириб келаверадиган дўстининг истиқболига жойидан қўзғалди. – Кел, баҳай?!

Табиатан камгап Жуманазар қўйнидан ароқ чиқариб, дастурхонга дўқ этиб қўйди. Бердимуроднинг хотини эридан буйруқ кутиб бироз турди-да, газакка бирор нарса келтириш учун ошхона тарафга юрди.

– Гузардаги етмадими? – деди Бердимурод ва тўнкариб қўйилган пиёлаларни ўртоғи тарафга сурди.

Вақт алламаҳал бўлсаям кетишини ўйламаётган, наинки ўйламаётган, аксинча, бошини осилтирганча пинакка кетган Жуманазарни хонада қолдирган Бердимурод хотини ва болалари ётган хонага кирди:

– Буни кетадиган сиёҳи йўқ. Ё хотини билан уришиб қолган, ё акаси тергаган. Мен ўшақда ёта қоламан.

Ўртоғининг олдига қайтган Бердимурод уй тўрига жой солиб, Жуманазарни уйғотди:

– Тур, жойингга ўтиб ёт!

Жуманазар номигагина «Уйга кета қолай» деди-ю, гапи шунчакилигини намойиш қилгандай, туфлисини киймай уй эгасининг кети пачоқ бўлиб кетган калишини судраганча ташқарига чиқди.

«Уйга қайтиб бормайман!» – айвон устунига суюнганча босиб-босиб чекаётган Жуманазарнинг бошига бундан бошиқа фикр келмаётганди. Баҳорнинг биринчи ойи оёқлаётган бўлса-да, тоғли қишлоқ тунлари ҳали анчагина салқин бўлгани учун енгилгина кийинган Жуманазарнинг эти жунжикиб, ичкарига кирди. Ўртоғи Бердимурод аллақачон уйқуни уриб ётганди.

Ўзига тўшалган жойга чўзилган Жуманазар пишиллаб ухлаб ётган дўстининг акси ўлароқ, кўзига уйқу келмай, бир-бирига қарама-қарши хаёллар оғушида қолганди. Бир хаёли хотинининг талогини бериб, уйдан ҳайдадеса, бир хаёли аканг икковини шармандасини чиқар дер, битта ўғилчанг бор, акангни оиласи, бўйга етган қизи бор, уларнинг аҳволи нима кечади деб уйга толар, Жуманазар уларнинг қайси бирида тўхташни билмасди.

Бахтли кунлар қиссаси

Бахт ва бахтсизлик доимо ёнма-ён юради.

Ота-оналари бор пайтлар қанчалар яхши кунлар эди-я. Нормат чүпон ва Зухра аянинг севги тарихи ҳақида ҳали ҳам гапириб юришади. Зарбулоқдан бошланган сой номига шундай аталган бу қишлоққа табиат еттига булоқни ато қилган бўлса, ишқ аталган туйғу Нормат ва Зухрани қанчадан-қанча имтиҳонларга тўла мароқли ҳаётини ҳамқишлоқлар хотирасига нақш қилганди.

...Зарбулоқ Зарбулоқ бўлганидан бери бундай бахтиёр жуфтликни кўрмаган. Улар ҳали шунчаки ошиқ-маъшуқ бўлиб юрган пайтларидан то ўлим бир-биридан ажратган кунгача бир хилда – Тоҳир-Зухра деб аташди. Зухранинг номи аслича қолган бўлса-да, Норматнинг номи Тоҳирга айланди. Умуман қишлоқда Зухрага ошиқ бўлганлар – улар бир-бирларидан икки-уч ёш фарқи бор тўрт йигит бўлиб, номлари бошқа-бошқа бўлса-да, Зухрага даъвогарлик уларни Тоҳирга айлантирганди. Биз бу ерда фақат Зухрага ошиқлиги ошкора бўлганларнигина ҳисобляпмиз. Ошиқ бўлгану, буни қизнинг нафақат ўзига, бирор сирдошига ҳам айтмаганлар, шунингдек, Зухрани келин қилишни қўнглига тушиб, ўғлини қизнинг кўчасидан кунига беш-олти марта тентиратгандар бу ҳисобга кирмайди.

Ана шу тўрт «Тоҳир»дан Зухра биттасини – ўзидан икки синф аввал мактабни битирган Норматни танлаганди. Норматни ҳарбий хизматга олиб кетилиши ҳам унинг қизга эришиш имкониятини пасайтира олмади, аксинча, ким аслида кимлигини кўрсатиб қўйди. Бир «Тоҳир»

армияга кетиб, ўрнига ҳарбий хизматдан қайтган бошқа «Тоҳир» қишлоқда қолган «Тоҳирлар»га қараганда имконияти кўпроқдигини кўрсатиш учун муштини ишга солиб, ўзидан уч-тўрт ёш кичик рақибларини бартараф этишга муваффақ бўлса-да, аммо қизнинг кўнглини овлашга мусассар бўла олмади. Йигитнинг ота-онаси, янгаларию опаларининг уринишлари, қизнинг ота-онасию ўзини авралашлари, энг сўзамолу ҳурматли совчиларнинг қатнаши ҳам Зуҳранинг кўнглини собиқ аскарга иситолмади. Бу борада Зуҳранинг янгасини ишга солиб, қайнинглиси-нинг сочию бошқа анжомларини куёвликка номзоднинг мўйи ва бошқа ашёларига аралаштирган ҳолда дами ўткир азайимхонлар тарафи-дан «иссиқ-совуқ» қилишлар, «эзаб ички»лар ҳам таъсир қилмади. Булар Зуҳрада енгилгина кўнгил айнашини пайдо қилган бўлса бордиру, аммо ҳарбийдаги «Тоҳир»идан уни совита олмади. Улар орасидаги алоқани узиш мақсадида ўз қишлоғи ва Зарбулоқ аҳлига ювошгина эшаги билан почта хизматини кўрсатадиган Тўрақул почтачини қўлга олишиб, қизнинг номига келаётган ва қиз томонидан жўнатилаётган хатларни сотиб олишгача боришди.

Ҳарбийдаги севгилисидан хат ололмаётган Зуҳра йигитнинг қайтиши учун қолган олти ойни қанчалар интиқдик билан кутган бўлса, шунча уринишларидан бирор самара чиқара олмаганлар бу олти ой бир йилга, бир йил нима, беш-олти йилга айланиб кетишини шунчалар исташарди.

Аскарнинг кутилмагандаги қисқа муддатли таътилга келиб қолиши иккаласининг ҳам мушкулини осон қилди. Худо қўллаб юбордими, Нор-

матнинг ҳарбийга қайтиб кетишига уч кун қолганида совчилар биринчи боришининг ўзида ҳарбийларга давлат томонидан бериладиган турли имтиёзлар сонини биттага кўпайтиришга эришиб, Зуҳранинг оқини олиб қайтишди. Норматнинг таътили тугагунча чеккага олиб чиқиб, мижиғини эзиб қўйиш мақсадида юрган рақиби доғда қолди. Кузда хизматини тугатиб қайтган Нормат ва Зуҳранинг тўйи янги йил арафасида бўлиб ўтди. Тўйга йигилганлар орасидағи бошқа ошиқлар аламларини арофу винодан олишиб, ўзларининг қайгули ишқ қиссаларига нуқта қўйишиди.

Тўйгача ошиқ-маъшуқларнинг чекига тушган синовлар ҳолва бўлиб чиқди. Турмушларининг тўртинчи йилида ҳам фарзандли бўломмаган Тоҳир-Зуҳра жуфтлиги завол топишини башорат қиладиганларнинг сони бору санофи йўқ эди. Нормат чеки йўқ маломатлардан қутулиш учун туппа-тузук ҳайдовчилик касбини ташлаб, жамоа хўжалик қўйларининг икки бош чўпонидан бири бўлган тоғасига ёрдамчи чўпон бўлиб ёлланиб, тоғ-тошларга бош олиб кетди. Зуҳрага қиийин бўлди. Эри-ку, кимсасиз жойларда тил-жағсиз сурувга эргашиб, қўнглини ёзиб юради. Зуҳра эса эриникида қайнонаси, қайнингиллари, уйларига борса ота-онаси, сингиларию янгасининг, ҳамқишлоқларининг ачинишдан тортиб, кинояномуз кўз қарашлари, бесасгина уҳ тортишлару «ажаб бўлсин» қабилидаги ҳиринглашлари қуршов-қамалида бўлар, бир ўзини мана шундай қунларга ташлаб кетган Тоҳиридан хафа ҳам бўлиб кўярди. Айниқса, унга ошиқ бўлиб юрган бошқа «Тоҳир»ларга рўбарў келиб

қолишдан асрасин. Индамай ўтиб кетишса-ку хўп-хўп, бир хиллари: «Менга текканингда қўй-нинг аллақачон болага тўларди!» дейишдан ҳам тоймасди. Бу орада кичик ўғлини уйлантириб, бир ҳовлида икки келинли бўлган қайноаси кичик келини оғироёқ бўлганидан кейин бутун фикру хаёли кенжакелинда бўлиб, Зуҳра келин билан иши бўлмай қолди. Ана шундай қунлар-нинг бирида Норматнинг ўзи унинг халоскорига айланди. Ҳут кириб, сурувдаги совлиқлар ялпи қўзилашга кирганди, тўл олиш кампаниясида қарашиб юбориш учун Зуҳрани бир-икки ҳафтага ўзи билан қишлоқдан беш-олти чақирим наридаги дарада жойлашган хўжалик қўйлари қишлиайдиган қўтонга олиб кетди. Тоғ тошларидан қалаб ясалган икки қора уй ва вақтингча тикланадиган ўтов ва чодир-каппада бу пайтда бир дақиқа ҳам сукунатга ўрин йўқ. Янги туғилган қўзиларнинг аксарияти шу ерда оёқقا туради. Онаси эмизишни истамайдиган айримлари шишаҷаларда соғиб олинган сут билан боқилади. Чўпонлар ҳар икки-уч соатда қўлларида фонар тутганча мингга яқин қўйларни оралаб, тўлгоқ аломати қўринган совлиқларни туғруқхонага айланган чодир-капага айириб келади. Ё бўлмаса янги туғилгану, онаси қарамагани учун совуқдан титраганча аранг маъраган қўзи-чоқлар топилиб қолади. Бундай «тирик етим»ни онасини топишдан ҳам кўра, уни иссиқ ва пана жойга элтиш, жунларини артиб қуритиш ва иссиқ сут бериш керак. Тўл олиш давомида бундай «тирик етим»ларнинг сони эллик-олтмиштагача етиб қолади – «болалар боғчаси»нинг ўзи.

Халқда «Яхши келган ҳутни кўрдим – қозон-қозон сутни кўрдим, ёмон келган ҳутни кўр-

дим – қирилиб ётган бит(қўй)ни кўрдим» деган ибора бор. Зуҳра эрига ёрдам бериш учун келган хут яхши, қозон-қозон сутли, барака-қутли келганди. Совлиқлар деярли бир муддатда қўзилашга киришган, кўз-қулоқ чўпонларнинг ҳаракати билан ўлим ҳолатлари сийрак учрас, онаси қарамаган қўзичноқлар Зуҳра қиёфасида янги онага эга бўлишганидан, сут беришларини сўраб, тинмай маъраганча уни таъқиб қилиб юришарди.

Айни шу пайтда журналист-мухбирларнинг ҳам бир оёғи қишлоғни ўтказаётган чорвадорлар ҳаётини ёритиш учун қўтонларда бўларди. Ана шундай ташрифларнинг биридан сўнг, туман газетасида чиқсан янгилиш сурат туфайли Зуҳранинг бир-икки ҳафтага қўтонга чиқиши узоқ йиллар ўз тақдирини чорвачилик – қўйчиликка боғлаб қўйди. Туман фотомухбири Зуҳра ва унинг ортидан сут сўраганча эргашиб юрган ўнлаб қўзичноқларни, энагага айланган келинчак шишаю сўргич билан уларни қучоққа олганча парваришилаётганини кўриб, бир неча кадр олгандан сўнг, бу жувон ким ва бу ерда нима қилиб юрганлигини чўпонларнинг биридан сўраганида: «Ёрдамчи чўпонлардан, оти Зуҳра, қўл-оёғи чаққон!» – деб мақтаганини ён дафтарчасига ёзиб олди.

Бир ҳафта ўтмай икки-учта қўзичноқни бағрига босиб турган Зуҳранинг сурати тегишли тагсўз билан туман газетасида эълон қилинди. Бу пайтда хотин-қизлардан меҳнат қаҳрамонлари яратиш журналистлар учун долзарб вазифа бўлиб, янги Турсунойларни топиш ва кашф этиш, таърифу тарғиб қилиш ҳар қандай газетанинг

обрўси ҳисобланарди. Радио-телевизордан «Тонналаб пахта териб, Турсуной бўлай дейман!» каби қўшиқлар такрор-такрор бериларди. Техникани эгаллаётган, сут софиш аппаратларини усталик билан ишлатаётган қиз-жувонларнинг сурати газета-журналларнинг биринчи саҳифасини безарди (ҳозир бу жойлар хонанда қиз-жувонлару актрисаларга берилади).

Тўл олиш мавсумида юзлаб қўй-қўзилар парваришида жон қўйдирганча, ҳалқ ҳўжалигига ўз ҳиссасини қўшаётган Зуҳранинг суратига вилоят газетасидагилар қизиқиб қолишиб, улар ҳам ўз муҳбирини шу томонга йўллади. Жамоа раиси бу хабар янгиликни кетганлигини айтса-да, ўжар муҳбир шундай «ёғлиққина мавзу»дан қуруқ қолмаслик учун ҳўжалик раҳбарини давлат сиёсатига қарши бормаслик, ўз ихтиёри билан ижтимоий фаол меҳнатга интилган аёлни қўллаб-қувватлашга ундан, тумандаги ҳамкасбидан кўра каттароқ ва кенгроқ мақолаю суратлар ила қайтиб кетди. Ҳўжалик раҳбари билганларингни қилинглар, дейишдан бошқа иложи қолмади.

Тўл олиш мавсуми охирлашди-ю, Зуҳранинг уйга қайтиши чўзилиб кетди. Уни туман раҳбариятининг талабига биноан, аввалига ёрдамчи чўпон сифатида ишга қабул қилишди. Ярим йил ўтмай Зуҳранинг ўзига бошқа отарлардан қўй ажратишиб, бош чўпон этиб тайинлашди. Эри ва яна битта ёрдамчи чўпон отар билан овора, Зуҳра эса уларни озиқ-овқат билан таъминлаш, отарни турли касалликлардан ҳимоя қилиш учун эмлаш, жун қирқиш каби мавсумий ишларни ташкиллаштириш, ҳўжаликнинг ўзию туман ва вилоятларда ўтадиган мажлисларда қатнашиш

били овора эди. Бундай омма ва раҳбарият на-
заридаги кадр тегишли мутахассисликка ҳам
эга бўлиши шарт дея, қишлоқ хўжалик технику-
мининг сиртқи бўлумига ҳужжат топширишни
маслаҳат беришди ва Зуҳрани вилоят кенгashi
депутати номзодлигига ҳам тавсия қилишди.
Ўша пайлар транзисторли, ихчам радиолар
ишлаб чиқарила бошлади ва Зуҳра эрига бў-
йинга осиб юрадиган радио, кейинчалик тран-
зисторли «Романтика» магнитафони олиб бер-
ди. Орадан икки йил ўтмай Зуҳранинг номзоди
Олий Кенгаш депутатлигига кўрсатилиб, кўксига
орден тақиб қўйишиди. Олий Кенгаш депутат-
лигидан фойдаланган Зуҳра ҳарбийлару ички
ишлар ходимларига бериладиган рациядан ун-
дириб, ўн-ўн беш чақирим доирасида алоқани
таъминлайдиган ускунани ўз отарида жорий
қилди. Зуҳранинг сурати энди республикада
нашр этиладиган марказий газеталар, журнал-
ларнинг биринчи саҳифаларидан ўрин олди.
Радио ва телевизордан унинг: «Мен бир оддий
чўпон қизи...» деб бошланадиган интервьюлари
тез-тез бериб туриларди. Республика ёшлари-
нинг қурултойида ёш чорвадорлар вакили си-
фатида сўзга чиқиши ва республика раҳбари-
нинг ўзи Зуҳранинг қишлоқчасига дангал-дан-
гал нутқи сўнгиди ўрнидан туриб қарсак чали-
ши уни янада юксакка кўтариб юборди. Ўша
йили Зуҳрани фирқа аъзолигига қабул қилишди
ва камдан-кам кимсаларга насиб этадиган баҳт
– чорвадорлар учун мос, тоғ-тошларни писанд
қилмайдиган «Нива» енгил автомашинасини
навбатсиз сотиб олиш(!) имконияти пайдо бўл-
ди. Зуҳранинг ота-онасию қайнона-қайнотаси

бошларига томдан тараша тушгандек ёғилган бу иноятни қўлдан чиқармаслик учун бор мол-ҳолларини сотишга-да тайёр эдилар. Хўжалик раҳбари тантилик қилиб, ҳозир мол сотиш – пулни сувга оқизишдек гап дея, етишмаётган пулни қарз сифатида ўзи-ю етакчи мутахассислардан йифиб, Зуҳрани қўлига тутқазди: «Сен туфайли қишлоғимизнинг, жамоа хўжалигимизнинг номи юртимизда машҳур бўлди! Мошинларинг ўзларинггагинамас, туғилажак фарзандларинггаям хизмат қилсин, қизим!»

Хўжалик раисининг гапига фаришталар омин деган эканми, турмушларининг ўнинчи йилига бориб, ёши ўттизга яқинлашган Зуҳранинг бўйида бўлиб, эри Нормат-Тоҳир иккисининг юзи ёруғ бўлди. Илк фарзандларига Абдуназар деб исм қўйишиди. Орадан йил ўтмай иккинчи қиз фарзандига оғироёқ бўлганида ўзининг бош чўпонлигию жамоатчилик ишларига улгура олмаслигига кўзи етиб, раҳбарлардан истеъроғ сўради: «Ҳар қандай аёлга биринчи ўринда оиласи, фарзандлари муҳим, энди ижозат берсангиз, оиласамга қайтсам».

Бу борада ҳар томонлама қўллаб-куватлашни ваъда берган раҳбарлар ёрдами билан яна икки-уч йилни ўтказган Зуҳра алоҳида уй-жой қуриб, қайнота-қайнонасининг ҳовлисидан ажраблиб чиққанидан сўнг тўнгичидан кейин туғилган икки қизининг тарбияси, янги ҳовлининг ободончилигидан ортмаса-да, ҳали ҳам отарнинг бош чўпонлиги номида, эри Нормат гоҳ «Нива»ни, гоҳ тўриқ-қашқасини мингантча иккисининг ўрнида ҳам сурув билан овора бўлди. «Супрақоқди»лари Жуманазар туғилганида тўнгичлари ўн икки ёшга

кириб қолганди. Шу пайтгача ҳам ўн йил деганда туғилган түнгич, ҳам ягона ўғил сифатида аллада азиз бўлиб келган Абдуназарга ўғил укали бўлиш унчалик ҳам ёқиб тушмади. Ўзи иккита синглисиям ортиқчадек эди, энди яна битта ўғил. Ер майдонлар бемалолгарчилик бўлган шароитда ҳовли-жойларини икки ўғилга мослаб кенгайтириб олган эр-хотин сурув ортидан юриб орттирган мол-мулк эвазига кенжатойлари учун ҳам замонага мослаб, олди ойнаванд равонли уй-жой тиклашди, тўй-ҳашамлар ўтказишиди, вақт-соати етиб тўнгичларини уйлантиришиди. Жуманазар бу пайтда ўн ёшга кириб қолган, отасидан ажралгиси келмай, тоғ-тошларга кетиб қолаверарди. Шу пайтгача оиланинг ўқ томирига айланган Зухра тўнгичи Абдуназарни уйлантирганидан сўнг ҳам ота-онасининг даврида ўқиб, бирор касбнинг бошини тутиши учун савдо техникумига ўқишига киритиб қўйганди. Тегишли мутахассислик бўйича дипломга эга бўлган Абдуназар дастлаб туман савдо ташкилотида яхшигина ишлаб юрди-ю, пули кўпайгач, шаҳарлик ўйинчи қиз-жуvonларга ила-кишиб қолди. Тумандагина эмас, ўз қишлоқларида ўтадиган тўйларда ҳам ширакайф Абдуназар ўйинчи қизларни ўзи ўтирган каравотдан олислатмай, кафтида бир даста пул тутганча ўйнатиш, бошидан пул сочиш каби бачканага қилиқларга ружу қўя бошлаганда, ҳамқишлоқлари унга: «Шундай обрўли ота-онангга иснод келтирма!» – дея тергаб қўйишар эди. Бундан хабар топган Зухра ўғлини туман марказида орттирган улфату ҳамтовоқлари таъсиридан сақлаш учун ишини қишлоқдаги дўконга ўтказди. Бу машмашалар онанинг соғлигига анча таъсир қилиб,

қон босими ошиб кетадиган бўлиб қолди ва илк набирасига бешик тўйини ўтказишганидан сўнг тўсатдан вафот этди.

Қувонч ичиға яширинганд қайғу

Ҳар қандай гам-ташвишдан кейин инсонда маълум миқдорда ҳушёрлик ва сезгирилик пайдо бўлади. Аксинча, ҳар қандай меъёридан ошиганд қувонч ва шодлиқдан кейин бироз бўлса-да ҳушёрлик ва сезгирилик пасаяди.

Зуҳрасидан ажралиб қолиш Норматга қаттиқ таъсири қилди. У энди яшинқайтаргичдан ажралган қурилмадек, оиласига доир турли кўнгилсизликлардан ҳимоясиз қолганди. Зуҳра оиласига доир ташвишли гап-сўзлар эрининг қулоғига етмаслиги чорасини кўриб, пайдо бўладиган муаммоларни ўзи ҳал қилиб юборарди. Онаси тимсолидаги қаттиққўл назоратчидан халос бўлган Абдуназар яна ишини тумандаги савдо базасига кўчириб олганидан кейин аввалги ҳунарини давом эттиришга тушиб, тўйларда ўйинчилик қилиб юрадиган бир жувонни иккинчи хотин қилиб никоҳлаб олганча, ҳафтада уч-тўрт кунлаб ўшанинг кўпқаватли уйдаги квартирасида тунаб қоладиган одат чиқарди.

Яллачи хотини уни аямай соғиб, ишхонасида катта камомадга сабаб бўлди-ю, Абдуназар қамалиб кетмаслиги учун отаси қўйларининг анчасини сотишга мажбур бўлди ва қаттиқ сиқилиш оқибатида мияга қон қўйилиш – инсульт туфайли фалаж бўлиб қолди. Мактабда бошланғич таълим муаллимаси бўлган келинайси Сурмахон ишини ташлай олмагани учун эндиғина ўн беш ёшга кирган Жуманазар мактабдаги ўқишини ҳам

ташлаб, ётиб қолган отасига уч йилдан ортиқ, то вафот этгунича оқ ювиб, оқ тараб қаради.

Савдо соҳасида ишлаши ман қилинган Абдуназарнинг кунига отасидан қолган «Нива» асқатиб, бозор муносабатларига ўтиш даврида яна ишлари юришиб кетди. Қишлоқдагилар пештакталари деярли бўшаб қолган қишлоқ дўкони қолиб, турли жойлардан керакли нарсаларни топиб, етказиб келадиган Абдуназарнинг йўлини пойлайдиган бўлишди. Аввал-бошида камёб нарсаларни кўчама-кўча машинасида юриб соладиган Абдуназарга янги даврнинг – «пул бўлса чангадда шўрва» мақоли иш бериб, қишлоқдаги деярли савдоси касодга учраган дўкон биноси ни хусусийлаштириб олди ва хотини иккиси уни юргиза бошлишди.

Бу орада ҳарбий хизмат ёшига етган Жуманазарни армияга олишди. Акаси Абдуназарга айни шу керак эди. Укаси олисдалигига отасидан қолган ва ҳозирча отасининг қадрдон чўпонлари қўлида боқилаётган қўй-эчкиларни сотиб, туман марказий бозорида қурилган қатор дўконлардан бирини сотиб олди ва унга янги ортирган хушторини сотувчиликка қўйди. Савдода шу соҳада ўқиганларгина ишлаши керак, деган замонлар ўтиб кетган, «икки карра икки» ни сув қилиб ичмаганлар учун калькулятор деган матоҳ чиқариб қўйилган эди. Ўзи ҳам есин, ошириб унгаям бериб турса бўлди.

Жуманазар ҳарбий хизматдан қайтиб келганида раҳматли ота-онасидан икки ўғилга қолган қўй-эчкилардан бир дона ҳам қолмаган, келинайси қишлоқдаги дўкону уй-жой билан овора, акаси қишлоқдаги ва туман марказий бозоридаги дўконларга мол етказиб келиш, янги-ян-

ги хушторлар излашу улфатлар билан чойхона-ма-чойхона изғищдан ортмасди. Отасидан қолған эски «Нива»ни арzon-гаров сотиб юбориб, янги русумдаги шундай йўлтанламас хорижнинг ЖИП машинасини сотиб олган Абдуназар укасига бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида ойда бир бериладиган моянага ишлаш ўзини хурмат қиласиган одам учун ҳақоратдир дея, ишга киришга шошмасликни маслаҳат берди: «Менинг давримда дамингни ол, иш ўрган, ҳозирча тансоқчилик ёнимда юриб, керак пайти машинани бошқар, у ёғи бир гап бўлар...»

Мана шундай охири номаълум ташвишларга боши билан шўнғиган Жуманазарнинг ҳаётида бир ҳодиса содир бўлди-ю, унинг келгусидаги ҳаётида юз берадиган бошқа воқеалар занжирини бошлаб берди.

Абдуназар қишлоқда уйининг деразаларига ичкаридан темир панжара ўрнатган биринчи одам эди. Отасининг маъракалари ўтиб, Жуманазар ҳарбий хизматга олинганидан сўнг Абдуназар уч-тўрт кунлаб эркаксиз қоладиган уйининг шу пайтгача панжарасиз турган ойналарига ички тарафдан темир панжаралар ясатиб келди. Бу тоғ қишлоғида бошқа қишлоқлардаги-дек деразаларга панжара ўрнатиш тугул, эшигу дарвозаларга қулф осиш учрамасди.

Жуманазар хизматдан қайтиб келганидан сўнг, акасига қарашиб юрган қиши кунлари айнан ана шу, деразаларига панжара ўрнатилган уйларида ёнғин содир бўлди. Абдуназарнинг олти-етти ёшлардаги қизи бир яшар атрофидаги укасини катта уй шифтига осилган беланчакда ухлатгач, деразадан кўчада яхмалак отаётган, чана судраган болаларга кўзи тушиб қолади.

Укаси ҳали-вери уйғонмаслигини назарда тутиб, күчага чиқиб кетади.

Кираверишдаги хонага ўрнатылган керосин печидаги олов баландлаб кетганидан ўт чиқиб, куритишга илиб қўйилган кийимлардан ўрлаган олов мойбўёқлар билан нақшланган фанер шифтга етиб боради...

Бу пайтда Жуманазар акасининг дўконига етказиб келган озиқ-овқатларни машинадан тушираётганди. Кўчада одамларнинг шовқин солганча ўтиб боришаётганига кўзи тушиб, нима воқеа юз берганлигини билиш учун ташқарига чиқди ва уйлари тарафдан кўкка ўрлаётган ту tunни кўрди. Келинаясига юкни қоровул билан бирга тушириб олишни тайинлаганча, ўзи ҳам одамларнинг орқасидан югуриб кетди.

Жуманазар ҳовлиларига етиб борганида, қўшнилар узун шифер томнинг ўртасини очиб, унинг ичидан ёнаётган нарсаларни кўчага отганча, ўт ўчиришни бошлаб юборганининг устидан чиқди. Унинг хаёлига бирдан жиянлари тушди. Атрофда бола-бақралар кўп бўлганлигидан, кўзи алоҳида бир болага тўхтай олмай, катта уйларининг ҳали ўт олмаган, аммо ичкарини кўришгаям имкон бермайдиган қалин дарпардали деразаларига яқинлашди. Ичкаридан жиянининг йифиси қулоғига чалингандек бўлди.

Жуманазар ўтин ёрадиган узун дастали болта билан деразани синдиришга тушди. Унинг ниятини тушунган қўшнилардан бири ёрдамга келиб, дарпардаларни юлқиб ташлади. Ичкарига кирган тоза ҳаводан димиқиб ётган шифтдаги болорлар гуриллаб ёнишга тушди. Энди иш темир панжараларни кўчириб ташлашга қолган бўлиб, бу анча мушкул эди. Қўлларига узун ломларни ол-

ган икки эркак зўр бериб темир панжараларнинг бир тарафини қўпоришиди ва Жуманазар ўзини ичкарига урди. Куюнди ҳаво билан тўла хонада ҳеч нарсани кўриб бўлмагани учун Жуманазар кўзларини юмганча тахминан ҳаракат қиларди. Бола йифиси яна қулоғига чалиниб, унга йўл кўрсатди. Қўллари билан беланчак арқонини топган Жуманазар жиянчасини устию остидаги кўрпачалари билан қўшиб бағрига олганча нажот туйнугига айланган деразага яқинлашди. Дераза ердан анча баландлигидан унинг ортида турганларнинг бошию қўллари кўринар, уни тезроқ чиқишига ундашарди. Жуманазар кичкина жиянини қадрдон қўлларга топшириб, ўзи яна уй ичида қолди. Унинг назарида катта жияни ҳам хонада эди. Ерга энкайганча аранг нафас олиб, ҳам атрофни кўзлари билан зўрға қузатиб, қўллари билан пайпаслаб чиққунча катта уйнинг ичи ҳам аланга домида қолиб бўлганди.

Жуманазар устига ёнаётган шифтдаги вассажуплар туша бошлаганидагина бу ерда ортиқ қола олмаслигига кўзи етди-ю, аммо кеч бўлганди. Ўзи очган деразага ёнаётган икки хода кўндаланг бўлиб тушиб қолганди. Жуманазар уларни қўллари куя-куя олиб ташлагунча устига шифтдан ёнаётган бошқа нарсалар туша бошлади. Ташқаридан кўзларини чирт юмиб олган Жуманазарни мўлжаллаб бир-икки челак сув сепишди. Чўгларга теккан сувнинг вишиллаши эшитилди. Мана ниҳоят унинг деразага яқинлашган танасини тортиб олишди ҳам.

Бу ёнгин натижасида Абдуназарга отасидан қолган эски уй деярли ёниб кетиб, унинг оиласи асрраб қолинган нарсалари билан ҳовлининг этак тарафидаги, айни дамда бўш ётган, Жу-

маназарнинг уйига кўчиб ўтишди. Жуманазарнинг қўллари, юзи ва бўйинлари қаттиқ куйганлигидан қиши ичи дўхтирга қатнаш билан вақти ўтди. Юзларида куйган терилари тортишиб битганидан сўнг унинг юз кўриниши анча ўзгариб, аввалги сувратига солиштирганда бемалол «ўнта фарқни топинг» дейдиган аҳволда эди.

Бу ёнгин Жуманазарнигина эмас, уни яхши кўриб юрадиган қизни, Абдуназарнинг оиласи билан қудачилик қилмоқчи бўлган туман марказий бозоридаги бошқа бир дўкон эгаларини ҳам синовдан ўтказгандек бўлди. Ўша қиз энди Жуманазар билан гаплашишдан ўзини олиб қочарди. Қизнинг онаси ҳам илгарилари Жуманазарга қизига тинмай совчи келаётганлиги, отни қамчиламаса қуруқ қолишини шама қилиб юрган бўлса, ёнгиндан сўнг қизини обрўли бир хонадонга фотиҳа қилиб қўйганию, бу тарафларга иложи борича қадам босмаса яхши бўлишини уқтирар эди.

Умр ташвишли экан

Шундай одамлар борки, ўзига-ўзи душман, яна шундай кимсалар борки, ўзига-ўзи энг яқин дўст ва маслаҳатчи, яна шундайлар ҳам борки, ўзига-ўзи дўстлигини ҳам, душманлигини ҳам билмайди, шу боис ҳам одамлар турли-туман...

Баҳоргача бойўғлихонадек бўлиб ётган харобаларни кунлар илий бошлаши билан тозалашга тушган Жуманазарга акаси шу қатордаги барча эски биноларни ҳам янгидан қуришга тайёrlашни юклади. Ўша ёзни Жуманазар акасининг уйини қурувчи усталар гуруҳига бош-қош бўлганча, бошқатдан қуриб битказиш ишлари би-

лан ўтказди. Қишиң келгунча янги уйнинг томини ёпиб олганларидан сўнг, бошқа ишларни келгуси ёзга қолдиришди. Омбору ҳаммом, ошхонаю дарвозахона каби ёрдамчи биноларни битказиш учун икки йилга яқин вақт кетди. Ҳаш-паш дегунча йигирма саккиз ёшни қоралаб қўйган Жуманазарнинг уйланмаган тенгқурлари қолмади, ҳисоб. Янги уйни нишонлаш, беш ёшларга кириб қолган катта ўғли ва янги туғилган кенжা ўғлиниг қўлини ҳалоллаб олиш ташвишига тушган Абдуназар шу қаторда укасини ҳам уйлантириб қўйишидек акалик қарзини узиш учун Жуманазарни тезроқ қиз топишга ундай бошлади.

Жуманазар шунда ўзининг болалик дўсти Бердимуродга маслаҳат солди. Улар девор-дармиён қўшнилар бўлиб, мактабга ҳам бирга қатнашган ажралмас дўстлар эди, доимо бирга юрганларидан уларни ҳамма эгизак, деб ўйлар эди. Жуманазарларнинг ҳовлисида ёнгин юз берган қиши арафаси Бердимурод янги битган ҳовли-жойига кўчиб чиққанди. Унинг янги уй-жойи қурилишида Жуманазарнинг кўп меҳнати сингган, бу хонадон унинг иккинчи уйидек бўлиб қолганидан ўтган-кетганида у ерга бош суқиб ўтар, ҳафтада бир-икки марта ўртоғи билан нардами, шахматми ўйнаб, шу ерда тунаб қоларди. Бердимуроднинг икки ўғли учун Жуманазар бамисоли амакисидек яқин бўлиб қолганди.

Икки ўртоқ битта ароқни майдалаганча қишлоқдаги қизлардан қайси бирига уйланса яхши бўлиши устидаги мажлисига Бердимуроднинг ҳам хотини қўшилиб, ўзи вояга етган қўшни қишлоқда ҳам ажойиб бўй қизлар борлигини, совчилликка боришга ҳам тайёrlигини қўшиб қўйди.

Акаси мүлжаллаган тўй муддати жадаллик билан яқинлашар, Жуманазар уйланишга ҳамон қиз тополмасди. Кўп қизлар у билан учрашувга чиққандан сўнг: «Яхши йигит экану, чиройли эмас экан, бунинг устига ёшиям жуда катта», деган баҳонаю важлар ила рад этишарди. Ниҳоят, акаси ўз дўконида ҳам сотувчи сифатида ишлатиб, ҳам тез-тез уйида меҳмон бўлиб турадиган Заифа исмли жувон топган маҳалладош бир қиз яқин келажакда туман марказидан уй-жой қилиб, кўчиб келиш шарти билан Жуманазарга турмушга чиқишга розилик бериб қолди. Тўйгача қилинадиган расм-русумларни тезлаштиришиб, бир ҳафтанинг нари-берисида суннат тўю никоҳ базмини юмалоқ-ёстиқ қилиб ўтказиб олишди. Тўйдан уч ойлар ўтиб, келиннинг Россияга ишлаш учун кетганлигидан тўйларида иштирок эта олмаган икки акаси қиши ичи дам олиб, оиласлари олдида яшаш учун қайтиб келгандарни янги келин-куёвни йўқлаб келишди. Бир йилдан сўнг Жуманазарнинг ҳам хонадонида фарзанд – ўғилчасининг йифиси янгради. Шунинг устига келиб қолган қайногалари Жуманазарни ҳам баҳорда ўзлари билан ишлаб келишга тарғиб қилишди-ю, аниқ бир жавоб олишолмай, кунлар исий бошлиши билан яна ўз сафарларига жўнаб кетишди.

Бу хонадондаги ҳаёт яна ўз изига тушгандай бўлди. Тўғрироғи, янги изга. Эндиғи пайтлар ёши қирқдан ошган Абдуназар ҳафтанинг бирор кунидагина қишлоқларидан қирқ чақиримча олис ва хатарли йўллар наридаги туман марказида ёки бошқа жойда тўй-маърака, ё ёмон об-ҳаво сабаб тунаб қолишини айтмаса, аксари вақт

ұатто ярим кечада бўлса ҳам уйга етиб келарди. Дўконларга янги мол етказиб келишу ҳисоб-китоб ишларини тўлиқ Жуманазарнинг зиммасига юклаб қўйган акаси баъзан ўзини ёмон ҳис қилаётганлигини айтиб, икки-уч кунлаб уйда кўрпа-тўшак қилиб ётадиган бўлиб қолди. Абдуназарнинг юриш-туришидан яхши хабардор кишилар қуён ўз ини атрофида ўтламасди-ю ё худо инсоф берган, ё куни уйида ўтлашга қолган қабилида фикр қилишарди. Бу фикрларнинг иккинчиси тўғрироққа ўхшарди ва шундай ҳам бўлиб чиқди.

Савдо юритишни деярли қўлига олган Жуманазар икки-уч ойлик кирим-чиқимларни хомчўтлаб қўриб, туман марказий бозоридаги дўконларидан деярли фойда олишмаётганларини, савдо-сотиклари бинойидай бораётган ҳолида етказиб келтирган озиқ-овқат маҳсулотлари жуда секинлик билан тугаётганлиги, ұатто айримлари ойдан ойга ошиб қолаётганлинини сезиб қолди. Бунинг сабабини дўкондаги асосий ишни қиласидиган сотувчи жувонлардан навбати билан суриштирганида, улардан ёши каттароқ бўлса-да, ёрдамчи қатори ҳафтанинг савдо қизғин бўладиган тўрт куни ва одам гавжум бўладиган байрамларда то харидорлар оёғи тийиладиган чошгоҳгача ишлайдиган Мактуба опа елка қисиб: «Менинг ишга келганимга энди олти ой бўлди, савдо билан банд бўламан, ҳисоб-китоб тўлиқ Заифанинг қўлида, кунбай иш ҳақимни қўлимга беради, бошқасини билмайман. Унча-мунча нарса олган куним шуям йўқ, худога шукур, куним ўтиб турибди», дейишдан нарига ўтмади. Асосий сотувчи Заифа опадан

түгридан-түгри сўрашга андиша қилди. Боиси, Заифа опа дўкон очилгандан бери ишлаб келар, боз устига хотини Манзурага маҳалладош бўлиб, совчилигу келинга янгаликни ҳам ўрнига қўйган шу жувон эди. Унинг акаси билан «дон олишиши»га доир гапларни асоссиз «миш-миш» деб биладиган Жуманазар ойдан ойга ортиб қолаётган маҳсулотлар ҳақида сўз очиб, жой ва пулни банд қилиб ётадиган бу нарсалардан бошқа келтирмаслик ҳақида ўсмоқчилаб гап очди. Бу фикрга Заифа опа: «Ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бор, турибди-да, нон-чой сўрармиди, ука? Бу ерда ўтмаса, қишлоқдаги дўконларингда сотилар, қўйиндан тўкилса қўнжга-да, шунгаям ота гўри-қозихонами?» қабилида гап қилди.

Ўша куни одам оёғи тийилган чошгоҳда дўконга унда-бунда юзма-юз келиб қолганида салом-алик қилиб юрадиган қўзтаниш бир йигит бош суқди-ю, Заифа опа билан кўз уриштириб олгач, индамай қайтиб кетиб, Жуманазарнинг кўнглига шубҳа солди.

– Майли, бўлмаса мен қишлоққа қайтай, сиз инкассацияни бошланг, – дея дўкондан чиққан Жуманазар дўконлари яхшигина кўриниб турдиган иккинчи қаватдаги ошхонага кириб, та-мадди қилиш учун кирган таниш дўкончи амаки иккиси ташқари кафтдек кўриниб турган ойнаванд ровон четидаги столдан жой олишди. Растаю дўконлар орасидаги одамлар оқими сий-раклашганилигидан бозорнинг кўз илгайдиган олис қисмлари ҳам яхши кўринарди. Ташқарини кузатиб турган Жуманазар боягина дўконларига кириб-чиққан таниш йигитни илғаб қолди. У фиштдек тахланган пул ўрамларини елкасига

осиб олган ихчам чарм халтасига жойлаганча ортидан чиққан сотувчи жувон билан бош силкиб, қўлини кўксига қўйганча хайрлашаркан, тез-тез юриб Жуманазарларнинг дўконига кириб кетди. Ярим соатлар олдин Жуманазарнинг кўнглида пайдо бўлган шубҳа фимиirlаб қолиб, дўконлари ойнасидан кўринаётган ҳолатларни кузатишга тушди. Заифа опа дўкондан чиқиб, у ёқ-бу ёққа қараб олгач, ичкарига кириб кетди. Кейин эса оёфи тагига курси қўйиб, энг юқори токчага терилган мева шарбатлари қутилари ортидан қандайдир дафтарни олганча, калкуляторда бир нарсаларни ҳисоблаб, ойнадан кўринмай турган йигитга кўрсатганча, тахлаб қўйган пулларни узатди. Сўнг қофозга баъзи нарсаларни тез-тез ёзганча йигитга берди. Бироздан сўнг елкага илган сумкаси анча қаппайган йигит Заифа опа узатган қофозни ички чўнтағига тиқишитирганча ташқарига чиқди.

Жуманазарнинг овқатланишни ҳам хаёлидан чиқарганча ташқарига қараб қолганини сезган ҳамроҳи ҳам шу томонга тикилди:

– Ҳа, нимани кўриб қолдинг?
– Анави йигит нима иш билан шуғулланади?!
– деди Жуманазар уч-тўрт дўкон оралатиб яна бошка бир дўкон олдидаги сотувчи аёл билан қуюқ кўришаётган йигитга ишора қилиб. – Елкасига кўк сумка осиб олганни айтаяпман.

– Ҳа-а, уми? – деди масаланинг моҳиятига етган таниш дўкондор чайнай олмаётган чандирни оғзидан олиб столга қўяркан. – Ўлаксахўр-ку!

– Ўлаксахўр?! – деди Жуманазар тушунмай. – Бу нима деганингиз?!

– Ўзини дўкони йўқ, чегарадан ўтадиган контрабанда озиқ-овқатлару ўзимизнинг улгур-

жи бозорлардан олиб келадиган маҳсулотларни дўконларга тарқатиб, кейин пулию янги буюртмаларни йифиб юради, – деди дўкондор Жуманазарни баттар ҳайрон қолдириб.

– Шунга нима бўпти? – деди Жуманазар дўкондорнинг йигитга нисбатан нафратининг моҳиятини тушунмай. – Холис хизмат-да буям. Ҳаммаям олисдан юк келтира олмайди. Ўзим ҳам қўшни дўкондагиларга юк келтириб берган пайларим бўлган, гоҳида улар ҳам бизга у-бу нарса келтириб туришган.

– Сенда қандай билмадиму, аммо анча ой бурун дўконимда даромаднинг мазаси роса қочди, – деди таниш дўкондор кўк чойни ҳузур қилиб ичаркан. – Худога шукур, дўконда бегонани ишлатмайман. Хотиниму келиним. Харидор кўпаядиган кунлари коллежда ўқийдиган қизим ҳам қарашиб туради. Келинимга гап йўқ, оёқ-қўли чаққон. Шундай қилиб, рисоладаги-дек кетаётган савдонинг мазаси қочиб, даромад режадагидан тамом пасайиб кетди. Сабабини сўрасам, иккаласи ҳам савдо сустлашиб кетганинги баҳона қилишди. Хотину келинга сездирмай, улар уйдалигида чойхонага кетдим, деган баҳонада кечки пайт дўконни очиб, тафтиш ўтказдим. Биласанми-йўқми, савдо соҳасида ўқиганман, давлат савдо тизимида озми-кўпми ишлаганман. Илгари ревизор деган бало бўларди. Ўшанда бу нарсани бало деб ўйлаганмиз-да. Аслида, ана шу тафтишчининг бориям яхши экан. Тафтиш бўлмаса, сотувчи давлатнинг нарсасини сотиб, пулини қандай еб қўйганини билмай қолади. Камомадга йўл қўйганилар иложи борича ревизорни оғзини «мойлаб», иссиғида

камомадни қоплаш билан қутулиб қолиши мумкин эди. Агар камомад факти қонун йўли билан расмийлаштирилса, ҳам камомадни қоплардинг, ҳам энг енгили бир неча йилга савдо соҳасида ишламаслик билан, агар камомад кўлами жуда катта бўлса, бир неча йилга қамалиб кетишинг, камомадни қоплаш учун мол-мулкинг давлат ҳисобига мусодара бўлишиям мумкин эди. Шунинг учун савдо аҳди тафтишчиларга бало-қазога қарагандек қарашар, уларни қўрқув аралаш ҳурмат қилишарди. Аслида, одам ўзининг нафсидан қўрқиши керак, – дўкондор амаки бармоғи билан томогига чертиб қўрсатди. – Балои нафсадан қўрқиш керак, жиян!

– Амаки, гапларингиз чала қолди, – деди Жуманазар дўкондор амакининг кетмоқчи бўлаётганлигини сезгач, темирни қизифида босишга тиришиб. – Дўконингизда ўтказган тунги текширишингиз нима билан тугаганлигини айтмадингиз.

– Ҳа-я, – деди қўлини оминга очган амаки фикридан қайтганча, Жуманазар узатган чойни оларкан. – Ўша кеча жиянларимдан бирини ёнимга олиб, дўконни тафтишдан ўtkазиб, анча-мунча ошиқча маҳсулотлар борлигини аниқладим. Ҳатто мен келтирмаган маҳсулотлар ҳам топилди. Ўзинг биласан, асосий вақтим уйимда, сўқимга боғлаган новвосларим, куркаларимга қарашу маҳалламиздагилар учун очган дўкончамни тебратиш, невараларни бошқариш билан ўтади. Фақат савдога қарасанг-у, болалар тарбиясини ташлаб қўйсанг, бориб-бориб жуда катта ташвишлар тагида қолиб кетишинг мумкин. Болаларни ёшлигидан меҳнатга қайиштириш керак. Тайёр нарсаларга ўргатиш керак

эмас. Энди анави гапга қайтсак, дўконимда пайдо бўлган ошиқча, ўзим олиб келмаган маҳ-сулотларни билганимдан кейин невараларимдан бирининг мазаси бўлмаётганлигини баҳона қилиб, келинимнинг ўрнига савдога чиқдим. Мен чиққанимгами ё савдо юришиб турган ку-нига тўғри келиб қолдимми, савдо шунақанги зўр бўлдики, эр-хотиннинг қўли-қўлига тегмай, тушгача тамом чарчаб қолдик. Хотиним раҳ-ми келгандай: «Бўлди, дадаси, энди уйга бориб, сўқимларингизга қараб, дамингизни олаверинг, бу ёғига савдоям сусайиб қолди», – деди. Мен унга, йўқ, келинга барини тайинлаб келганман, савдони инкассациясини бугун ўзим қиласман, ҳам дўконни бир тозалаб чиқай, дедим-да, сир бой бермай ўтиравердим. Бир пайт мана шу ўлаксахўр йигит бозордаги аравачилардан би-рига ортган нарсалари билан етиб келиб, менинг бу ердалигимдан бехабар: «Холажон, буюртма-ларингизни олиб келдим, аввалгиларини пулини тайёрлаб қўйдингизми?» – деб қолди. Хотиним сири фош бўлишини олдини олиш учун: «Укажон, дўкондан янглишдингиз, шекилли, бизга юкни хўжайинимнинг ўзлари олиб келадилар», дея мени шу ердалигимга ишора қиласаям, олдиндан огоҳлантирилмаган йигит: «Э, хола, ахир кечагина шу нарсалардан етказиб кeling, дедингиз, аввал-гиларини ярим пулини бердингиз, қолганини эр-тага бераман дедингиз! Мен буларни энди кимга ўтқазаман?» – деб қовун тушириб қўйди.

Бунаقا нарсалар ҳақида илгари эшитган бўл-сам-да, бу ҳолат билан энди ўзим тўқнашиб тур-гандим. Дарҳол йигитнинг олдига чиқиб, ҳамма гапни айтишини талаб қилдим. Бу йигит ан-

чадан бери ўзим келтиргандан ташқари хотинимнинг буюртмасига қўра қўшимча мол олиб келаркан. Хотинимдан бу гапни тасдиқлатиб олгач, йигитнинг нарсаларини олиб қолиб, пулини ўша заҳоти қўлига тутқаздим ва иккинчи бу ерга яқинлашмасликни тайинладим. Ахир унда яй айб йўқ. Бунаقا нарсаларни жанжал, тўполнонсиз ҳам битказса бўлади. То ўзинг ўз айбларингу хатоларингни хоҳ жанжал, хоҳ мақтаниш учун ошкора қилмассанг, худойимнинг паноҳида бўласан. Йигитни тинчгина кузатиб юборганимдан кейин хотинимни сиқувга олгандим, барини айтиб берди. Бегона бўлишса-ку, дарров кавушини тўғрилаб қўярдим. Бири хотиним, бошқаси – келиним. Уларни савдодан четлатсам, куним бегонага қолади. Бегонадаям нафс бор. Шундай қилиб, қайнона-келин тилла сотиб юрадиган хотинлардан тилла тақинчоқлар олиб қўйишибди. Бу ёғига неварамнинг суннату кенжака ўғлимнинг никоҳ тўйларини белгилаб қўйганимиз учун хотинларга хос орзу-ҳавасга, тўйнинг ортиқча дабдабаларига бекитиқча пул йиғишга тушишиб, менинг ҳисобимда йўқ нарсалардан олиб сотиш учун шу йигитга икки ойдан бери буюртма бериб туришаркан. Келинимга нима, қайнотадан қўра қайнонага кўпроқ тобе, унча-мунча ўзигаям тегиб, алоҳида қурдираётган уйига асқотади, дегандай ими-жимида иш қилиб юришган. Буни қўйиндан тўкилса, қўнжга дейишади, жиян. Бояги йигит дўконларингга мол тушираётганини бир-икки кўрган жойим бор. Менинчча, келинойнинг ҳам акангга, сенга билдирмай, енг ичида иш қилиб юрган бўлса керак.

– Амаки, Заифа опа келинойиммас, сотувчимиз холос, – деди Жуманазар ўзини қийнаётган масаланинг тагига етгандай.

– Йўғ-эй, акангни хотинимасми у? – деди амаки ҳайрон бўлиб. – Уларни нафақат бозорда, бошқа жойлардаям бирга юрганлигини кўп кўраман-ку.

– Хотиним томондан пича қариндошчилиги бор, – дея гапни силлиқлаб юборди Жуманазар. – Тўйимда келиннянгамиз бўлган.

– Хотинингга уруғ бўлса, бегонадай гап экан, – деди дўкондор амаки бошини сарак-сарак қилганча. – Анчадан бери акангга кўзим тушмайди, борми ўзи?! Кўнглингга олмагину, акангнинг қадам олиши менга маъқулмас. Одам аввало сал камтарроқ бўлиши керак. Мол-давлат қўлнинг кири. Бу гапни ўзинг ҳам эсингда тут. Энди бу жувон акангга, сенгаям бегонадай экан, ишини тафтиш қил. Бояги йигит билан енг ичида иш битираяптими, буни тагида бир гап бор. Дўкуннинг бор харажати, солиқларини сен тўлайсану, бу ойимча бирор етказиб келган яширин маҳсулотни сотиб, фойдани чўнтаига уради. Сен бу ишни шундай қолдирма! Арқонни узун ташлаб, ўзига билдирмай тафтиш ўтқаз. Кўлингда аниқ далилларинг бўлса, кейин масалани бир ёқди қил, хўпми жиян? Майли, менам борай, қани омин...

Шу суҳбатдан сўнг Жуманазар, амаки айтмоқчи тафтишни Заифа опага билдирмай, қандай ўтказиш устида бош қотирди. Охири келтирадиган маҳсулотларининг қутиси ё бошқа ерига рангли фломастер билан фақат ўзига аён тарзда билинмас белги қўйиб чиқишига қарор қилди. Ҳафтада икки маротаба юкка борадиган Жу-

маназар яширин тафтишни бошлаган иккинчи ҳафтасидаёқ дўконда ўзи келтирмаган, яъни яширинча белги қўймаган маҳсулотлар пайдо бўлганлигининг гувоҳи бўлди. Бу пайтда акаси ўзининг ва Жуманазарнинг қайноасини, келини Манзуруни ўғилчаси билан Самарқанддаги қадамжоларни зиёрат қилиш ва қандайдир табибларга кўрсатиб келиш учун уч-тўрт кунга машинасида жўнаб кетганди.

Фурбат фурбатни туғдиаркан

Муваффақиятсизликка олиб борувчи барча сабаблар ҳаётни салбий ҳолда идрок қилишдан-дир, дейилади баъзи битикларда. Аниқроги, гурбат ва иллат билан баҳтга эришаман деганларнинг бари билимсиздир.

Зиёратдан қайтиб келган Абдуназар укасининг гапларига аввалига ишонмади. Бу тафтишдан Заифанинг ҳозирча хабари йўқлигини билгач, тайнинли қарор чиқаришни яна бирор ҳафта ортга қолдириб, укаси билан яширин тафтишни, кузатишни давом эттиришга келишиб олишди ва шундан икки кун ўтмай Заифа ва холис хизмат кўрсатаётган йигитни айни буюртма юкни тушираётган пайти тутиб олишди.

Бу йигит билан ими-жимида ҳисоб-китоб қилиб, бу ёққа бошқа яқинлашмасликни тайнлаганча ишни босди-босди қилган тажрибали дўкондор амакига қарши ўлароқ, икки кундан бери иккинчи қаватдаги ошхонанинг ойнаванд ровонини ҳам кузатув, ҳам қиттай-қиттай қилиб ўтирадиган жойга айлантириб олган Абдуназар катта жанжал кўтариб юборди. Юз-кўзи қора қонга белангтан йигит, ер билан битта қилиб со-

чилган маҳсулотлар, оғзидан боди кириб, шоди чиққанча Заифани енгилоёқликда, қон тупура-ётган йигитни үйнаш қилиб олганликда айбла-ётган Абдуназару жанжал-тўполоннинг устига етиб келганча кайфу жаҳолатга мингандекини тинчтишишга уринаётган Жуманазар бозор аҳлига текин томоша бўлишди. Воқеа жойига етиб келган ички ишлар ходимлари жанжалга семизгина нуқта қўйишишди.

Қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйишишган акаука ишни босди-босди қилиш учун анча-мунча харажаттага тушганлари бир бўлди-ю, яхшигина иши ва кундалик мўмай даромадидан айрилган Заифанинг алам олиш учун қилган ишлари ўлганнинг устига тепгандай бўлди.

Ажрашиб кетган эридан орттирган қизи ўн ёшларга кириб қолгани учун ўйинқароқлик билан ўтказган ёшлик йиллари, турли гап-сўзлар яна ҳаётида пайдо бўлмаслиги учун Абдуна-зар акасидан бошқани ўзига яқинлаштиrmай юриб-юриб орттиргани шу бўлдими?! Қўшни дўкондагилару ўтган-кетган олдида уни деярли ўн ёш кичик бир йигитчага жазман қилиб ўти-риби. Бир хотинига эрининг қилмишларини билдириб қўйишиш керакка ўхшайди! Шарман-дага шаҳар кенг, деганларидай, Заифа ўз уийда, тор доирада яқингинада ўтказган туғилган куни муносабати билан уч-тўрт ўзига ўхшаган дугоналарию бизнесмен эркакларнинг шира-кайф даврасида телефонга туширилган расмлардан иборат «тиканли гулдаста»ни Абдуна-зарнинг қишлоқдаги дўконида туман марказий бозорида бўлиб ўтган жанжаллардан бехабар, тинчгина тирикчилик қилиб юрган хотинига

«сюрприз» қилиш учун анча-мунча олисдаги тоғаи қишлоққамас, худди қимматбаҳо рестораннинг вип залларидан бирига икки кишилик оқшомга отланаётгандек, бисотидаги аёл зотини эркакларнинг кўзига тез ташлантирадиган очиқ-сочиқ либосларига пардоз-андозини газаклик қилганча йўлга отланди.

Овсинли бўлганидан бери Заифанинг соясига кўрпача тўшаб келаётган Сурмахон аввалига бу суратларни тўй-ҳашамдан кейин дўст-ёрларга кўз-кўз қилинадиган эсадалик расмлар қатори кўриб хурсанд бўлганча: «Озиб-ёзиб бир келибсиз, дўконни ёпаман, уйга ўтамиш!» деган гапи меҳмон жувон томонидан совуққина рад этилгани ва расмларни шу ерда яхшилаб кўриб чиқиши таклиф қилинганидан кейингина юраги кўнгилсизликнинг совуқ шамолини ҳис қилди.

Мезбонлик таомилига хилоф иш тутмаслик учун дўкондаги ягона курсини Заифага қўйиб, чинни чойнакдан бир пиёла чой қуйиб берган Сурмахон суратларни яхшироқ кўриш учун дебраза ёнига келди. Телефонда маст даврани тарихга муҳрлаётганинг маҳорати ҳам зиёфату айш-ишратнинг чўққисига чиққан пайтига монанд бўлиб, суратнинг сифатига заррача парво қилмаганлиги яққол кўриниб турарди. Чамаси, суратга олиш ишлари еб-ичишу ўйинга тушиши билан қўшиб олиб борилгани учун кўп суратлар қингир-қийшиқ, оёғи осмондан олинганга ўжшар, улардан айнан бир тегишли хulosса чиқариб олиш учун эса Сурмахонда фаросат етишмаётганини ҳис қилган Заифа ёрдамга келди.

– Ҳалиям тушунмаяпсизми буларнинг нималигини? – деди Заифа ўз уйининг меҳмонлар-

га аталган хийла каттароқ хонаси шифтдаги ранг-баранг қандилнинг хира ёғдусию тамаки дудидан гира-ширалиқ касб этган оқшомда олинган суратларда Сурмахон айнан кимни ёки кимларни яхшилаб кўриб олиши кераклигини улама тирноқлар ёпиштирилган бармоғи билан нуқиб кўрсатишга тушди. Тўғрисиям шу эди, ахир бу суратлардаги Заифаю эридан бошқа меҳмонларни танимаган-бilmagan жувон учун бу суратларнинг қанчалик ҳам аҳамияти бўлсин. Ахир бирга ишлайдиган бева жувоннинг туғилган кунига эри бир ўзи боргани йўқ-ку! Агар бу ишнинг сирли, тўғрироғи, шармандали жойи бўлганидаям буни ошкор қилишга жазм қилишдан мақсад нима?!

– Расмларни яхшироқ туширилгани йўқми? – дея уларни эгасига қайтарган Сурмахон ўзини гўлликка солди. – Ҳеч нарсани тушунмадим.

– Буларни тушуниш учун хотин кишидан кўпам ақл талаб қилинмайди, соддагинам! – деди Заифа суратлар ўзига умуман керак эмасдек, пештахта устига ётиб ташлаганча. – Эрингиз ўша куни уйимда ётиб қолган. Унгачаям, ундан кейинам.

– Ётиб қолса нима бўпти? – деди Сурмахон шундагина Заифанинг мақсадини англауб. – Сиз биринчисимассиз, охиргисиям.

– Асабларингиз пўлатдан экан, – деди кутган натижасига эришолмаган Заифа пештахтага ташлаб қўйган сумкачасини кифтига илганча кетишга тараддулланаркан, «қочиб кетганча сочиб кет» мақолига амал қилиб, дераза рафида турган чинни чойнакни ғазаб билан ерга уриб, чил-чил қилганча ташқарига чиқиб кетди.

Шунинг устига келиб қолган ҳамқишлоқ жувон Сурмахоннинг ранг қочган юзига қараб, уни боягина Заифага такаллуф қилинган курсига ўтқазганча лабларига чил-чил бўлган чойнакнинг тақдиридан омон қолган пиёладаги совиб қолган чойни тутди...

Бўш қоп тик турмаганидек, ишсиз қолган Заифа ҳам то янги ва муқимроқ бир иш топгунича илгари қилиб юрган ҳунарларининг қай бирини бошини тутишни билмай, бозорнинг у бошидан кириб, бу ёғидан чиқиб юрган кунлари уч-тўрт йилдан бери иккинчи уйидай бўлиб қолган собиқ дўкони ёнидан ўтганида кўз қири билан у ерда энди ким ишлаётганлигини билишга қизиқар, уни бу ердан бадарга қилган эркаклар кўринмаган пайти бемалол кириб бораверарди. Мактуба хола шубҳадан ҳоли ва савдонинг паст-баландини билгани учун ҳамон аввалгидек дастёр қатори ишлаб юрар, асосий сотувчиликка олинган Жуманазарнинг қайноғаларидан бирининг хотини маҳалладоши бўлган Заифанинг тақдири аъмолини яхши билгани учун салом-алиқдан нарига ўтмасди. Заифа тагига сув қўйилишининг бошида Жуманазар турганлигини ички туйфу билан сезиб, яхшиликни билмаган бу кўрнамакнинг кўзини мошдек очиб қўйгиси келди. Ахир аввал-бошида унинг ишдан қувилишининг асл сабаби Абдуназарнинг эркакларга хос рашки, қизғаниши деб келар, орадан пича пайт ўтиб рашки тарқагач, ўзи олдига бош эгиб келади, деган умид шами кўнглининг қай бир пучмоғида ожизгина шуъла сочиб турарди. Бу ерда пул, савдодаги фирромлик иккинчи масала. Ахир Абдуназардан уриб қолаётган пуллар ёнига унинг

ўзи ора-сира қиладиган қимматбаҳо совғаларни қўшадиган бўлса, Заифани шунча пайтдан бери дўконида ушлаб туришидан мақсади фақат пул эмаслиги аён бўлади-қолади. Укасининг эса йўриғи бўлак. Унга пул керак, янги рўзгор қилган. Шунинг учун фойда-заарарнинг ҳисобини олишга тушиб, акасига йўл кўрсатган бу ярамас. Ахир уйланишга қиз тополмай юрганида унинг кунига ким яради?! Ким унга бир қошиқ сув билан ютса бўладиган нозанин қизни топиб берди?! Тўғри, маҳаллада бу қизнинг пича гап-сўзи чиқиб, бир марта унаштирилган, аммо номаълум сабабларга қўра фотиҳаси бузилган эди. Аммо ҳозир бунақалар озми?! Мана, бинойидай яшаб юришибди. Битта қўчқордай ўғилча туғиб берган бўлса! Аммо бошқа тарафдан буларнинг барини шундай қолдиролмайдиям-да! Нима қилса-ю, aka-уканинг орасига совуқчилик солса ва бир эшикдан кириб чиқаётганлар бир-бирини кўришга кўзи, отишга ўқлари бўлмай қолса...

Астойдил йиғласанг, сўқир кўзга ёш келур, деганларидек, Заифа излаётган қасд олиш имкони бозорнинг ўзидан топила қолди. Бозордан айланай, одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор-а. Тиллачи хотинлар тўпланиб, мижоз овлайдиган бақатеракнинг тагида бири олиб, бир қўйиб нарсасини кимгадир кўрсатаётганлари Жуманазардан қасд олиш васвасасига берилганча ўтиб кетаётган Заифанинг диққатини ўзига тортди. Ўз молини мижозга маъқуллатаётган икки тиллачи аёл бир-бирини итариб ташлашдан ҳам тоймас, анча-мунча илон пўст ташлаб юборадиган ҳақоратлар ҳам ишлатилмоқда эдики, бу ерга биринчи бор келиб қолган одам ҳа-

демай қонли можарога гувоҳ бўлсам керак, дея ўйлаши тайин эди. Аммо бу ташқаридан қараганда шундай. Бир-бири билан мижоз талашаётган бу жувонлар бошқа пайтда бир майизни қирқ бўлиб ейдиган қадрдон дугоналар тугул, бир ота-онадан туғилган опа-сингиллар бўлиб чиқишлари ҳам жуда мумкин-да. Аммо онанг бозор, отанг бозор бўлганидан кейин дугоначилик, ошна-оғайничилик тугул, туғишганликни ҳам вақтинча бир чеккага суриб туришга тўғри келади, нима дедингиз?!

Хуллас, қандайдир келинчакка аксарият хотин-халажга азизликда одамнинг жонидан кейинги ўринда турадиган тилла дея аталмиш тақинчоқларини маъқуллатаётган тиллафуруш жувонларнинг шовқини Заифанинг Жуманазардан қасд олишга доир восвос хаёллардан чалғитди-ю, шу тарафга тикилиб, кўпдан излаётган нарсасини топгандек бўлди. Жуманазарнинг хотини бўлмиш Манзура тиллафуруш жувонларнинг бири олиб, бири қўйганча қўрсатаётган турли тақинчоқлардан қай бирини танлашни билолмай, ёнидаги эркакка қараб-қараб қўярди. Заифа ўзига орқа ўтириб турган эркакни дарров таниди. О, танимай ҳам бўларканми! Кейинги уч йилдан бери деярли беникоҳ танмаҳрамига айланган бу зормандани худонинг ёруғ куни тугул, қоронфи кечаларида ҳам юзта эркакнинг орасидан адашмай таниб олган бўларди. Шунчалик фидолигининг қадрига етмади-я!.. Озгина пулни деб, неча йиллик қадрдонидан воз кечиб юбориш фақат эркакларга хос. Ўзи худойим бу ярамасларни нимага яратди экан-а! Тўғри, аёлни яратиш учун битта қовурғасининг баҳридан

ўтган эркаклар сарфлаганини юзлаб-минглаб марта ортиги билан қайтариб ҳам олган бўлса-да, тўяй демайди. Ашулада айтилади-ку, туя тўйди, фил тўйди, сен тўймадинг одамзот деб. Ана шу ебтўймас одамзот дегани эркаклар бўлмай, нима ахир? Бундай олганда, эркак зотини аёлни яратишда фойдаланилган хом ашё десаям бўлади! Фойдаланиб бўлинган нарсани яна ер юзида сақлаб туришдан нима фойда!..

Заифа анчадан бери кўрмай, кўролмай юрган неча йиллик қадрдонининг, бугунга келиб фирт душманга айланган Абдуназарнинг ёнига бостириб боришига сал қолди. Орадаги гина-аразларни унутиш, ҳаммасини бошқатдан бошлиш ҳам мумкин-ку! Аёлларни бежизга ожиза, заифа дейишмайди. Севган одамининг битта ширин сўзи, кулиб қарашига жону жаҳонини бериб юборишга тайёр туришади. Аммо бу фидолик шунга арзийдими, мана масала қаерда!..

Ўзини бундай қалтис қадамдан вақтида ти-йиб қолган Заифа яна аслига қайтди – қасд олиш хаёлида юрган жувонга айланди. Бу жойда қаққайиб тураверса ё Манзура, ё Абдуназар уни кўриб, таниб қолиши тайин бўлганлигидан, Заифа бўйнига ташлаб олган ҳарир гулдор шарфни бошига ўраб, юзларини тўсиб, буям етмагандай кўзига қора кўзойнагини тақиб олди. Бақатеракнинг қулоч етмас поясидан ўсиб чиққан бачки новдалар уни яхшигина тўсиб турар, савдога қизиқиб кетганларнинг эса Заифа қатори атрофларига йиғилиб қолган бекорчилар билан заррача ишлари йўқ эди.

Заифанинг сумкачасида охирги туғилган кунида мана шу бевафо Абдуназар акаси совға

қылган, қимматлиги учун унча-мунча одамларда учрамайдиган қўл телефони жиринглаб қолиб, уни қўлига олган жувон ҳозир гаплашишнинг мавриди эмаслиги учун алоқани узди-ю, кўз ўнгидаги томошани телефонда тасвирга тушириб олишга қарор қилди. Бу пайтда савдо ҳам пишган, тилласини ўтқазган аёл бармоғига туфлаганча пул санар, тиллали бўлиб қолган Манзура эса қайноғаси Абдуназарга олинаётган тилла занжирнинг учтасидан бирини танлаш учун бўйнига қайта-қайта ечиб-тақдираётган эди.

– Қани эди мениям эрим бозорга етаклаб келиб, тиллалардан оберса! – деди бўйнию қўллари қават-қават сотиладиган тиллалар омборхонаси бўлиб кетган жувон қора қалам суртилаверганидан бирортаям туки қолмаган қошларини ўйнатганча. – Раҳматига акажонингизни ўпид қўйинг, оповси!

– Ўпид қўйиши уйда бўлади, – деди бошқа тиллачи ва ёнидаги жувоннинг қулоғига бир нарсаларни шипшиганидан сўнг боягина ит-мушук бўлиб турган икки жувон бир-бирига «беш» ташланча чойхонада ўтирган эркаклардек бозорни бошларига кўтариб хандон отиб кулишди...

Шундан сўнг Заифа қайноға-келинни буюм бозор расталарида бирор соат таъқиб қилиб юрда-да, енгилгина шарфу аёллар ички кийимларига оид бир-иккита нарса харид қилишганини айтмаса, телефони хотирасини банд қилишга арзийдиган воқеа содир бўлмагани учун ортига қайтди. Собиқ ишхонаси ёнидан ўтаётганида юқдан қайтган Жуманазарнинг олиб келган маҳсулотларини сотувчи жувонларни ишга солганча дўконга тушираётганига кўзи тушиб, сен

бу ёқда ишлайвер, аканг эса у ёқда хотинчангга тилла обериб, растама-растта етаклаб юрсин, бу кунингдан баттар бўл, дея зарда билан тез-тез юриб олисларкан, балки бу гаплардан Жуманазарнинг хабари йўқдир, савоб йўлига болапақирнинг кўзини очиб қўйиш керакмикан, деган фикрга келди...

Хиёнатга қарши сабр

Ҳар қандай хиёнат ҳалокатдир. Эҳтирос, ҳирс, хавотир ҳамроҳ бўлган адашии эса икки карра ҳалокатлидир.

Жуманазарга бир ойлардан бери кўзига кўринмай юрган Заифанинг тасодифан йўлидан чиқиб қолиши ва ораларида ҳеч қандай кўнгилсизлик бўлмагандек, очилиб-сочилиб ҳол-аҳвол сўрашида сунъийлик бордек эди. Аслида, Жуманазар акасининг ўша куни тинчгина, ими-жимида ҳал қиласа бўладиган ишни катта жанжалу томошага айлантириб юборганидан хижолат бўлганидан, Заифани кўрганда кўрмасликка олиб ўтиб кетарди. Бугун ҳам шундай қилмоқчи бўлганида, Заифанинг ўзи олдини тўсиб чиқди ва хайрлашишидан олдин: «Кинонинг «тоза»си чиқибди, янги, ролида ўзимизнинг «местний»лар ўйнаган! Уйга обориб келинпошшо билан билла-билла томошо қилинг!» – дея қўлига DVD диск тутқазиб кетишидан сўнг бу тўқнашиш атайин қилингандек туюлди.

Қишлоқча қайтганида, йўл усти ўртоғи Бердимуродникига кирган пайти унинг шу кунларда янгигина сотиб олган DVD плеерда жангари кино кўраётганлиги устидан чиқиб, Заифа берган янги диск эсига тушди ва ўртоғига: «Ма-

шинамда янги диск ётувди, шуни бир кўрайлик-чи!» – дея ортига қайтди.

Машинадаги махсус қутида ётган беш-олти дискнинг орасидан Заифа тутқазганини қўлига оларкан, жувоннинг: «Буни келинпошшо билан билла-билла кўринг!» деган кесатиқмонанд гапи эсига тушиб, шошилмасликка қарор қилди ва қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг янги концерти ёзилган дискни қўлига одди.

Бердимуродникида бирор соатлар нарда суришиб ўтирган Жуманазар шом қоронфиси қуюқдашаётганида уйларига қайтаркан, акасининг дўкони ёнида бир нафас тўхтади. Оқшом савдонинг қизғин пайти бўлгани учун келинаяси Сурмаҳон ҳамқишлоқларига хизмат кўрсатиш билан банд экан. Шу пайт акасининг тўнгич фарзанди, ўн тўрт ёшлардаги қизи Диёра тўрт ёшлардаги укасини эргаштирганча сочиққа ўралган бир коса иссиқ манти кўтариб келиб қолди. Келинаяси Манзура унга бугун манти туғишини ўргатибди. Жуманазар жиянларини уйга олиб қайтмоқчи бўлганида, Диёра аямга қарашиб, бирор соатдан кейин бирга қайтамиз, Озодбекни олиб кета қолинг, деганидан сўнг, машинага ўтириди-да уйига жўнади.

Амаки-жиян дарвозани очиб, машинани дарвозахонага киритиб олишгач, Жуманазар аввалига акасининг уйига бош сукди. Катта жияни, ўзи ёнфиндан олиб чиқсан олти ёшлардаги Пирназар дастурхонда турган иштаҳани қитиқдайдиган иссиқ мантига ҳам қарамай, телевизорга уланган пультда қандайдир электрон пойгаййин, «денди»га берилиб кетганлигидан амакисига эътибор ҳам бермади. Озодбек югуриб бориб, акасининг ёнига ўтириб олганини кўрган

Жуманазар ўзининг болалигини эслаб кетди. Бундай пайтларда кечгача ким қайларда кунни кеч қилган болалар шом арафасида гузарга ёки қишлоқ четидаги ялангликка йифилишиб варрак учиришар, чиллакми, оқ суякми ўйнашарди. Оқсуяк ўйини айни шом пайтига мос бўлиб, ёши каттароқ ва зарбаси кучли йигитлардан бири, яъни ўйинбоши қорамолнинг эскилигидан оқариб кетган сон суягини фуриллатиб тўғри келган тарафга улоқтирап, олтидан то ўн ёшларгача бўлган болалар суяк тушган жойни излаб, уни қайтариб келиш учун юргилаб кетишарди. Фира-шира намозгарда оқариб кетган суякни топиш осонроқ бўларди. Чиллагу суяк кетидан юргурган болалар кейинроқ футбол тўпи орқасидан югурадиган бўлишди. Қишлоқнинг чоллари ҳам тагларига тўнларини тўшаб, болаларнинг жонҳолатда футбол ўйнашларини завқ билан томоша қилишарди. Қоронги қуюқлаша бошлиши билан ундан-бундан оналарнинг овози янграп, овқатга вақтида келишмаса, оч қолдиришларини айтиб қўрқитишарди...

Ҳозирги болалар эса телевизордан бери келишмайди. Уларнинг ёшлигига телевизор саноқлигина уйларда бор эди. Мана бунаقا электрон ўйинлар чиққанидан бери телевизорда бериладиган мультфильмларни пойлаб ўтиришгаям ҳожат қолмади. Туман марказида янги ўйинхона очилибди, компьютерхона. Ёш болалар тутул, мўйлови мурт урганлар ҳам ўша ерда.

Жуманазар ака-уканинг уй-жойини номигагина шартли тарзда ажратиб турувчи осма узумнинг ток дўлмага ярайдиган нафис япроқлари шом елида енгилгина шивирлаб турган қаторни

ёқалаб бораркан, очиқ деразадан DVD плеерга қўйилган Юлдузнинг «Санамгина» қўшифининг шўх оҳанглари ташқарига сочилиб турган ёруғликка қўшилиб, ҳовлига тараларди. Акаси Абдуназарнинг ортидаги ёстиққа таянганча атак-чечак қилиб йўлга кириб кетган, оталари Нормат чўпоннинг хотирасига Бобоназар исми қўйилган жиянчасини тиззасида ҳалинчак учираётганига кўзи тушди.

– Ана, даданг келди, – Абдуназар ётган жойида жиянчасини укасига узатиб, ёнбошлаб олди.

– Ёмон шўх бўлибди бунинг. Олишавериб чарчадим. Мунча ҳаялладинг. Телефонингга тушиб бўлмайди.

– Антенна бир ишлаб, бир ишламаяпти-ю. Бунинг устига телефонимнинг заряди тугаб қолганди, – деди Жуманазар дастурхонда ярми ичилган арофу устига чинни коса тўнкариб қўйилган мантили чинни товоқ ва аччиқ-чучукли тарелкаларни кўздан кечириб. – Зиёфат зўр-ку!

Абдуназар «Бу нима бўлипти!» дегандек қўл силкиганча пиёлаларга ароқ қуйиб укасига узатди:

– Манзура жиянингни ёнига олиб, манти туғишаётганида ака-ука бир мириқиб ўтирайлик деб, шунча телефонингга қўнфироқ қиласман, натижа йўқ, Сенсизам бошлавордим. Ол!

– Манзура қани? – деди Жуманазар хотини кўринмаётганидан ҳайрон бўлиб.

– Мазаси йўққа ўхшайди, ичкарида ётибди, – деди пиёласини бўшатган Абдуназар укасига қўлидагини олишга имо қиласманча. – Иккинчи синиям тезлаштировибсан! Айтгандай, шундан шакқа қатнаб сенга нима азоб! Қайнонанг вақтинча берадиган квартирада яшаб туринг-

лар. У ёғига худо пошшо! Бўпти, ман уйимга чиқай. Болангни ўзингга топширдим, боғчалигим тугади.

Абдуназар чиқиб кетишини кутиб тургандай, ичкаридаги ётоқҳонадан Манзура чиқиб келиб, эри билан сўрашганча термосдаги қайноқ сувдан чинни чойнакка чой дамлаб берди ва ўғилчасини ухлатиш учун ичкарига олиб кириб кетди. Унинг авзойидан токсикоздан ҳам кўра кейинги пайтда эри билан келиша олмаётган бир масаланинг арази манаман деб турарди. Туман марказида вояга етган Манзура уйларидан бирор ўттиз чақирим олисдаги тоғ қишлоғига келин бўлиб тушганидан бери ўтган икки йил ичида ҳеч бу ерларга кўнига олмаётганди. Сувни булоқдан ташиш, овқатни ўчоқда қилиш, чойни термосдаги қайноқ сувдан дамлаш, ёз ичи ўтину тезакни фамлаб олиш, ҳафтада икки марта тандирда нон ёпиш, буям етмагандай мол-ҳолга қарашиб, сутини соғиб, уларга ем-хашак жамғарив қўйиш, подага қўшиш, хуллас, санайверсанг, қишлоқ аёлининг ишини адогига етиб бўлмайди. Катта овсини Сурмахон бўлмаганида ишни нимадан бошлишни ҳам билмасди. Охири, пичоқ бориб суюкка етгандай, эри Жуманазарга Россияда ишлаётган акасининг ўғлига олиб қўйган бир хонали квартирасида вақтинча яшаб туриш маслаҳатини солди. «Тоғдаги уй-жой шундайича тураверади, озгина нарсамизни оламизу, шаҳарда яшаймиз. Қачонгача акангизнинг қарамоғида юрамиз. Россиядаги акаларимнинг олдига бориб, икки-уч йил ишлаб келсангиз, анча-мунча пул орттирадик. Ер сотиб олиб, уй қурамиз ёки тайёрини сотиб

оламиз. Бу уйимизни қайноғам үғиллари учун биздан сотиб ола қолади...» Жуманазар бу гапга кескин қарши чиққанди. Манзура ора-сира яна шу ҳақда гап очиб қолганида, күзини чақчайтириш билан жавоб қайтарибгина қўя қоларди.

Жуманазар шишсанинг тагида қолганини ҳам бир ёқли қылгач, ўлининг кўлини ҳалоллаб олиш учун ҳовли четидаги оғилхонага боғлаган бир жуфт новвосчалардан хабар олиб, уйга кираётганида кундузи Заифа берган диск ёдига тушиб қолди.

Ётоқхонада ухлаб ётган хотинига халал бермаслик, тўғрироғи, аввал дискни бир ўзи кўриб олиш учун товуши пастлатилган телевизор тагида ётганча экранга тикилди. Қайрағоч тагидаги тиллачи аёллару акаси Манзуранинг бўйнига тилла занжирча тақиб қўйиши, кейин уларнинг турли расталарда кийим-кечак сотиб олишларидан иборат сахналарни қўрган Жуманазарнинг ёдига бундан бир ҳафталар бурун хотини онасиникида бир кеча тунаб келган кун тушди. Ўшанда анча-мунча нарсалар солинган халталарни уйда очиб қўраётган Манзура буларни Россияядаги акаларим бериб юборишибди деганди ва «Акаларимнинг ёнида юрсангиз, бу нарсаларни ёки қуруғини ўзингизам жўнатардингиз», дея иддао қилишни ҳам унутмаганди.

«Хўш, бу ишлардан қандай хulosса чиқариш им керак, – дея ўйлади Жуманазар телевизорни ўчиранча жойидан қўзғалишгаям эриниб, устига кўрпачани тортаркан. – Заифа бу билан нима демоқчи?! Ака-ука қирпичноқ бўлиб ўл, демоқчидир-да. Чучварани хом санабди...»

Эрталаб Жуманазарнинг илк иши Заифа берган дискни икки бўлакка синдириб, отиб юбориш бўлди. Бу ишининг натижасини кутиб, шу

тарафларга қулогини динг қилиб юрган Заифа тасодифан «олдидан чиқиб қолиб», дискни кўрган-кўрмаганигини суриштирганида уни йўқотиб қўйганлиги, бошқаси бўлса топиб беришни илтимос қилган Жуманазарнинг ортидан ҳафсасаси пир бўлганча қараб қолди...

Куюнди ҳиди

Ким фаросатсиз, ақли суст бўлса, у доим адашади.

Аммо Заифанинг яширин камераси қиломаган ишни бир-икки ҳафтадан кейин оддийгина тасодиф тезлаштириб юборди. Умуман олганда, тасодифий ҳодисаларнинг замираida кўзга кўринмас қатъий қонуниятлар тамал тошилик қиласди. «Аталаға тишим синди» деган гапни эшитганмисиз?! Илдизи лиқиллаб қолган тишнинг аталадек юмшоқ таом еган пайти тушиб қолиши ҳар доим бўлмаса-да учраб туради. Манзуранинг туман марказида ўз яқинларига яқинроқ яшаш истаги онасига ҳам маъқул келиб, неварасига аatab олиб қўйилган бўш квартирани қизига вақтинча бериб туришга рози бўлди. Фақат бунга Жуманазарни кўндириш керак эди. Манзура бу масалада қайнофасининг кўмагига умид қилиб, эрига таъсир қилишни сўраганида, Абдуназар бунга рози бўлди. Манзура боласини онасига қолдирганча, қайнофаси билан унинг машинасида туман марказининг ишчилар шаҳарчаси қисмидаги кўпқаватли уйлардан сотиб олинган квартирани кўриб келиш учун отланишиди. Арzon-гаровга олинган квартира анча-мунча таъмирталаб бўлса-да, вақтинча яшаб туришга яроқли эди. Манзура квартирада биринчи навбат-

да бемалол яшаш учун нималарни келтириш, қандай таъмираш ишларини амалга оширишни хомчүтлаб турган пайти Абдуназар келинининг хатти-ҳаракатлари, қадди-қоматини қузатиш билан банд бўлганча унинг соясидек изма-из юради. Ўз машғулотига берилиб кетган Манзура қайноғасининг асл мақсадини англаган пайти қаршилик кўрсатишига анча кеч бўлганди...

Улар «уй кўрди»дан бамисоли бегоналардек қайтишди. Аммо бу вақтингчалик ҳолат эди. Абдуназар машинасини ҳайдаётган пайтида айбини ювиш учун орқа ўриндиқда ўтирган Манзурага бу иш бошқа қайтарилемаслигини, ҳозир тўғри бозорга бориб унга бир дунё нарса сотиб олиб беришини айтар, Манзура эса хурпайиб олганча сукут сақларди. Заифа ана шу «айбни ювиш» учун Абдуназару Манзурани бозор орабаб юришларини телефонида тасвирга тушириб олганди.

Туғилишу ўлимдан бошқа бир марта бўлган нарса ҳамма вақт ҳам бир марта лигича қолиб кетмайди. Манзуранинг кўнглидаги араз бозорнинг бу бошидан кириб, у ёғидан чиққунча ўтган вақт ичида тумандек тарқаб бўлганди. Энг муҳими, мана шу одамнинг кўмагида эрини йўлга солиб олса, шаҳарчага кўчиб келса бўлди. Буни тезлатиш учун қайноғасини қистовга олар, кунда-кунора ундан: «Укангизни кўндиридингизми? Қачон кўндирасиз?» деб сўрашни канда қилмасди. Абдуназар эса: «Бу нарсани энди ўзим ҳам тезроқ амалга оширишни хоҳдайман. Шунда иккаламизгаям осонроқ бўлади. Кеча Россияга кўчаётганлардан дивану креслоларни арzonгинага сотиб олиб, квартирага обориб қўйдим. Эртага

бориб кўриб келмайсанми?» – дер, қишлоқдан алоҳида-алоҳида йўлга чиққанлар алалоқибат бир жойда учрашардилар. Жуманазару Манзурадан иборат оиланинг томирига қурт тушганди ва уни зимдан кемириб, мадда боғлаётганди.

...Айнан шу бугун ўша томирнинг узилиши юз берди. Икки кундан бери қишлоққа келмай, хотинию акаси, бунинг устига қайнонаси бир неча ҳафтадан бери таклиф қилишаётган тайёр уй-жойни кўриш, уни ўрганиш учун хотини бериб юборган калитдан фойдаланганча, икки кечада шу жойда ту nab қолган Жуманазар қишлоққа қатнашу бу ерда оилавий яшашнинг паст-баландини ҳисоб-китобини оларкан, олдинроқ кўзим қаёқда эди, дея ажабланди. Акасига қўшилиб савдонинг бошини тутганидан бери кунлар шувиллаб ўтаётгандек, умрни кунлар билан эмас, ҳафталар билан ўлчашга ўтиб қолгандай туюларди. Эртага ундей, индинга бундай қиласман эмас, бу ҳафта у ёқقا, кейинги ҳафта бу ёқقا бораман дейдиган бўлиб қолганди. Акаси юк олиб келишни тамоман унинг ўзига ташлаб қўйганидан сўнг-ку, бир ҳафтада икки маротаба нақ икки юз чақирим масофадаги вилоят марказидан улгуржи бозордаги маҳсулотга бориб келиш, ора-сира қишлоққа қайтишга кеч бўлганида ёки тадбиркор ҳамкасларни кида ўтадиган тўй-ҳашамлар сабабли бозордаги дўконнинг ўзида ту nab қолишга тўғри келарди. Бундай ўйлаб қараса, кейинги бир йил ичида ҳафтанинг икки-уч кунидагина қишлоққа қайтишга, уйида тунашга вақт топаркан, холос. Хотинининг гапида жон бор. Умрининг кўп қисми йўлда ўтаётгани учун туман марказида яшаш

бирмунча қулай. Шу ҳафтада ёқ қўчишни бошлагани яхши.

Болаликдан тилига маҳкам бўлган Жуманазар янаги ҳафтага қолмай бу ерда вақтингча яшаб туриш учун оиласини кўчириб келмоқчилигини дўкондаги жувонларга айтиб ўтирмади. Жувонлар нима, ҳатто қишлоққа етиб келганида, одам гавжум бўладиган гузардаги собиқ киноклуб биносини билярдхонаю буфетга айлантирган ўртоғи Бердимуроднинг олдига кирганида ҳам бу гапни тишидан ташқарига чиқармади. Ўртоғининг ичидагини кўз қараашларидан билиб олишга ўрганиб қолган Бердимурод Жуманазарнинг ҳаётидаги қандайдир яхши томонга ўзгариш юз берганлигини ҳис қилиб, яхши тушгаям, ёмон тушгаям садақа лозим қоидасига амал қилиб, ўртоғини мажнунтол остидаги стол-стулларга бошлади. Буфетни юргазиб турган жиянига ишора қилиб, кичкина дастурхон туздирди. Бир-икки пиёладан сўнг Жуманазар гап орасида, бу ўтиришларимиз ҳам фанимат, энди камдан-кам кўришсак керак, дея пиёла чўқиширди-ю, Бердимуроднинг қизиқишини баттар оширса-да, улфати бунинг боисини сўраганида: «Ҳа, оғзимга келиб қолди, айтдим-қўйдим-да!» – деди холос...

Ё Жуманазар ҳар кунгидан вақтли қайтганигами, ё кунлар узайиб қолганигами, қишлоқ кўчалари ўйнаб юрган болаларга тўла, тоғлар пойидаги адирлар томонда беш-олти варракнинг узун думлари қишлоқ узра учиб ўтаётган шамоллар таъсирида номига мос вариллаб шовқин солаётганди.

Ўзларининг дўконларига яқинлашганида унинг олдидаги майдон четларида гул экиш учун олинган эгатларни келинайси қизига белкуракда чоптираётгани, икки укаси эса уч-тўртта қўшни қи-

залоқдар билан Жуманазарнинг ўғилчаси ўтирган коляскани у ёқдан бу ёқقا ҳайдаб юришганлари ни олисдан туриб илгади. Шу тарафга юргиси келди-ю, ичига сифдиролмаётган янгилигини тезроқ бориб хотинига айтгиси келиб, уйларига элтадиган кўчага бурилди. Уйлари олис эмас, кўча бошидан дарвозалари кўриниб туради. Ана, акасининг машинаси ҳам кўчада турибди. Яхши бўлди, шу ҳафта шаҳарчага кўчишларини иккаласига, аввал хотинига, кейин эса акасига айтади. Акаси бу ҳақда гапириб, орага тушганида бир маротаба жеркиб ҳам берибди, аҳмоқ....

Ховлиларига кирганидан сўнг акасининг эшиги тарафга бир қараб олгач, ўз уйининг ойнаванд ровононларига олиб чиқадиган зиналарни икки ҳатлаб, пойгоҳга кирди. Ўнг тарафдаги кенггина мөхмонхонадаги телевизорда қандайдир кино берилаётганди. Жуманазар хонада ҳеч ким йўқдигини кўриб, хотини ошхонадамикан дея ташқарига қайтиб чиқмоқчи бўлди-ю, ётоқхона томонда одам шарпасини илғаб, оғир духоба пардани бир тарафга сурганча ичкарига қаради-ю...

Ичкаридагилар – икки яқин кишиси ўз-ўзлари билан шу қадар овора бўлиб кетишгандики, бандаси тугул, худониям унутиб қўйишиганди. Тиззалиридан мадори қочган Жуманазар ортига тислана-тислана мушукдек бешарпа ҳолда ҳовлига тушди. Уни аччиқ бир туйфу томогидан бўғар, димоги анча йиллар бурун акасининг ёнаётган уйига беланчакда қолиб кетган жиянини кутқариш учун тушганида ўтириб қолган куюнди ҳидини аниқ-таниқ түйди. Ичидан келаётган куюнди ҳидидан кўзлари ёшланиб, чор-атрофни сув босгандек, тасвирлар синиқдик, гира-ширалиқ касб этганди. Шоша-пиша дарвозахоналаридан

күчага чиққан Жуманазар боши оққан тарафта кетиб борар экан, қирғоқлари күм-күк қамиш босган булоқ бўйига бориб қолди. Булоқнинг нариги соҳилидан қишлоқнинг қадим мозори бошлинар, тоғ-тошларидан тизза баробар қалаганча урилган деворнинг кўп жойлари қулагани учун ўтлаб келиш учун ҳайдалган кўй-эчкилар у ерда то бирор ҳайдаб чиқармагунча бемалол ўтлаб юраверарди. Ҳар йили баҳорда пул йигайлик, панжара ўрнатайлик, деган гап-сўзлар бир янгиланиб, жуда борса бир қозон ош дамлашу, йиқилган-суринган жойларни омонатгина ямаб қўйиш билан якунланарди. Тоғлар ортига беркинган қуёшнинг қизғиши шафағи қабристондаги тошларда акс этарди. Жуманазар бир муддат қабристонга тикилиб турди-да, секин булоқ соҳилига чўқди.

Шармандага шаҳар кенг

Сабр-қаноат, руҳий босиқлик ва умид инсоннинг улуг фазилатлариданdir.

Булоқдан қайнаб чиқаётган муздай сувга юзини ювиб ўзига келган Жуманазар «Энди нима қиласман?» дегандек сувдаги ўз аксига тикилиб ўтирган пайти телефони жиринглаб қолди. Акасининг телефонидан тушаётган чақириқни жаҳд билан ўчиргач, телефонини ҳам ўчириб қўйди. Энди нима қиласади?! Қайси юз билан уйларига кириб боради?! Улар шу бугун эмас, анчадан бери уни алдаб келишаётган экан-да. Хотини бежизга туман марказига қўчиб боришга уни ундамаган. Акасиям унга қўшилиб олгани-чи! Шармандага шаҳар кенг. Қишлоқда бу юришлари кунда бўлмаса, кунида маълум бўлиб қолишидан кўрқишган. Лаъна-

тилар. Уларни шармандасини чиқариш керак-микан?! Йў-ўқ! Бундай қилиш асло мумкинмас. Ўзиники тутул, акасининг оиласи ҳам бузилиб кетиши мумкин. Халққа кулги бўлишади. Хотиниям тинчгина ҳайдаб юбора олмайди. Энг яхиси, унинг ўзи бу ердан гойиб бўлиши керак. Аммо қаёққа?! Хотини унга Россияга боришина маслаҳат бераётганди. Аммо ҳозир уйига боролмайди. Ўзига ишонмайди. Қандай қилиб бўлсаям эрталабгача ўзини нима биландир чалғитиши керак. Ўртоғи Бердимуродникига бора қолади. Биринчи марта уникида ётиб қолаётгани йўқ. Бу гал охирги марта боради.

Бир тўхтамга келган Жуманазар фира-шира шом қоронғиси тушаётган пастқам кўчаларни айланганча қишлоқ марказига, Бердимуроднинг буфетига айланган клуб биносига яқинлашди. Қўрада тўртта буюртма кабобни елпиб турган жиян бирор соат один бу ердан кетган Жуманазарнинг қайтиб келганига ҳайрон ҳам бўлмади. Қишлоқдаги ягона кўнгилочар бу жой авваллари кино ёки гастролда юрган циркчилар ёки артистлар ташрифи, сайловлар баҳона одамларни ўзига тўплаган бўлса, энди шунчаки вақт ўтказиш учун келишар, иккита бильярд столи, битта стол тенниси, нардаю шахмат ўйинлари орасида у-бу нарса еб-ичиб олишар, ошхўрлар учун ҳам икки-учта ўчоғу қозон мунтазир эди.

Бердимурод беш дақиқа аввал жиянига бир-иккита кўрсатма бериб, уйига кетган экан. Жуманазар битта ароқ сотиб олди-да, Бердимуродникига қараб жўнади.

Ўртоғининг бундай дабдурустдан бемаҳалда келиб шу ерда тунаб қолишларига Бердимурод ўрганиб қолган. Улар девор-дармиён қўшнилар-

нинг фарзандлари, бирга ўйнаб, бир синфда ўқиб катта бўлишди. Болаликдан дам уницида, дам буницида тунаб қолишар, оналари ҳам бозордан бирор ейдиган нарса келтирадиган бўлса, иккаласи бўлишиб ердилар. Бердимурод оиласи бўлиб, янги ҳовли-жойни қуриб битказгунча Жуманазарнинг битта оёғи шу тарафда бўлиб, бу уй-жойга унинг ҳам анча меҳнати сингган, ҳовли олдидаги каттагина томорқада Жуманазар топиб келган пайванд кўчатлардан вояга етган дарахтлар ҳосили унинг кўзини қувнатарди.

Аммо ҳозир Жуманазарга шулар ҳам татимаётганди. Бердимурод ўртоғининг қандайдир бир соат ичида тамомила бошқача кайфиятда пайдо бўлганлигининг боисини билишга қизиқса-да, то ўзи ичига сифдиролмай айтмаса, ундан аниқ бир гап ололмаслигига кўзи етганлигидан мол-ҳолларидан хабар олиб келиб, дастурхон ёнида пинакка кетган ўртоғи учун уй тўрига тўшак ташлаб, ўша ёқقا ўтиб ётишга унлади.

– Мен уйга бора қолай, – номигагина айтилган бу гапдан кейин Жуманазар ўртоғининг уй ичида судраб юрадиган кавушини оёғига илганча ташқарига чиқди. Туннинг салқин ели Жуманазарнинг уйқусию кайфини тарқатиб, бу ерга аслида нимага келганлигини яна эслатиб қўйди. Бу хаёллар туннинг салқинидан ҳам кўра этни жунжиктиргани учун ичкарига шошилди.

Уларни жазолаш ўзини ҳам жазолашири

Ёмон фактат ёмонликни ўйлайди. Пок одам түгри йўлни излайди. Сен ҳалолликка ва түгриликка олиб борувчи йўлни танла, бу баҳтсаодатга элтувчи йўлдир.

Бердимурод аллақачон уйқуни уриб ётарди. Уйқусизлик навбати энди Жуманазарга ўтганди. Деразадан тушиб турган ой ёғдуси унинг ёдига онаси билан ҳовлиларидағи сўрида ётган кунларини эслатди. Оймома ва уни қуршаган юлдузлар тўла осмон онаси айтиб берадиган эртакларнинг безагига айланиб кетарди. Энди онаси йўқ. Акаси эса унга орқасидан пичоқ уриб юрган экан. Уларни жазолаш ўзиниям жазолаш. Аммо бу ишларни шундоқ қолдира олмайди. Нима қилиши керак?! Адоқсиз ўйлари уйқуга уланиб, уни тушу рўёлар оламига олиб кетди. Унинг тушига қабристонга элтадиган йўл кирибди. Унинг омонатгина симтўрли дарвозаси ортида онаси йўл қараб турганмиш. Жуманазар қўкраккача келадиган дарвоза табақасини суреб, онасининг олдига ўтмоқчи бўлса-да, онаси бунга йўл қўймасмиш. «Мен нима қилай?! Бундан кўра ўлганим яхшимасми?» дермиш у. Онаси эса бармоғини лабига босганча «Жим!» дегандек бироз туриб, ортига тисарилганча ҳавога сингиб кетибди.

– Ойи-и! Тўхтанг, ойижон! – туш аралаш алаҳсираганча бошини ёстиқдан узган Жуманазарнинг уйқуси тарқаб, атрофга аланглаганча ўртоғиникида тунаганини эслади. Ҳовлига чиққанида қуёш уфқдан бош кўтариб келаётганди. Ўртоғи Бердимурод қўлига кетмон олганча булоқдан ажраган ариқчадан келаётган сувни

Жуманазар қай бир баҳорда экиб берган ва ҳозир қийғос гулга кирган қўқонгиослар қаторига тарамоқда эди. Унинг хотини қўлтиғига нон қистирганча, қўйлару молларини қишлоқ подасига қўшиш учун ўғилчаси билан кўчага ҳайдаб чиқиши билан банд. Жуманазар шундагина оиласиб баҳтнинг қадрига етди, ўртоғига ҳаваси келди, ўз аҳволидан уялди. Бу ердан кетиш керак.

– Ҳов, қаёққа? Бунча шошмасанг! – уни ортидан бақирди Бердимурод. – Борасан-да ўшатоми қийшиқ уйингга!

– Уйгамас, бошқа ёққа шошаяпман, – деди Жуманазар ва қўли билан бир тарафларга ишопра қилди. – Россияга!

– Сенга икки дунё бир қадам бўлиб қолди ўзи, – деди Бердимурод унинг гапини ҳар доимги ҳазилга йўйганча. – Етиб борсанг, салом деб қўй.

Бозордаги жүшқин ҳаёт

Жуманазар ўзини уйдагиларидан, қишлоғидан, бир изга тушган турмуш тарзидан олиб қочиб, осон йўлга қадам қўймаганлигини мусо-фирчиликнинг биринчи ҳафтасидаёқ тушуниб етди. Тўғри, у Россияга кетгани йўқ. Бундай қилиш хаёлида ҳам йўқ эди. У Тошкентга, ўзи туғилиб ўсган жойлардан бирор уч юз эллик-тўрт юз чақирим олисдаги, ҳаёт кечаю кундуз қайнаб ётадиган улкан шаҳарга келди. Илгарилари ҳам тоғ акасига қўшилиб, тоғ ҳайдовчига ҳамроҳ бўлиб юк олишга беш-олти бор келган. Кейинчалик оладиган маҳсулотлари вилоят марказининг ўзидағи улгуржи бозордан топилганидан бери бунчалик олис йўлга ҳамма вақт ҳам ҳафсала қилмасди. Энди бу ёқларга унга хиёнат қилган икки яқин кишисидан қочиб келди. Эгнида кундалик кийимлари, ёнида паспортию тирикчилигига етарли пулдан бошқа аъмоли йўқ бу ерда ўз иши билан овораю бирор иш топиш илинжида юрган юз минглаб одамларнинг бирига айланганди. Сиртига сув юқтирмасликни болалигидан жини суймайдиган киришимли Жуманазар ўзига яқин кишиларни топишнинг энг осон йўли деб доим гавжум бўладиган улгуржи бозорга борди. Юк ортаётган ёки тушираётганларга қараша бошлаганида бегона йигитга нонларига шерик керакмаслигини дарров англатиб қўйишарди. То аравакаш Эҳсон билан танишгуннига қадар бир ҳафта ана шундай худога таваккал қилганча саланглаб юриш билан ўтиб, чўнтағи-

га пул учун суқылган қўли дўконлари калитидан бошқа нарсани тополмаган куни аввалги осуда ҳаётини илк бор қўмсади. Шу пайт унинг ёнидан ўтаётган одам бўйи баробар юк ортилган арава филдираклари нимагадир урилиб кетиб, маҳкам боғланмаган юклар Жуманазарнинг устига қула-маганида, бу қўмсаш туйфуси нима билан якун-ланиши номаълум эди. Йўлни банд қилиб қўйган юклар ўйланиб туришга имкон бермаганлигидан аравакаш йигиту Жуманазар атрофга сочилган нарсаларни шоша-пиша йифиштиришга тушишди. Шошилинч омонат ортилган юкни машинага-ча етказиб бориш яна-да мушкул эди. Юк эгаси ҳам аравакашга кўмаклашишга тушди. Жумана-зар ҳам юкнинг бошқа томонидан суюганча улар-га ҳамроҳ бўлди. Мана шу ҳолда Жуманазар ўзи-дек мусофир йигит Эҳсон билан танишиб олди.

Бир муддат Эҳсоннинг тавсиясию маслаҳати билан арава судраб юрган Жуманазар бундан кўра уй-жой қуришу таъмирлаш ишига чиқ-сак-чи, ҳар ҳолда тинчгина иш деб шеригини ҳам қизиқтириб қўйди. Бир-икки марта юк орт-ган дўкондор киши ўғлига аatab уй қураётгани, пойдеворни қуяётган усталар ишни чала ташлаб кетгани учун фишт тердиришдан олдин ўша ча-лаларни битказишга иккита мардикор зарурли-гини айтиб, телефон рақамини бериб кетганди.

Мана шу ҳолда улар шаҳар четида бунёд бўла-ётган янги маҳаллага келиб қолиши. Бир-икки-та томлари ёпилиб, деразалар қўйилишига тайёр бўлган икки, ҳатто уч қаватли ўйлардан бу ердан ер майдонлари олган одамларнинг иқтисодий са-лоҳияти шунга яраша эканлиги кўриниб турар-ди. Уларни бу ерга бошлаб келган ер эгаси қу-рувчилардан ҳам кўра қурилиш ашёлари сақла-

ниши учун бўлажак ҳовли ўртасига ўрнатган катта контейнер деярли бўшаб бўлган, бинонинг ер ости қисмини ташкил қиладиган ертўла хоналари бетонлаб қўйиб чиқилган экан. Кўшни ҳовли эгаси кўтарган деворга тақаб қуриладиган хўжалик бинолари учун пойдевор олиш ишларини кўрсатиб кетган ер эгаси улардан хабар олишга кўпам вақт топавермаслиги, ўзлари билиб ишларини қилаверишини тайинлаб, еб-ичишларига у-бу ташлаганча машинасида жўнаб кетди.

Бозордаги жўшқин ҳаётга ўрганиб қолган Эҳсон онда-сонда нолиб қолишини айтмаса, Жуманазардан ҳам кўра ишга чапдаст, пишиқ йигит чиқди. Оғзиям тинмай хиргойига бандлигидан радионинг ҳам кераги йўқ.

Ер эгасининг келиб-кетаверишимга вақтим йўқ дегани рўй-ростлиги орадан икки кун ўтиб, охирги бурда нонларини чойга ботириб еганларида билинди. Шунинг устига келиб қолган хўжайин уларнинг ишини кўздан кечириб, бу кетишида сизлар ишнимас, иш сизларни қидириб юради, дея мақтаганча егуликлар олиб келган сумкани бўшатиб, хамир учидан патир дея Жуманазарнинг қўлига пича пул тутқазиб кетди.

Бошланиши ёмонмас, дея йигитлар катта файрат билан ишга киришиб, кечки овқатга қулинг ўргилсин макарон палов дамлашди. «Қиттай-қиттай» қилиш учун пул олиб кетган Эҳсон энг яқин дўйконни излаб кетиб, иккита вино кўтариб келди. Ичидаги увадаси чиқиб кетган кир ёстиқларга ёнбошлиган икки дўст юлдуз қоплаган осмонга тикилганча ҳасратлашиб ётишди. Асосан Эҳсон гапирав, Жуманазар эшитарди. Ичкиликни тугатишда асосан Эҳсон жонбозлик қилгани учунми, бу ёқларга нима са-

бабдан келиб қолганигача яшириб ўтирмади. Уйланган қизи аслида бошқаси билан севишиган экану, йигитни уйдагилари мажбуран уйлантириб қўйишгач, унга аччиқма-аччиқми ёки аввалдан шуни режалаштирганми, қиз-жувонларга бир нарса деб бўлмайди, Эҳсоннинг совчиларига розилик бериб юборган экан. Бу орада битта қизчалик бўлишиб, тинчгина яшаб юришганида яна аввалги йигит пайдо бўлиб қолибди. Тўрт йиллик турмушларидан фарзанд кўришмагач, мажбуrlаб уйлантирган хотинига қўнгилсизлигидан ажрашиб кетибди. Хуллас, Эҳсонга турмушга чиқиб, битта бола орттирган келинчак иккинчисига бўйида бўлгани ҳолда буниси сендан дея, хотини билан бефарзандик баҳона ажрашган йигитни яна ўзига қайириб олганча, кетаманга тушиб, на ота-онасининг, на қайнонасининг гапига кириб, йигитнинг уйига бориб ўтириб олибди. Ана шармандалик. Йигитнинг ота-онаси анча обрўли кишилар экан, шаънига доғ туширмаслик учун ўғилларига қўпқаватли уйдан ижарага квартира олиб беришибди. На Эҳсон билан никоҳи расман бекор қилинмаган, на янги эри билан никоҳдан ўтмаган келинчак Эҳсондан орттириб келган гумонасиниям бу эримдан кўрганман дермиш. Мана шундай аросат гаплардан безор бўлиб, хотинию икки фарзандини бепушт йигитга тақдир тақозосига кўра инъом қилиб юборганча уйидан бош олиб чиқиб кетиб, мусофирчиликда юрганмиш.

Жуманазар ўзидан беш ёшлар кичик, дарду ғами унивидан ортиқ бўлса ортиқки, аммо сира кам бўлмаган бу йигитга нима дейишни ҳам билмасди. Ўзига енг бўлмаган бирорвга ёқа бўлармиди, деганларидек, чуқур хўрсиниб қўя

қолди, холос. Жуманазарнинг битта устунлик тарафи унинг дабдурустдан туғилган қишлоғидан хижратининг асл сабабини бир худо билади, бир ўзи. Худойим ҳам ўз айбингни ўзинг очиб қўймасанг, мен ҳамиша уни кўриб-кўрмасликка оламан дермиш-ку...

Мардикорлик

Улар ўз хаёллари билан бўлиб, кўзларини уйқу элтган маҳали қаёқдандир девона шамол пайдо бўлди-ю, ҳамма ёқни чанг-тўзонга буркади. Қай бир томдаги яхши маҳкамланмаган тунукаларни кўчириб, даранглата бошлаганида уйғониб кетган йигитлар тепаларида юлдузли осмонни қора булат қоплаб, чақмоқ чақаётганини кўришиди. Тезда кўрпаларини йиққанча темир контейнер ичига қочишга улгуриб қолишиди. Кучли момақалдироқ гумбурлаб, аввал аста-секин, кейин эса шиддат билан ёғаётган дўл темир контейнерни дўмбира қилиб чалишга тушганида нақваҳиманинг уяси бўлди-қолди. Беш дақиқалардан сўнг дўл ёфиши жалага алмашинди. Ҳаво кескин совиб кетди. Контейнер деворларига суянган ҳолда кўрпаларга ўралиб олган йигитларни иссиқ элтганча яна уйқуга кетишиди.

Тонгда бутун ҳовлини сув босиб ётганини кўрган йигитлар почаларини шимарганча атрофдаги аҳволни кузатиб чиқишиди. Қурилажак уйнинг ертўлалари одамни кўмадиган даражада сувга тўлган экан. Кун кўтарилиши билан яна ҳаво исиб кетган бўлса-да, ҳалқобларнинг тупроққа сингишиб, ҳали асфалътланмаган йўллардаги лойлар қотишига яна бир кун керак бўлади.

– Бугун дам оламиз, шекилли, – деди Жуманазар кечагидан қолган макарон паловни иситиб,

чой қайнатишга қуруқ ўтин излаб юрган Эҳсонга. – Мен бир атрофларни айланиб келай.

Катта шаҳарнинг четида янги турар жойлар учун ажратилган ер майдонлари экин далаларига туташиб кетганинидан тезда кенг дала че-тига чиқиб қолган Жуманазар қулупнайзорини оралаганча кечаги дўлдан қолган асоратларни кўздан кечириб юрган кишига дуч келди.

– Аҳволни қара! – ер эгаси худди унинг пайдо бўлишини кутиб тургандек ҳасратини тўкиб со-лишга тушди. – Биттаям бутун мева қолмапти! Шуни сотиб, пулига тўй қилмоқчи эдим. Аттанг...

Жуманазар ер билан битта бўлиб ётган қип-қизил қулупнай меваларига ичи ачишди. Битта-иккита омон қолганини топиб, оғзига солганида нордонлинидан юзи буришиб кетди. Буни нимасига қизиқаркан одамлар, дея қулуп-найзорлардан нарироқдаги беш-олти туп ўригу олма дарахтлари томонга жўнади. Мевали да-рахтларнинг ҳам аҳволи қулупнайзордан кам эмасди. Таги билан битта бўлганча тўкилиб ёт-ган фўралар, синиб тушган шох-шаббалар сахий табиатнинг мана бундай кароматлари ҳам бор-лигини намоён қилиб турарди.

Жуманазар ерпарчин бўлиб ётган ўрик шохла-ридаги довуччалардан териб, шеригига илиниш учун чўнтакларига солди. Битта-иккитасини то-тиб кўриб, афти аввалгидан-да баттар буришиб кетди. Уларнинг қишлоғида довуччалар бу пайт-да ҳали майда, данагиям сутмағиз бўлади. Бу ерлар иссиқроқ бўлганидан, данаклари қотиб, эртапишарларига ранг ҳам кириб қолган.

Жуманазар даланинг бошқа четидан чиқиб, ўзлари ишлаётган уйга элтувчи кўчанинг нари-ги тарафидан орқага қайтаркан, кечаги тунда

янги қоқылган тунука томларини шамол күчириб юборган уйнинг атрофида икки йигитга дуч келди. Улар шамол күчириб ташлаган тунука бўлакларини кўчаю қўшни ҳовлилардан йифишириб юришарди.

– Ҳорманглар, – дея Жуманазар йўлида ётган тунука бўлагини ердан кўтарганча уларга яқинлашди. – Буям сизларни кидир-а?

– Айтманг, ака, – деди уста йигит Жуманазар билан кўришаркан. – Бир ҳафталик ишимиз шамолга учди. Бир томонини ёпишга улгурмаганимиз панд берди. Энди ишни бошқатдан бошлаймиз.

Ўзларининг ҳовлисида қиладиган иш бўлмагани учун Жуманазар вақт ўтказиш учун йигитларнинг ёнида қолди. Икки қаватли қилиб қурилган бу бинони бошдан-оёқ хоразмлик йигитлар қураётган экан. Улар бошқа-бошқа ишни қилишса-да, бир ишни, дейлик пойдеворни қуийиб бўлгач, девор уришга келганида шу иш билан шуғулланадиган ҳамюрт усталарни жалб қилишар, бу усталар ҳам ишини битказганидан сўнг дурадгорлик ишларини бошқа ҳамюртларига оширишар, ишқилиб бир-бирларига иш топиб беришаркан.

– Уйга фақат қишида ёки иш бўлмаган пайтдагина борамиз, – деди тунукаларни текислаётган йигит уларни бутуну яроқсизга ажратса туриб. – Яна бошқа жойдан иш олиб қўйгандик. Бу ерни бугун битказиб, эртага ўша ёққа ўтмоқчийдик. Бу ерга эшик-дераза қўядиган усталаримиз келадиган эди. Ҳайронман... Ўзингиз натиб бу ерлара юрибсиз?!

Жуманазар кўчанинг нариги бошидаги янги қурилаётган ҳовлида тўрт-беш кундан бери иш

бошлаганларини, бугун ҳамма ёқни сув босиб ётгани учун бекорчиликдан айланиб юрганлигини айтди:

– Қарши бўлмасангиз, тушгача сизларга қарашиб юборардим. Ҳарна иш ўрганаман.

Жуманазарнинг таклифига қаршилик бўлмади ва улар тушгача, қурилишнинг хўжайини келиб қолгунча, томнинг бир тарафини ёпиб чиқишига улгуришди.

Қурилишида табиий офат туфайли юз берган вайронагарчилик уй эгасининг таъбини тирриқ қилган бўлса-да, кўпам куйинмай усталарга далда берганча тушлик қилиб олиш учун томдан тушишларини таклиф қилди:

– Тандирдан янги узилган сомсалардан обке-ганман, келинглар, бирга баҳам кўрамиз.

Тушлик маҳали уй эгаси янги пайдо бўлган йигитга қизиқиб, унинг шу кўчадаги янги қурилишда иш бошлаганлигини билгач, қошларини маънодор чимириб қўиди.

Тушлик тугаганидан сўнг Жуманазар кетишга изн сўраб, жойидан қўзғалди. Уй эгаси ҳам мени кўчада кутиб туринг, ҳовлиларингга ташлаб ўтаман дея, усталарга йўл-йўриқ кўрсатиш учун пича ушланиб қолди. Йўллар анчагина лой бўлишига қарамай, уй эгасининг хорижий ЖИП машинаси пасту баланд, хўл-қуруқни писанд қилмас экан.

Икки тарафидаги уй-жойлар деярли битиб қолган янги ҳовлига етганларида машинасини тўхтатган қўшни амаки Жуманазарни огоҳлантирди:

– Боя усталаримнинг олдида айтмагандим. Бу гап ўртамиизда қолсину, хўжайнларинг сал қитмирроқ киши. Аввалги усталар билан шунинг орқасидан оралари бузилиб, ўтган йили иши чалалигича қолганди. Иш ҳақларингни охирида битта

қилиб түлайман деса, эҳтиёт бўлинглар. Ҳар ишларингга битказган заҳоти ҳисоблашсин. Яна ўзларинг биласизлар. Майли, ишларингга омад.

Олислашаётган машина ортидан лолу ҳайрон қараб қолган Жуманазар юришгаям ҳоли қолмагандай, йўл четига пойдевор қўйиш учун тўкилган катта-катта харсангтошга ўтириб қолди. Бу ёфи неча пулдан тушди... Бу гапларни қўшни киши ичиқораликдан айтмаган бўлса керак. Уйжойи деярли битган. Тагидаги машинасининг ўзи битта уйнинг пули туради. Ўзларининг хўжайини мингган машина бунинг йўлидан юролмайди. Бугун келмаслиги аниқ. Телефон ҳам қилиб қўймайди. Айтгандай, телефонида пули кечеёқ тугаган. Шуни сотворсаям бўларди. Бу ерда унинг гаплашадиган одамиям йўқ, ҳисоби. Оддийроқ бўлсаям, ҳар нима уч-тўрт сўм пул бўлади... Ўзи-ку, майли, бозордек сершовқин, гавжум, бир кун бўлмаса бир куни уни танийдиган-биладиганлар учраб қоладиган жойдан кўра кўздан ҳолироқ жойларда юриш учун бу ёқقا келганди. Ўзи билан тирикчилиги бир нави ўтиб турган Эҳсонни эргаштириб келгани-чи... Ўзининг хавфсизлигини ўйлабди-ю, шеригининг тирикчилигини ўйламабди...

Жуманазарнинг хаёlinи қандайдир қўшиқни машқ қилаётган Эҳсоннинг овози бўлди. Жуманазар нақ одам бўйи кўтарилганича қолган пойдеворлар орасида дарвозахонага ташланган жойдан ҳовли ичига кириб борса-да, Эҳсоналига кўзи тушмай, унинг овози келаётган тарафни чамалаганча бораверди.

Эҳсон қуёшдан пана бўлган контейнернинг орқа тарафига кўрпача тўшаганча, орқасига ёстиқ тираган кўйи қўлидаги ён дафтарга

ёзилган нарсани ашула қилиб айтар, деярли бўшаб қолган вино шишаси ана йиқиламан-мана йиқиламан дегандай қийшайиб турарди.

– Қайда-а қолди-инг, жоним мани-иии! Соғинтирди-инг жонии-им мани-и! И-е, Жуманбулбул aka, қайларда юрибсиз! Ўтилинг бақقا!

– Маишат зўр-ку! – деди Жуманазар ана энди расманасига йиқилган шишани ушлаб қолганча шеригининг ёнига чўкаркан. – Бир ўзингиз уравераркансиз-да!

– Сизга аталганиям бор, aka, мана, – Эҳсон кўрпача тагига тикиб қўйилган шишани чиқарди. – Аввал қўлингиздагини тинчтайлик. Аммо бугун зўр кун бўлди-да, ўзиям. Атрофларни айланиб келдим. Роса яйрадим. Раҳмат сизга, мени шундай жойга обкелганизга.

– Нимаси зўр экан бу ерни? – деди Жуманазар шеригининг гапи киноя масмикан дея хавфсираганча унинг юзига тикилиб.

– Аввал биттадан олайлик, aka, – деди Эҳсон ва пиёласини чўқиширганча, газаклик учун чўнтағидан арзонгина уч-тўртта шоколад олиб, ўртага ташлади. – Бозорни биласиз, қанақа ур-ийиқит, шовқин-сурон жой, ўз оти билан бозор! Сен югурмасанг, ўзи югуртиради, ўзингни четга тортсанг, чеккада қолиб кетаверасан. Худди тўрқовоққа тушиб қолган беданага ўхшаб қолгандим. Ётадиган жойимиз-чи! Ўнта эркак бир хонада. Сатта бўйдоғу хотинсираганидан тортиб, хотиндан безорларгача ишдан кейин бир томнинг остида. Пайпоқларнинг сассифига, тер ҳидиу кир ҳидига чидаб бўлмайди. Ёз бўлса экан, бозорнинг ўзида тўнингни тагингга тўшаганча араванг устида тонг оттирсанг. Бир-иккитаси ичволган бўлса, ана томоша! Ишлаган

пулингни қаерга яширишниям билмай, кийиминг ичидан белингга боғлаб ётасан. Шундаям пулини йўқотганлар чиқади. Минфир-минфир, текшир-текшир. Бу ерда-чи! Иккаламиз, холос. Йўқотадиган пулимизам йўқ! Асаббузарликларем! Хоҳласанг ишла, хоҳламасанг, далани айланиб кел! Энди бунисини очамиз!

Жуманазар бир нарсалар ёзилган ён дафтарчани олиб варақлашга тушди. Ўзидаям бундан каттароқ дафтари бўларди. Ҳисоб-китоб учун. Бир ойда тўлиб қоларди. Бу унчалик катта бўлмаган дафтарчада ҳисоб-китобмас, шеърлар ёзилганди. Шундагина Жуманазарда буларни Эҳсоннинг ўзи ёзмаганмикан деган фикр пайдо бўлди. Эҳсон айтмоқчи, ўнта эркакка бошпаналик қиласидиган ижаҳаҳонадаги йигитлар гоҳ-гоҳида «Шоирни кўрмадингми?», «Бу нарса кимники, шоирникимасми?» деганларини эшитиб, ҳайрон бўлганди. Улар орасида яна қанақа шоир яшар экан? Умуман, шоир шунақа жойда ва шунақа одамлар орасида яшаши мумкинми, ахир?! Ўша шоир деганлари Эҳсон экан-да?!

– Манавиларни ўзинг ёзганмисан? – деди Жуманазар деярли босма ҳарфларда ҳафсала билан тўлдирилган дафтарчани варақларкан. – Каттагина шоир экансан-ку!

– Суягувчим йўқ-да, ака, эмасам бунданам катта шоир бўлиб кетардим, – деди Эҳсон битта шоколадни иккига бўлиб, ярмини Жуманазарга газаклик учун илтифот қиласаркан. – Олинг, ака, мен айтмай, сиз эшитманг!

Жуманазарнинг индамай ичганини «сен айтавер, мен эшитавераман» ўрнида қабул қиласидиган Эҳсоннинг ён дафтарчасидан кўра юз бора каттароқ ҳасрат дафтари очилиб кетди.

– Ака, Рауф Парфи деган шоирни биларсиз? Биласиз! Ҳали туғилмади шоирнинг куни деган шеъри бор. Зўр шоир. Аммо ўзини кўрмаганман. Ўзи зўр шоирларни кўриш қийин бўлади. Аммо ҳозир шоирларнинг хўрози Муҳаммад Юсуф! Эшитганмисиз? Эшитгансиз! Ҳозирги ашулачи артистларни бари шуни шеърини айтади. Охунам, Муҳирам, Фиёсу Юлдузларам. «Самарқандга борсам мен агар, Улугбекни кўриб қайтаман»ни ёзган шоир-да! «Кўнглимда бир ёру-уу, қўйнимда бир ё-о-ор!» Э-э-э, санаб саноfigа етолмайсан. Артистлар унинг ҳар бир шеърини юз доллардан сотиб оларкан. Зўр-а! Қани энди мени шеъримният сотиб олишса! Бир доллардан беришсаям майли эди бошланишига. Ҳар куни биттадан, йўқ битта нима, беш-олтитадан ёзган бўлардим. Аммо олувчининг ўзи йўқ! Олувчи-ку бор, аммо текинга! Текинам гапми, тағин устига пулам қўшиб беришинг керак. Нимага дейсизми?! Машҳур бўлиш учун-да! Ўзимизнинг туман газетаси бор, ойда тўрт-бешта шеър чиқиб қолади. Ёзганларимни кўрган амаким шеърингни газетага бер, ҳар ҳарфига фалон пулдан тўлашади деса, шунақа эканми деб беш-олтитасини ташлабам келдим. Ана кутаман, мана кутаман, ҳеч чиқмайди. Суриштиргани борсам, муҳаррири у ёфи ундей, бу ёфи мундай, деб миямни қотиряпти. Шеърларимни қайтариб олиб, маслаҳат берган амакимга кўрсатдим. Амаким шеърларимни кўриб чиқиб, бирорта айб топмади. Қатордаги бўғинлару ҳарфларигача санаб чиқди. Ҳеч ортиқ-камлик жойи йўқ. Муҳаррир пулдан қизғаняпти, деди охири. Сен уни озгина меҳмон қил, харажатингни шеърингга берадиган қалам ҳақидан икки баробар қилиб чиқарволасан,

дедилар. Йигирма йилча бурун, мен мана бундайлик пайтларим амакимам яхшигина шоир бўлган экан. Паҳтага, партияга бағишлиланган шеърлари чиққан. Амакимнинг айтишича, битта шеърнинг пулига икки киши bemalol маишат қилиши мумкин экан ўша пайтларда. Иккита шеъримни чиқарса, биттасини пули фойдамга қолади-ку, деб иш куни тугашига яқин яна редакцияга бордим. Муҳаррир акани бир пиёла чойим бор, деб кўча четидаги ошхонага олиб кириб, битта ароқни тўрт сих кабобга қўшиб тинчтик. Акадаям инсоф бор экан, қайтариб кетган шеърларингиз ёнингиздами деб, сўраб олиб, кейинги ҳафтада иккитасини чиқариб берди. Буни ювиш керак, иккинчи шеърнинг қалам ҳақи ҳисобига шундай маслаҳат берган амакими бир меҳмон қилай деб, уларни эргаштирганча редакцияга бордик. Амаким сен ўзинг кириб чиқавер, мен ташқарида кутиб тура қоламан, деб кўчада қолдилар. Муҳаррир аканинг олдига кириб, амаким билан шеърларимнинг чиққанлигини ювмоқчимиз, сизни бошлаб борарканман, дедим. Ичимда бу ўтиришимиздан кейин редактор aka иккитамас, тўртта шеъримни суратимга қўшиб чиқарса керак, деган илинж ҳам йўқ эмасди. Муҳаррир aka аввалига иши кўплигини баҳона қилди-ю, аммо кейин майли, са зангиз ўлмасин, йигит кишини сухани қайтгунча, қайнонамнинг бўйни узилсин, дея ҳазил-хузул билан жойидан қўзғалди. У пайтларда ҳали бўйдоқ эдим, қайнона ҳақидаги тасаввурларим деярли йўқ эди. Хуллас, ташқарига чиқаяпмиз. Қарасам пулдан дарак йўқ. Шу нарсага шама қилиб кўрайин деб, кўча эшигидан чиққан пайтимиз: «Шеъримга пулни қаерда берилади?» деб

сўрадим. Қанақа пул, деди муҳаррир ака. Хабарингиз йўқми, ҳозир шеърга умуман қалам ҳаки ёзилмайди, газетани зўрга пул топиб чиқаряпмиз, обуна тамом тушиб кетган, босмахона харжатлари ойма-ойига ошиб кетаяпти ва ҳоказою ҳоказолар...

Бизни тоза гапга берилиб кетганимизни кўрган амаким яқинлашиб келиб, муҳаррир билан қучоқлашиб кўришиб, уни бизлар «ювди-ювди» қилишимиз лозим бўлган ошхонага бошлаб кетдилар. Ноилож уларга эргашишга мажбур бўлдим. Амаким менинг аҳволимдан бехабар, югурдак болага уни обке, буни обке деб каттазанлигини қўймайди. Муҳаррир акаям ўзи бир ойлар бурун у ёғи ундоқ, бу ёғи бундоқ деб айбситган шеърларимни осмонга чиқарганча мақтар, бир-икки йилдан кейин мени бутун мамлакатга танилган шоир бўлишимни башорат қиласади. Амаким ўзига армон бўлиб қолган шоирлик шуҳрати жиянига насиб қилиши учун қўлидан келганча ёрдам беришга тайёрганини айтиб, бу ўтиришимизга яраша чўнтағида етарли пули бўлмаган каминага умид бағишлар, устма-уст ичилган ароқлар тобора мени ҳотамтойга айлантирарди.

Хуллас, бирор соатлардан кейин ўтиришимизам оёқлаб, ширакайф амаким муҳаррир ака билан бир-бирининг елкаларига қўл ташлаганча кўчага чиқиб кетганларидан сўнг ҳисоб-китоблашиш учун битта ўзим қолганлигимни англадим. Чўнтағимдаги бор пул ўтиришнинг ярмигаям етмасди. Қолган пулни эртага етказиб келаман, деб қасам ичсамам официант бола унамай туриб олганди. Ёнимда гаровга қолдиришга бирортаям қимматбаҳо нарса йўқ, нима қилиш-

ни билмай турганимда, амаким мени излаганча қайтиб келиб қолдилар ва етмаётган пулни тўлашиб, кўчага чиқди...

Аммо шундан кейинам менда шеърларим билан шуҳрат қозониш иштиёқи пасаймади. Танилишнинг осон йўли шеъримни қўшиқ қилдириш, деб ўйладим. Ҳам бунинг устига газетадан ололмаган шеъримнинг қалам ҳақини қўшиқчи хонандалардан олишим ҳам мумкин деган илинжимам йўқ эмасди. Телбанинг ишини худонинг ўзи ўнглабди, деганлариdek, ўша ўтиришдан кейин туман газетасида суратим билан чиқсан уч-тўртта шеъримдан бирини туманимиздаги бир ёш хонанда йигит қўшиқ қилган экан. Бундан бошим осмонга етиб, ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун тўйлардан бирида танишиб олдим. Уч-тўртта шеърим маъқул келиб, улардан иккитасини мусиқагаям солиб қўрди. Ёмон чиқмади. Аммо ишнинг яна битта ишқали чиқди. Кичкинагина дастурхон атрофида майшат қилиб ўтирганимизда ҳофиз йигит менга:

– Дўстим, шеърларингиз зўр қўшиқ бўлди. Энди уни Тошкентда айлантириш керак, сизам, қолаверса, менам машҳур бўлиб кетиб, роса кетмонимиз учади, шунга нима дейсиз? – дея маслаҳат солиб қолди.

– Шуниям сўраб ўтирибсизми, албатта, мен сиз тарафда, – дедим қўлига қўл ташлаб.

– Эмасам, бунаقا қиласиз, ўртага беш мингдан ташлаймиз, видеоклиплар олдирамиз, қўринишингиз ёмонмас, кетворган йигитсиз, ошиқ ролларида ўзингизни ўйнатамиз, чиройли қизлардан, раққосалардан топамиз, ўнтача қўшиқдан битта зўр альбом қилдиралимиз, телевиде-ниедагиларнинг, радиодагиларнинг оғзини мой-

лаймиз, қарабсизки, олти ой-бир йилдан кейин бизга етадигани бўлмайди. Тўйма-тўй, концерт-ма-концерт юрамиз, мен қўшиқ айтаман, сиз продюсер бўлиб, пул йифасиз, – деди.

– Беш минг бўлса ҳеч нимамаскан, мана беш минг, – деб чўнтақда борини чиқариб ташласам, хонандамиз хандон отиб қулишга тушди.

– Дўстим, мен «кўки»ни айтаяпман, «кўки»ни, тушуняпсизми, доллар, доллар, доллар, – деб бор кайфимниям учирив юборди.

– Бунча пул тугул, юз долларликни қўлимга ушлаб кўрмаганман, қаердан топаман шунча пулни? – дедим, шундоқ қўл етадиган жойдаги машҳурлик тумандай тарқаганча.

– Ҳали уйланмагансиз, менга ўхшаб топганингизга кўз тикиб турадиган хотинингиз йўқ, – деди ҳофиз йигит ароқ узатиб, – бўйдоқликнинг қадрига еting. Ўйлайсизки, менда борми шунча пул?! Хотиним билан ажрашган бўлсамам, ҳар ҳафта иккита боласига пул талаб қилиб, маҳаллани бошига кўтарганча жанжал қилиб кетади. Баъзан тўйларгача келади боласини кўтариб. Бир бало қилиб, тинчтиб жўнатвараман. Мен ҳам бирордан қарз кўтармоқчиман. Акахонлар бор. Унча-мунча ёрдам керак бўлса, ҳеч қўрқмай айтаверинг дейдиган. Зора, ишимиз юришиб, бу ерлардан олисда, Тошкенту Жиззах, Самарқанду Қашқадарё томонлардан кетма-кет тўй хизматларини олсак, роса қистири-қистирининг тагида қолардик. Хотинимам у ёқларга боролмасди, катта-катта оғзига уриб, униям, ўзимниям тинчтиб юрадим. Ўзингизда ёки уйдагиларингизда унча-мунча бордир тўйга жамғарилганидан? Уйланиш қочмайди. Ҳозирги

ақлым илгари бўлганида эди ўттизгача уйланмаган бўлардим. Сизгаям маслаҳатим, ука, уйланишга шошилманг. Аввал топиш-тутишни йўлга қўйинг, даромадли ишнинг бошини туting.

Хуллас, ҳофиз ўртоғимнинг маслаҳатига биноан ўзимизда борининг ёнига қўшиш учун қарз кўтармоқ ниятида яна амакимга рўбарў бўлдим. Амаким бу ишимни сира маъқулламади.

– Бу артистлар иши тушганида акажон-укажон деб туради-ю, машҳур бўлиб кетганидан кейин сени танимай қолади. Икки ўртада сен ўтдай пулга куйиб қоласан. Тавба қилдим, ҳофиз шоирга пул беришни ўрнига, сендан сўраб ўтиrsa-я?! Бунинг ўрнига уйлан! Пул кетса-кетар, хотин ёнга қолади, жиян! Мен сендайлигимда иккита боланинг отаси эдим...

Шу гаплардан кейин ярим йил ўтмай уйландимам, хотинсизам қолдим. Шеър ёзиб топмаган машҳурликни уйланиб топдим. Машҳурликка интилаганимнинг жазоси бўлса керак-да, aka. Хотини ўйнашиникига кетиб қолган, бир балоси бордир-да, деб роса маҳалланинг оғзида гап бўлдим. Мана энди мусофиричиликда юрибман, – гоҳ жўшиб, гоҳ оғир-вазминлик билан тақдир-қисматини баён қилаётган шоир йигит ҳикоясини хиргойига улаб юборди:

*Бу кунимни тиламай-ма-ан
Душманга ҳам, дўй-ўстга ҳа-ам.
Кунларим тундайи-ин бўлди-и,
Азобим кун сайин бўлди-и...*

– Зўр-ку, ҳозир ёздингми шуни? – деди Жуманазар эшитганларига мос келган шеърданми, оҳангданми таъсирланиб.

– Йўғ-э, бунақа ёзишга менга йўл бўлсин, – деди Эҳсон чуқур хўрсиниб. – Буни Иқбол Мирзо деган шоир ёзган. Энди-энди таниляпти.

– Сен ҳам аста-секин таниласан, – деди Жуманазар шеригининг кифтига қоқиб қўйганча. – Ол, тугатиб қўяйлик! Кейин ухлаймиз, бари бир бугунги кунимиз бекор ўтадиган кўринади, ол!

Ақлнинг чархи мashaққат экан

Томига тунука қоплатаётган уй эгаси айтган гаплар ҳақиқатга ўхшаб қолди. Жуманазар ичидаги ҳадигини Эҳсонга айтмади-ю, янги қурилишнинг хўжайини келганида, икки ҳафталик иш ҳақдарини бериб турса, шериги билан навбатма-навбат уйга бориб, тирикчиликка у-бу нарса ташлаб келармилик, деб гап очиб кўрди. Ҳовли эгаси пешонаси тиришганча узоқ жавоб бермай, нами қочиб, қуригани учун Эҳсон кўчириб олаётган тахта-қолиплардан озод бўлаётган пойдеворларни оёфи билан тепиб кўриш, устига чиқиб қийшиқ-тўғрилигини текшириш билан овора бўлди. Кетар ҷоғидагина: «Яна бир ҳафта сабр қилинглар, бир жойлардан қўлимга пул тушиши керак, ҳаммасини биратўла оласизлар! Ҳозирча мана шуни эрмак қилиб туринглар», дея пича пул бериб кетди.

Орадан икки кунлар ўтар-ўтмай уй эгаси янги қурилишнинг деворларига ишлатиладиган пишигу хом гишталар ортилган машиналарни бошлаб келиб, ҳовли саҳнини бир текис тўлдириб ташлади. Жуманазар иш ҳақида гап очганида, «Ука, кўриб турибсан-ку, арzonроқ учраб қолгани учун гишт олиб қўйдим. Эртага томнинг ертўла қисмини ёпиш учун

бетон плиталарни олиб келишади. Автокрану плитани пойдеворга ўтқазадиган усталарга қарашворасизлар, шу билан ой ҳам охирига етиб қолади. Сизлар билан ҳисоб-китоб қиласман. Девор уриш қўлларингдан келганида бошқаларни қидириб ўтирмасдим. Менга жуда маъқул келгандинглар. Яна бир ҳафта сабр қиласлик, дея жўнаб кетди.

Уйнинг пойдеворига плиталарни қўйганларидан сўнггина автокранчи-ю монтажчи йигитлар билан ҳисоблашган уй эгасининг ёнида яна мардикор йигитларнинг иш ҳақига етадиган пул қолмади.

– Ҳозирча мана шуни ола туринглар, – деб уй эгаси мўлжалланган пулнинг ярмини Жумана-зарга тутқазди. – Бир ҳафтанинг ичида девор урадиган тўрт уста ишга келади. Улар уйнинг асосий қисмига девор уришади. Сизларга ошхонаю омборхона каби ёрдамчи биноларнинг деворини уришни ажратмоқчиман. Иш ўрганишларинг учун. Икки-уч кун асосий усталарга ёрдамчи бўлиб турасизлар, қўлларингдан келишга ишонсанглар, девор уришни бошлайверасизлар. Энг муҳими, сизлар мардикоргинамас, қоровуллик ҳам қиласизлар. Бу ёғига қурилишга керак бўладиган анжомлару материаллар кўпайгандан кўпаяди. Асосий усталарнинг тушлигини тайёрлаш, чой етказиб туришниям ўзларинг қиласизлар. Чунки ёллаган усталарим шу ерлик, ишга машиналарида тўрт киши бўлиб келиб-кетишиди. Битта-яримтаси шу ерда ётиб қолмоқчи бўлса, сизлар билан қолаверсин. Айтгандай, тўртбеш кун бўш вақтларинг бор, навбати билан бола-чақаларингнинг олдига бориб келишларинг ҳам мумкин.

– Ҳамма гапингиз маъқулу, аммо биз бир вақтни ўзида бориб кела қоламиз, – деди Жуманазар темир контейнернинг калитини хўжайинга узатиб. – Қолган пулнинг ҳеч бўлмаса ярмини бериб турганингизда яхши бўларди-да, шу билан яна қаҷон уйга борамизу...

– Шакарниям ози ширин, ука, – деди хўжайин Жуманазарнинг кифтига қоқиб. – Сизларни вақтинчаликкамас, мана шу уйнинг томи ёпилгунича ёлламоқчиман. Буям бир дарс бўлади. Ҳали пайвандчиларга, дурадгор усталарга ҳам ёрдам бериб, анча-мунча иш ўрганасизлар. Одамлар пул бериб ҳунар ўрганади, сизлар бундай имкониятни текингагинамас, маълум бир ҳақ эвазига ҳам қўлга киритяпсизлар, хурсанд бўлмайсанларми?!

Жуманазар бунга қарши бир нарса дея олмай, шеригининг ниятини тушунмаган Эҳсонни шошилтириб, нарсаларини йиғиштиришиб, катта йўлнинг четидаги бекатга ташлаб кетиши учун хўжайиннинг машинасига суқилишди.

– Ука, кўпам ҳайрон бўлаверма, – деди Жуманазар уй эгаси уларни бекатга ташлаб кетганидан сўнг Эҳсонга. – Бу амаки соддалигимиз, қишлоқилигимиздан фойдаланиб, озгина ҳақ эвазига ишлатиб юрмоқчи. Ўзи шундоғам жуда арzonга ёлланган эканмиз. Кўриб-билиб, кўзимиз пишди. Сен ҳозирча бозордаги аравакашлигингни қилиб юравер, ҳар ҳолда ўргангандишинг. Мен бошқа жойдан ризқ-насибамни излаб кўрайин. Яхши иш топсам, сени ўзим излаб топаман...

Хиёнатнинг охири зулматдир

Бу пайтда Жуманазарнинг қишлоқдан изсиз ғойиб бўлганига бир ойлар бўлиб қолганди. Унинг бирданига, ўзидан-ўзи туғилган уий ва қишлоғини ташлаб кетганинг асл сабабини акаси Абдуназар ҳам, хотини Манзура ҳам тусмолласалар-да, буни бошқаларга айта олмасдилар. Гарчи Жуманазар ўз хобгоҳида кўрганларига ишониб-ишонмай, ортига тисарила-тисарила ойнаванд айвонга ва ундан беш-олти зина босганча ҳовлиларига тушган пайти ўзини ўнглаб олганча осма узум қаторидан дарвозахона томонга тез-тез юриб бораётган пайти унинг орқасидан ровонга чиқиб келган акасини пайқамаган эди. Абдуназар укасининг шарпасини аниқ илғамаган бўлса-да, дарвозадан чиқиб кетган одамнинг қорасини илғаб, шошганда лаббай топилмайди деганларидек, ҳадеганда уйда кийиб юрадиган кавушининг иккинчи пойини топа олмай, топганидан сўнг дарвоза ҳатлаб кўчага чиққанида эса ҳеч кимни кўрмаганидан сўнг унинг орқасидан ҳовлига тушган Манзурага қўли билан «Ичкарига кир!» ишорасини қилди-да, телефонини қўлига олди. Туман марказию унинг атрофидаги ўттиз чақиримча жойларда яхши ишлайдиган алоқа бу тоғ қишлоғининг ҳамма жойида ҳам бирдай ишламас, об-ҳаво айниган кунлари уларни қўлга олишдан фойда йўқ эди. Абдуназар укасининг телефонига қўнғироқ қилганида, унга боғлана олишига тўлиқ ишонмаса-да, сигнал кетганидан сўнг нариги томонда укаси алоқани узиб қўйганидан сўнг кўнглидаги гумони аниқ бўлди, укаси уларнинг устига келиб қолган. Энди нима қилиш керак?!

Манзура бу гапдан тахта бўлиб қолди. Шунинг устига Абдуназарнинг икки ўғли Манзуранинг ўғилчаси Бобоназар ўтирган колясканни дарвозахонадан ҳайдаб келиб қолишидди-ю, иккаласи ўзлари билан ўзлари бўлиб қолди. Абдуназар кўнгил ғашлигини тарқатиш учун кўчага чиқиб, машинасини ҳайдаганча қишлоқ маркази бўлган гузардаги Бердимуроднинг буфетига борди.

– Беш дақиқа олдин укангиз битта ароқ олиб, тоғамникига кетувди, – деди Бердимуроднинг жияни Абдуназарга ароқ қўйиб узатаркан. – Иkkиси жуда қалин дўст-да! Бир-бирини сал кўрмаса соғиниб қолишибади. Сал олдин икковлари мажнунтол тагига стол қўйиб роса отамлашишганди. Уйларига бориб қайтган, шекилли, яна тоғамникига кетди. Тоғам билан ўтирганларида бу кунларам ғанимат, энди камроқ кўришсак керак, дегандай бўдди, тушунмадим. Бирор ёқقا кетмоқчимиidlар?

– Билмадим, ҳозирги ёшларга бир нарса деб бўлмайди, – деди Абдуназарнинг эшитганларидан дили хуфтонлиги баттар ошганча. Демак, укаси уйга аниқ борган. – Ука, жонлироқ қилиб қўйгин мундай!

– Ака, рулдасиз, – деди дастёр йигит мижозининг дилини оғритмаслик учун иложи борича ширин гапириб. – Шаҳардан қайтдингиз, дейман-да, роса чарчаган кўринасиз! Бароз (йўлнинг тик жойи) тинчми?! Қайси қунги сел анча жойини ўпирган дейишди?! Машина қатнови анча сийраклашганмиш...

– О-ов, мани машинамни биласан-ку – танка! Бундан тик жойларниям писанд қилмайди! Обишир шаршарасига неча марта зиёратчиларни олиб бориб келдим! Йўл ёмон, шунинг учун пули

қиммат! Сани бобонгни қўшничилик ҳурматига
бепул обориб келганим-чи! Қуй, шуни ҳурмати-
га! Қалтирама! Тўлдириб қуй!!!

Дастёр йигит, тентакка салом бердим, ўн тан-
га товон бердим дегани шу бўлса керак, деганча
ноилож шиша тагидагини сирқитди...

Машинасига ўтирган Абдуназар энди қаёққа
боришни билолмай анча пайтгача сигарет че-
киб ўтирди. Бундай пайтларда кечқурун бекор-
чиликдан билярд, теннис ёки шахмат-шашкаю
нарда ўйнаб, вақт ўтказиш учун шу ерда ўрала-
шиб юрган ҳамқишлоқлар Абдуназарнинг қиши-
лоқдаги ягона пўрим машинасига яқинлашар,
ҳадди сиққанлар у билан кўришиш баҳонаси-
да битта-яримта сигарета сўраб олишарди. «Бу
ердан жўнамасам, бу исқиртлар сигарет сўрай-
вериб, соб қилишади!» – дея машинасини ўт ол-
дирган Абдуназар қишлоқнинг бошқа четига,
Бердимурод каби янги уй-жой қилганларнинг
маҳалласи томон ҳайдади. Бердимуроднинг
уйидан анча берида машинасини тўхтатиб, ун-
дан тушганча пою пиёда укаси меҳмонга кел-
ган уйга яқинлашди. Қоронфи кўчага нур сочиб
турган деразадан оёқ учida турганча ичкарини
бўйлаган пайти укаси уй эгаси билан ўртадаги
ароқни майдалаб ўтирганига кўзи тушгач, шу
ерда ётиб қолса керак, деган тўхтамга келиб,
яна бешарпагина ортига қайтди.

Жуманазарнинг йўқ бўлиб қолгани худди
аста-секин бостириб келадиган қиши кунларига
ўхшаб, кимгадир дарров, кимгадир бирор ҳаф-
талардан кейин, кимгадир эса ундан ҳам қўп
фурсат ўтганидан сўнг маълум бўлди. Абдуназар
билан Манзура овсини Сурмахону унинг болала-
рига, қўни-қўшниларга Жуманазар иш кўпайиб

кетганлиги учун шаҳарнинг ўзида ётиб юргани, шунинг учун оиласини ҳам кўчириб бормоқчи бўлган квартирани таъмиrlаётганини айтишарди. Савдодаги иш ўзига қолган Абдуназар туман бозоридаги дўконда ишловчиларга Жуманазар водийдаги қариндошлариникига тўйга кетгани, бир ҳафтасиз қайтмаслигини айтиб юрди. Бирор ҳафталардан кейин Бердимурод Абдуна-зардан Жуманазар унивидан кетаётганида Россияга кетяпман деганига унчалигам ишонмагани, бу гаплардан хабарингиз борми, дея сўраб қолмаганида бундай баҳоналар яна қанча давом этишини ҳам билмаган бўларди. «Ўзинг била-сан-ку, укамдай ўжари бу атрофда йўқ. Бугунги гапи эртага тўғри келмайди. Оиламни шаҳарга кўчириб кетаман деб, ижарага битта квартира топиб ҳам қўйганди. Кейин бирдан Россияга бо-раманга тушиб қолди. Унинг гапига ишонган келин майдада-чуйда нарсаларини квартирага элтиб, кўчларини туғиб турганида қайниларим чақиртиришяпти, бошқаларга билдиrmай бориб келай-чи, ўхшаса бирор йил ишлаб қайтаман, ўхшамаса икки-уч ойда қайтиб келаман, овоза қилиб ётманглар деганига, дамимиз ичимиизда. Сўраганга, шу атрофда юрипти деб қўйяпмиз», деганча мужмал жавоб берган Абдуназар бу ян-гиликни тезроқ келини Манзурага етказиш учун уйга шошилди. Манзура бу гапдан ўзича хуло-са чиқарди: «Ойим ўлди, ойдиним ундан нари. Бу ерда қачон қайтиши номаълум бўлган эрни кутиб ўтираманми?! Икки йилдан ошиқ бу тоғ-тошларда умрим ўтиб кетди. Совчиликка келга-нингизда бир-икки йил ичida шаҳарга кўчирти-ришга ваъда берган эдингиз. Икки йил ҳам ўтиб

кетди. Мен ҳам кетаман. Ўз яқинларимга ҳарна яқинроқ бўламан».

Бу гапга қарши Абдуназар «Эринг борида шаҳарда яшашларингнинг маъноси бўларди, эрсиз аёл бошинг билан алоҳида яшашинг қанча гап-сўзларга сабаб бўлади. Кўлингда ёш боланг бўлса, бўйингда гумонанг ҳам бор бунинг устига. Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув, энди қишлоқдан қимирламай, бир ҳовлида яшаб юравер», деди-ю балога қолди.

«Қайноғажон, бу ҳақда аввалроқ ўйлаш керак эди. Эрим оиласини ташлаб кетишига ўзингиз сабабчи бўлдингиз. Озгина сабр қилганингизда шаҳаргаям кўчардим, эрсизам қолмасдим. Роҳатини кўрган, азобигаям чидайсиз. Мени рўзгорим энди сизнициям. Топганингизни иккига бўласиз. Шу ҳафта енгилроқ кўчларимни олиб кўчаман. Эримнинг уй-жойи ҳақида кейинроқ ўзаро келишармиз...»

Сурмахон овсини Манзуранинг шаҳарга кўчиши, бориб-бориб ўша ёқдан ҳовли-жой қилиб кетиши ҳақидаги гапларини бир-икки ойлардан бери эшитиб келаётгани учун ҳайрон бўлмади. Бир тарафдан келажакда бутун ҳовли ўз ўғилларига қолишининг ёқимли тарафи ҳам бор эди. Битта ҳайрон бўлаётган тарафи, қайнукаси Жуманазар чет элга ишлаб келишга бунчалар дабдурустдан жўнаб кетганлиги ва акасию хотинига буни кўпам овоза қилмасликларини тайинлагани бўлди, иши ўҳшамаса қайтиб келиб қолишиям мумкин экан...

Манзуранинг онаси қизининг кўчиб келганлигию куёвининг шошилинч тарзда Россияга жўнаб кетганлигини бир-бирига боғлай олмай анча ҳайрон бўлди: «Акаларинг бу ҳақда менга ҳеч нарса

дегани йўқ-ку, кимнинг олдига кетди, ким уни чақиритирибди, эринг у ёқда юрса, нимага сен шаҳарга келвоздинг, ахир режаларинг шу ерда бирга яшаш эди-ку, ҳеч нарсани тушунмаяпман».

Бунга жавобан Манзура эрининг жуда оркашлиги, хотинининг уруғи олдида тили қисиқликни ёмон кўриши, Россия катта жойлигию во-дийдаги эна уруғлари чақириргани, шаҳарда яшашининг ҳеч кимга оғирлиги тушмаслиги, эри пул жўнатгунча қайнофаси таъминлаб туришини тушунтириди. Эри юбораётган пулларни йифиб, эрининг уй-жойини қайнофасига сотиб, шаҳардан квартира ёки ҳовли сотиб олишни мўлжаллашганлигини айтиб, онасини тинчлантириди...

Қари қиз ва уста

Бу пайтда Жуманазар Тошкентдаги мардикор бозорларидан бирида ҳар ер-ҳар ерда тўп-тўп бўлиб турган оломонга қўшилолмай бир четда турарди. Бирин-кетин мардикор излаб келган машиналарга ёпирилган арzon ишчи кучлари икки-учтадан турли томонларга тарқалаётган бўлса-да, негадир сира камаймасди. Икки соатларча вақт ўтганидан сўнг бугун иш тополмаслигини англағанлар секин-аста тарқала бошлаган пайти олтмиш ёшларни қоралаб қолган бир амаки келиб қолди. Олдидан чиққанлардан бир нарсаларни суриштириб, бош чайқаганча яна у ёқ-бу ёқларга алангларди. Унинг кўзи бир четда бир ўзи турган Жуманазарга тушиб, шу тарафга юрди.

– Ишга чиққанмисан? – деди нотаниш амаки Жуманазарга бошдан-оёқ син солиб. – Нима иш қилоласан?

– Ҳамма иш қўлимдан келади, – деди Жуманазар.

– Бетон қуя оласанми?

– Жойини кўрсатсангиз бўлди.

– Фишт-чи, фишт тероласанми?! Қанчадан террасан?

– Кўнгилдан чиқариб бераверасиз, мен бунчадан демайман.

– Келишдик, – деди нотаниш амаки ва «Орқамдан юр» дегандек автобус бекати сари жўнади.

Исомиддин амакининг ҳовлиси эски шаҳарда бўлиб, қўни-қўшниларнинг чиройли ва саришта, замонавий уй-жойлари олдида шаҳар бундан ўттиз-қирқ йиллар олдин қандай бўлганлигини кўрсатиш учун атай сақлаб қолингангага ўхшарди. Жуманазар болалигидағи эски ҳовлиларига келиб қолгандай бўлди.

– Мана бу ерга омборхона қурмоқчиман, – деди Исомиддин амаки қурилиш учун мўлжалланган оралиқни кўрсатиб. – Эскиси ана, қишичи қулаб тушди. Пойдевор қўйганингдан кейин эскисининг фиштларини, синчини бунга ишлатасан. Етмаганига фишт қуясан. Ишқилиб, бир-икки ҳафтада битказиб берсанг керак, ҳаво айнимаса агар.

Жуманазар пойдеворга уй эгасининг камроқ бетон сарфлашни тайинлагани учун бир курак чуқурилигида қазишини тутатганида уй бекаси ва унинг қизи кичкина хонтахтани олиб чиқишиб, тушлик беришди.

Бу ҳовлида уч-тўрт кун ишлаш мобайнида Жуманазар бу оиласа доир гапларнинг анчаги насидан хабардор бўлди, ҳисоб. Исомиддин амаки ва Гулсара аянинг бешта қизлари бўлиб, ўғил фарзанд кўришмаган экан. «Эримнинг феъли

тор, – дерди Гулсара ая зерикканидан устачилик қилаётган Жуманазарнинг ишларини томоша қилгани уйдан чиққанида. – Тийинни туфлаб тугадиганлардан. Ҳали еган-ичганингниям иш ҳақингдан ушлаб қоладими, деб қўрқаман».

Жуманазарга бу гаплар тошга ёмғир ёққанчалик кор қилмасди. «Бир тийин бермасаям майли, дерди ичида Жуманазар кампирнинг тезроқ кетиб, унинг ўрнига катта қизи – Зарофат уйдан чиқишини пойлаганча.

Зарофат – бу эски ҳовлининг нуқси уриб қолган, ўттиз ёшида худди қирққа кирган жувонларни эслатадиган қари қиз. Ўн уч-үн тўрт йиллар бурун унинг ўрнига ҳали ўн еттигаям кирмаган ойдеккина синглисига совчи келганида илк бор ўзининг хунуклигидан ўксиганди. Ўша синглисининг тўнғич ўғли ўн иккига кириб ҳам қолди. Худди Зарифани ҳисобдан чиқариб ташлашгандек ота ҳовлига кўз тикиб, невара келинни шу ерга тушириб оламиз, дея ҳар келганирида Исомиддин аканинг қулоғига қўргошиндек қуишишгани қуишишган. Иккинчи синглиси узатилганида ўзини ўлдиришига сал қолди. Учинчи ва тўртинчи сингиллари узатилганида тўйларига бормадиям. Ҳовлининг бир четидаги эски уйни ўзиники қилиб олган Зарофат хоҳласа у ердан ташқарига чиқар, бўлмаса уззукун чиллага ўтирган дарвешдек хонасидан чиқмасди.

Зарофат турмуш қуришни кун тартибидан аллақачонлар ўчириб ташлаган ва захлаб кетган эски уйни хонақоҳига айлантириб олган эди. Ўзига қараш, байрам, ҳайитларда янги кўйлак кийиш, меҳмонга бориш ва меҳмон чорлаш бу-

тунлай унга бегона бўлиб, кекса ота-оналари ҳам бу борада қизларига панд-насиҳат қилмасдилар. Ота-онасини йўқлагани келган сингиллари ҳам опалари билан унинг эшигидан мўралаганча ҳол-аҳвол сўрашишар, кўпинчя опалари ҳақида оналаридан ҳол сўраш билан кифояланишарди. Зарофат бамисоли ҳали кафанланмаган ва жанозаси ўқилмаган майит қатори ер юзида бешарпа юрар, сингиллари унинг жанозасида еру кўкни бузгудек доду фарёд кўтаришга тайёр-гарлик кўриб юришарди.

Қиши ортидан баҳор келади

Аммо кунларнинг бирида бу ҳовлида бегона мардикор йигитнинг пайдо бўлиши ҳаммасини тамомила ўзгартирди. Кун бўйи хонасидан чиқмайдиган Зарофат ҳовлида тез-тез пайдо бўла бошлади. Йиллаб офтоб кўрмаган кўрпа-ёстиқлар ҳовлига олиб чиқилиб, мардикор йигитнинг ёрдамида таранг тортилган симдорларга осиб ташланди. Дераза бўлиб яралганидан бери мана шу уй деворларига ўрнатилган ромлар та-бақаларини кўклам шабадаларига кенг очишиди. Офтобда униқиб кетган дарпардалар жомашовга тушиб, уларнинг ўрнига янгилари осилди.

Гулсара ая қизидаги бундай ўзгаришдан ўзида йўқ хурсанд эди. Ахир қизи аллақачонлар кирмай қўйган ошхонани ўзи аранг эплар, қариб қолганидан фақат тез ва осон тайёrlана-диган, умуман, гўшт солинмайдиган таомлар тайёrlайвериб, супраю ўқлов-таксаларни, мантиқозонларни қачон тугаши номаълум таътилга чиқариб юборганди.

Зарофатдаги бу ўзгаришлар ошхонада ҳам акс этиб, кундузги ғимир-ғимир ва кечки овқатдан кейин дам олмоқчи бўлган Жуманазарни ёнига олганча ҳамма қақир-қуқурларни ҳовлига олиб чиқди, қорайиб, ис босиб кетган ошхона шифтию деворларини оқлади. Эри қай бир қизиникига кетган куни «Зиқна отанг билмай қўя қолсин», дея Гулсара ая гузардан келтирган бир нимта гўштдан манти қилиб, учовлон маза қилганча еб олишди.

– Хўжайин, – деди омборхонанинг томи ёпилаётган кунлари Гулсара ая Исомиддин акага.
– Қизингизда анча ўзгаришлар борлигини пай-қадингизми?

– Нима бўлди? – деди доим тежамкорликни ўйлаб юрадиган Исомиддин aka томдаги уста йигитга чой узатаётган қизининг қадди-қоматига синчилаб тикилганча. – Кейинги пайтда овқатга кўп гўшт ишлатяпсанларми, дейман!

– Хаёлингиз чиқимда! – норози тўнфиллади хотини. – Қизимиз қачон шундай очилиб юрган, ахир!

– Ҳа-я, – деди чолнинг ҳамияти қўзиб. – Бор, қизингга айт, уйидан чиқмай ўтирсин. Ўзингам кечалари қизинг билан ёт!

– Устага ўзингиз дастёрик қиласизми ё мен лой узатиб турайми сочим оқарганда! – деди Гулсара ая ниятини қандай очиқроқ айтишни билмай. – Устани айтаман, жуда мўмин-қобил, қўли ўнг йигит экан-а?

– Ҳа, энди ҳар ким қилса ўзига қилади, – деди Исомиддин aka ишнинг боришини чамалаб. – Яна бир-икки кунлик иши қолипти. Бир ўсмоқчилагин-чи, қанча сўраркан?

– Мен нима ғамдаману, сиз нима ғамда! – деди Гулсара ая эрини баттар ҳайрон қолдириб. – Бу йигит ажрашганлардан экан, деярли бўйдоқ!

– Хўш, кейин-чи? – деди бир нарсаларга ақли етган Исомиддин ака. – Қизингни шу йигитга узатмоқчимисан?!

– Қизимнимас, йигитни кўлдан чиқармайлик, демоқчиман, – деди Гулсара ая темирни қизифида босиш учун ишнинг чиқимсиз томонлари кўплигини бўрттириб. – Тўртта қизни чиқаргунча она сутимиз оғзимиздан келди. Буларга битта муллани чақирамиз, беш-олтита қариндошга бир чўқим ош дамлаймизу, сичқон ўрага тушди қиласиз!

– Мен буни қизларим билан бир маслаҳатлашиб қўришим керак, – деди бирор баҳона қилишни яхши кўрадиган Исомиддин ака.

– Қизларингизни бири уй-жойга, бошқаси ижарага бериб қўйган дўконингизга кўз тикиб турганлигини билмайманми! Уларга қолса, бугун Зарофат, унга қўшилиб иккаламиз ўлсагу, кўумиб келишса! – Гулсара ая охирги қуроли – кўз ёшларини ишга солди. – Тўрт қизингиз фарзанду Зарофат ўгайми?! Орқамдан обкемаган бўлсам...

– Бўлди, бас қил, – деди Исомиддин ака муроса оҳангидা. – Биринчидан, биз хоҳлаганимиз билан йигитнинг ўзи нима дейди, ҳали буни билмаймиз-ку.

– Йигит рози! – деди Гулсара ая. – Уй-жойини хотинига ташлаб, чиқиб келган экан. Эс-хуши жойида, қўлида бинойидай ҳунари бор, энг муҳими, меҳнаткаш!

Гап шу ерда тугади. Орадан бир кун ўтмай турмушга чиқсан қизларнинг икки каттаси ке-

лишиб олишгандай, бир пайтда ота ҳовлига кириб келишди. Гулсара ая билан чала-чулпа кўришганча, охирги марта қачон киргандарини эслолмайдиган опаларининг хонасига бостириб киришди.

Зарофат бу пайтда сепини ёйганча, қачонлардир сотиб олинган, ўз вақтида урф бўлган, аммо ҳозир камдан-кам жувонлар кийишни ўзига эп кўрадиган кийимликларни кўздан кечириб ўтиради.

– Ҳа, опа, қариганда эрга теккингиз кепқопти, – деди ўзидан кичик синглиси қошини керганча. – Эшитиб ҳайрон бўлдим. Куёв ўзингиз билан тенгмиш!

– Нимаси яхши экан эрга тегиши! – деди учинчи сингил опасининг биқинига туртганча. – Эрга теккандан қаро ерга теккан яхши!

– Ҳа, тўғри айтасан, – деди катта сингил опасини эрга тегиши ниятидан қайтариш учун ширин муомала йўлини танлаб. – Опажон, минг қиласаям жигармиз, биз кўрганларни сиз кўрманг деймиз-да.

– Нима, жонозамни ўқигани келганмисизлар? – деди Зарофат чап қулогидан плеернинг эшитгичини суурганча ўрнидан туриб. – Ҳаётдан умидим кўп ҳали! Сизлар кўриб юргандан кўра каттасини кўрмоқчиман!

У бўлди-бу бўлди, бир ҳафтанинг нари-берисида Жуманазару Зарофатнинг никоҳи ўқилиб, бир чўқим ош билан эр-хотин бўлишди. Бечиқимгина куёвли бўлган Исомиддин aka ижарага бериб қўйган дўконнинг ижара ҳақини ошириб қўйгани учун ижарачининг «Кетаман»га тушгани қўл келди ва бўшаган дўконни куёви

ва қизига топширди: «Энди араваларингни ўзларинг тортинглар...» Дўкон биронники бўлгани учун уни ижарага олганлар кенгайтириш истиқбали билан қизиқмаганлар. Жуманазар хотини билан дўконни ўз қўлларига олганларидан сўнг уни қайта қуриш, кенгайтиришга киришишди.

Аёл борки, эрсиз қолмайди

Орадан бир йил ўтиб ўғил қўрган Зарофат бутунлай бошқа бир жувонга айлангандек ёшариб кетди. Орқама-кетин туғилган иккинчи ўғилдан сўнг Зарофатни бошқа сингиллари билан бир қаторга қўйганда, улардан ким ёшу, ким каттагилигини фарқлаб бўлмайдиган даражага келди.

Жуманазар кенгайтириб олган дўконига ишончли иш юритувчи, ёрдамчи зарурлигини ҳис қилиб, шоир укаси ва шериги Эҳсонни излашга тушди. Бир-икки маротаба таниш аравакашлардан суриштириди, уларга яшаш манзили ва телефон рақамларини қолдирди. Хотини иккинчи фарзандини дунёга келтириб, болалари билан ўралашиб қолганида Эҳсонни топишдан ҳам умидини узиб турган кунлари телефони жиринглаб қолди. Бу Эҳсон эди.

Орадан ўтган уч йилдан ошиқ муддат ичida Эҳсоннинг ҳам ҳаётида кўп нарсалар ўзгарибди. Уни ташлаб кетган хотини қўрган иккинчи фарзандининг юраги ўнг томонда ҳолида дунёга келгани учун бир ҳафтанинг нари-берисида вафот этибди. Омонатгина эри аввалги хотини билан ярашиб, отасининг ҳовлисида яшай бошлигани, энг муҳими, биринчи хотинининг бўйида бўлиб қолгани учун унинг ҳолидан хабар олмай

қўйибди. Замонавий «Тоҳир-Зуҳра»ларнинг чалкаш ишқ қиссалари мана шундай хотима топибди. Иккала эрдан ҳам қуруқ қолган жувон Эҳсондан ортирган икки ёшли қизчасини онасига ташлаганча Туркияга кетмоқчи бўлганида онаси: «Туркияда пишириб қўйибдими?! Тоза бу ерларда юролмай қолган бўлсанг, акангни, адангни олдига бор. Акангам тезроқ уйлана қолмади! Аввал машина оламан, дейди. Болангга қарашибга эса вақтим йўқ, яхшигина ишимни ташлаб, стажимни куйдириб уйда ўтира олмайман, нафақага чиқишимга яна етти-саккиз йил бор, неварамни эрингни онасига олиб бориб бер, болада биздан кўра уларнинг ҳақи кўп. Бева боши билан шунча тўй-томуша қилиб бериб, ўтдай тушди. Қиз бўлмай ўл, уларният, бизният шарманда қилдинг», деганиш. Ҳозир қизчасига онаси қараётган экан. Бу орада Эҳсон беш ойча Россияяда ишлаб, ҳужжатларини йўқотиб, уйга зўрга қайтиб келибди. Паспортини янгилааб, яна аввалги танишлари олдига келганида Жуманазарнинг телефон рақамини беришган экан.

Эҳсондек ишончли ёрдамчига эга бўлган Жуманазар хотини билан маслаҳатлашиб, дўконлари ёнидан ўтадиган анҳорнинг чукур ўзани устини мустаҳкам бетон плитали чорпоялар билан ёптирганча ошхона мажмуасини бунёд қилишди. Асли водийлик бўлган Эҳсон новвою сомсапаз, ошпаз ҳамюртларидан иборат оилани топиб келиб, бу ишга ҳам бош-қош бўлди.

Уй-жойларини яхшилаб олган, дўконини ишончли қўлга топширгани учун невара боқишдан бошқа ташвиши қолмаган чол-кампирга тезроқ тўй қилиб, невараларнинг қўлинни ҳалол-

лаб олиш иштиёқи тинчлик бермасди. Ахир бу хонадонда ўтган қирқ йилча фурсат ичида қиз ошидан бўлак маърака бўлмаганди.

– Тўйга фалонча ош дамлаймиз, мана шунча одам айтамиз, – дея гап бошлиб қолган эрини кампири урушиб берарди:

– Кўп ҳовлиқманг! Бир кунлик тўй деб тийин-лаб йикқанни сочишнинг нима кераги бор. Ўзи топгандарини сарфлаб, ошхона очишган бўлса. Ихчамгина қилиб ўтказаверамиз.

– Йўқ, катта қилиб ўтқазамиз. Уйимизда биринчи марта суннат тўйи ўтқазяпмиз ахир. Тўйимиз бўлганигаям қирқ йил тўларкан. Чақалоқлигида ўлиб кетган ўғилларимиз ҳаёт бўлганида бундай тўйларнинг нечтасини қилган бўлардик, – дерди Исомиддин ака туфма зиқналигини ҳам унутганча. – Бизам қараб турмаймиз, ўзимнинг ҳам анча-мунча йифиб қўйганим бор. Неварала-римизнигина эмас, бизнинг ҳам тўйимиз бўлади. Кўрайлик-чи, куёвларимизнинг ҳиммати қанақа экан! Айтгандай, шу пайтгача катта куёвнинг қариндош-уругини суриштирмадик, борди-келдиям қилмадик. Етимхонада катта бўлмагандир?! Кўнглига тегмайдиган қилиб секин суриштири, тўй баҳона улар билан танишайлик...

«Ўғлим мени танимади»

Қайнотасининг тўйни белгилаши, қариндошларини ҳам чақириб келишга доир режалари Жуманазарнинг хаёлига яқингинада Тошкентнинг улгуржи бозорларидан бирида дуч келиб қолган таниш дўкондор йигитнинг гапларини эслатди. Ола-ғовур бозор ичида Жуманазарни

таниб қолган ҳамюрт йигит иши шошилинч бўлишига қарамай, анча-мунча гапни айтишга улгурди. Эмишки, унинг акаси Абдуназар бир йилча муқаддам тўйгами, зиёратгами бораётганидами, қайтаётганидами тоғ йўлида машинаси ни бошқара олмай қолиб, жарликка қулаб, ўша ерда жон берибди. Унинг ёнидаги аёл ё хотини, ё бошқа бир жувоннинг умуртқаси шикастланиб, тўшакка михланиб қолганмиш. Абдуназарнинг дўконини унинг қўлида ишлаётган аёл ҳалиям юргизиб турган экан. Жуманазарни ҳалиям Россияда йўқ бўлиб кетган, деб ўйлашаркан.

– Тўйни белгилашдан олдин мен юртимга бориб келай, кейин маслаҳатлашамиз, – деди Жуманазар қайнотасига ва икки-уч кунларда қайтаман деганча ўтган йили олган «Тико» машинасида йўлга тушди.

Орадан ўтган тўрт йилга яқин муддат ичида қишлоқ маркази янада ободлашиб, машина мингандарнинг сони кўпайибди. Ўртоғи Бердимурод собиқ қишлоқ клубини янада кенгайтириб, тўйхонага айлантирганга ўхшайди. Йўл бўйида бир муддат машинасини тўхтатган Жуманазар карнай-сурнайлар чалинаётган тўйхона ҳовлисида ўйин-кулги қилаётган ҳамқишлоқларини олисдан кузатиб турди-да, машинасини ўз уйларига элтадиган йўлга қаратса бурди. Тезда акасига тегишли дўкон ёнига етди. Туш пайти бўлгани учун кимсасиз дўкон ёпиқ эди. Келинаяси бу пайтда мактабда дарсда бўлади.

Ҳовлилари олдида машинасидан тушган Жуманазар дарвозанинг қия очиқ табақасидан ичкарига кирди. Ошхона тарафдан кимдир қозонни қириб тозалётгани ва ёш болага танбех

бераётган товуш келди. Ошхонадан қўлларида қўрда пиширилган думбул сўтасини ушлаган тўрт-беш ёшлардаги болакай югуриб чиқди ва бегона одамга кўзи тушиб, бир зум караҳт бўлиб турди-да, яна ичкарига кириб кетди.

«Ўглим мени танимади, – ўйлади Жуманазар. – Ҳозир хотиним чиқиб келади. Қандай кўришарканмиз?..» Бироқ ошхонадан Жуманазарнинг хотинимас, акасининг қизи Диёра чиқиб келиб, амакисини танигач, юзини қўллари билан беркитганча йифлаб юборди. Жиянини юпатган Жуманазар бегонасираб турган ўғли Бобоназарни қуchoқлади.

– Келганингизни келингмга айтай, – деди Диёра ва оралиқдаги осма узумдан иборат яшил девор ёқалаб юргурганча нариги тарафдаги ойнаванд ровонли уй сари югуриб кетди.

Ўғилчаси билан кўчада қолдирган машинасими дарвозахонага киритиб, олиб келган совға-саломларини жияни Диёранинг қўлига бераркан, хотини ташқарига чиқишига ҳаяллаётганидан юраги бир нохушликни ҳис қилди: демак, хотини тўшакка михлангани рост экан-да...

Меъёр бузилса

Ҳамма нарсанинг меъёри бор. Қувонч ва шодликнинг ҳам. Агар шодликнинг меъёри бузилса, кишида ҳушёрлик, сезгирлик сусаяди. Оқибатда, бирор кўнгилсизлик бўлиши мүқаррапар. Гам-қайғунинг ҳам меъёри бузилса, энг катта қайгу – «Ўлим» бўлиши аниқ.

Бу пайтда тўрт йил бурун сирли тарзда фойиб бўлган эрини дабдурустдан яна пайдо бўлганини эшитган Манзура эрининг кўзига қарамас-

лик учун бошини деворга бурганча, нимагаям ўша куни Абдуназар акага қўшилиб ўлиб кетмадим, дея зорланаркан, бу йиллар ичида бўлиб ўтган воқеалар кўз олдидан бирма-бир ўта бошлади. Акасининг бўй етаётган ўғлига олиб қўйган квартирасида вақтинча яшаб туриш учун кўчиб келган кунидан бошлаб Манзура икки ойлик гумонасини олдириб ташлашни режалаштирган пайти, бу ҳақда укасининг оиласи тирикчилиги энди тўлифика ўз зиммасига тушган Абдуназарнинг ўзи шама қилиб қолди. Манзура бунга тил учида қаршилик қилса-да, гуноҳи бўйнингизга дея бу ёғини тезлаштириб юборди. Шундан сўнг анча пайтгача оғир гуноҳга қўл урдик, жувонмарг бўлган болам тушларимга кириб чиқаяпти, ҳаммасига сиз айбордсиз дея, қайноғаси Абдуназарни тамомила жиловлаб олди. Шаҳарчада эскию янги дугоналар орттириб, улар билан ўйин-кулги қилиш учун Абдуназардан тинимсиз пул талаб қиласарди. Шу орада мактабда ўқиб юрган чоғлари унга кўп хиракиқ қиласидиган, мактабни битирган заҳотинг сенга уйланаман деб юриб, Манзурани маҳаллада анчагина гап-сўз бўлишига сабаб бўлган, кейин эса бошқасига уйланиб кетган уч-тўрт ёшлар катта йигитни учратиб қолди. Бу орада эту қорин қўйиб юборганидан басавлат эркакка айланган собиқ хушторининг ўзи қоп-қора хорижий машинасини Манзуранинг олдида тўхтатмаганида, унинг ўзи танимаган ҳам бўларди. Беш-олти йиллардан бери Россияга ҳамюрларини олиб бориб ишлатиб қайтадиган гастробайтерга айланган эркак уни хилват ошхоналардан бирига олиб боргач, бир соатларча гаплашиб ўтиришди. Қиши пайти-

дагина бирор ойларга келиб, бошқа вақтини Ка-
лининградда ўтқазадиган собиқ хуштори ишни
яхши йўлга қўйиб олгани, юзлаб одамларга, аёл-
ларга иш топиб берәётгани, қўлини совуқ сувга
урмасдан кайф-сафо қилиб юришларини оғзи-
ни тўлдирганча мақтади. Бу ўтиришдан кейин
Манзура ҳам ўғилчасини онасига қолдирганча
ўша тарафларга бориб келиш орзусига тушиб
қолди. Шу мақсадда квартирасига ҳомийсини
мехмонга таклиф қилиб, тонг қоронфисида ку-
затиб қўйганидан сўнг уни бошқа кўрмади. Те-
лефони жавоб бермас, суриштира-суриштира
унинг маҳалласида Болтиқбўйидаги иморатлар-
га хос тарзда қурилган томлари ўткир қуббали
уй-жойини топиб, дарвозасининг қўнғирофини
анча пайт босиб турганидан сўнггина бир жу-
вон, чамаси ўша эркакнинг хотини бўлса керак,
чиқиб келди-да: «Биз ҳеч нарса билмаймиз, бу
ерга бошқа келманг», деган ғалати гап қилди.
Бу гапни хотинларга хос эрини қизғанишдан
айтган бўлса керак, дея қабул қилган Манзура
таниш-билишларидан суриштирганида у эркак
одам савдоси билан шуғулланганликда айбла-
ниб, иши терговга оширилганлигини айтишди.
Худо бир асрари, дея кўнгли хотиржам тортиб,
акаларимга маслаҳат солай-чи, балки уларнинг
олдига кетарман, деб юрган қунлари ўзини но-
хуш сеза бошлади. Тез-тез бесабабдан-басабаб
иссиғи чиқар, кўнгли айнир эди. Яна бўйимда
бўлиб қолдимикин, дея ўзини текширтирганида
ҳомиладорликни олдини олиш учун қўйдирган
воситалари яроқли эканлиги, унда ҳеч қандай
ҳомиладорлик аломатлари топилмаганлигини
айтган гинеколог врач Манзурага ҳар эҳтимол-

га қарши жинсий касалликлар шифокорига учрашни тавсия қылди. «Нафасингни ел олсин!» дея ташқарига чиққан Манзуранинг хаёлига биринчи бўлиб иши терговга тушган гастробайтер келди: бор-йўғи бир мартагинага бирор нарса бўлиб қолармиди, мабодо ўша гўрсўхта сабабчи бўлган тақдирдаям, додимни кимгаям айтардим. Қайтага халқقا қулги бўлганим қолади. Аввало, яхши ният қиласину, нима бўлган тақдирдаям Абдуназар акага ёпишавераман. Бўрининг есаям-емасаям оғзи қон...

Ҳафтада бир кечани Манзуранинг квартирасида ўтказишни канда қилмайдиган қайнофасига: «Тинчгина юрибсизми, ўзи?! Бир ойдан бери соғлигим жойидамас, врачга учрасам, жинсий касалликлар шифохонасида ўзингизни текширитириб кўринг, дейди. Шунда хаёлимга сиз келдингиз. Тезда ўзингизни текширитиринг, кейин мен ҳам учраб қўрайин», – деганида Абдуназар тамомила караҳт бўлиб қолди. Манзуранинг хавотирланиши бежиз эмас экан. Аноним тарзда ОИТС (СПИД) таҳлили топширган Абдуназарда шу касаллик вируслари топилиб, махфий тутиладиган беморлар ҳисобига киритилди. Ўзига худди ўлим ҳукми ўқилгандек аҳволга тушган Абдуназар бундай шумхабарни Манзурага қайси тибу қайси юрак билан айтишни билмай, шаҳарда қолган тақдирдаям дўконнинг ўзида ётиб, қишлоққа борганида дардим уйдагиларга юқиб қолмасин, дегандай болаларини, аёлини эркалашдан ҳам чўчийдиган бўлиб қолди. Манзура билан гаплашмаслик учун телефони рақамини янгилаб ҳам олди. Бундай мушук-сичқон ўйнашдан безор бўлган Манзура қайнофасини

топиш учун бир-икки марта бозордаги дўконига борганида нуқул юкка кетган пайтига тўғри келарди. Аксига олиб, унга квартирасини вақтинча яшаб туришга бериб турган сотувчи келинаси Манзурани қўрганида қовофини солиб оладиган одат чиқарган...

Қайнонасининг гапига қарши бора олмай, тўнфич ўғилларини уйлаш учун олиб қўйган квартиralарини қайнинглиси Манзураю эри Жуманазарга вақтинча бериб турганлари учун ичидагорози бўлган сотувчи янга эри хориждан келганида бирор нарсани баҳона қилганча қайнинглисини чиқариб юборишга ҳозирланиб юрарди. «Ахир, бу қанақаси?! Эри ёнида бўлганида бу ёққа кўчиб келишини тушунса бўларди. Томдан тараша тушгандай эри Россияга кетворсин-да, битта боласи билан шаҳарга кўчиб келсин. Куни билан нима иш қиласи?! Тез-тез боласини онасига келтириб ташлаб, ким-қаёқларга кетади. Бу келинчакнинг қадам олиши бежо... Ҳали қизлик пайтидаям анча гап-сўзга қолиб, эри роса урганди. Оилада фақат шу акасидан қўрқади. Эри олисда-да. Беш йилдан бери аҳвол шу. Аввал янги ҳовлини битказиб олишга пул топиш учун ишлаб юрди. Уй битди, кўчибам чиқишиди. Энди машина оламан деб ишлаётган пайти арzonгина квартира чиқиб қолиб, шуни олишганди. Яхшиям шундай қилишган экан. Ярим йил ўтмай уй-жойларнинг нархи икки-уч баравар ошиб кетди, машиналарники ўзгармай, қайтага пича ташлабам берди. Доим олисда юрадиган одамга машинанинг нима кераги бор. Қайтага мактабни эндингина тутатган ўғли бесўроқ ҳайдаб қочиб, машинанинг бошига етади. Кўп

эмас, яна бирор ҳафталардан кейин хўжайин ҳам келиб қолади...»

Келинянга эрини қайтишини қанчалар кутган бўлса, Манзура бу қайтишни янада орқароқقا чўзилишини истарди. Аммо парвоз қилган самолёт осмонда портлаб кетмаса агар, албатта, манзилига келиб қўнади. Шундай бўлди ҳам. Хуллас, квартиранинг эгаси бўлган aka яна ишига қайтиб кетишидан олдин синглиси Манзуруни қишлоқдаги уйига қайтариб олиб бориб ташлади. Бир пайтлар апоқ-чапоқ бўлган қайноти-келин бошқаларнинг кўзи олдида чидаб турсалар-да, ёлғиз қолди дегунча турли томонга юз ўгириб кетадиган бўлишди. Уларни деярли юзкўрмас даражада ажралишга мажбур қилган бу дард бориб-бориб яна яқинлаштириди – улар ҳамдардга айланиб қолишли. Юзма-юз келиб қолганларида бошқалардан беркитиб юрган дардларига доир ҳол-аҳвол сўрашишар, қанақа ўзгаришлар борлигини пичир-пичир қилганча бир-бирларига маълум қилишарди. Гарчи Манзура вужудига ин қурган дардни текширишишга журъат қилмаган бўлса-да, Абдуназарга қўйилган ташхисни ўзига ҳам қўйилган деб ҳисоблар, шу сабабли унинг ташқи дунё, тўғрироғи, шифо сари элтувчи йўлларни топишга бўлган умиди иккисини ҳам чиқиб бўлмас бу чангальзора бошлаб кирган Абдуназарга боғланганди. Унга бу дардни юқтирган асл айбдор йигит одам савдо-си билан шуғулланганлиги учунгинамас, ОИТС (СПИД) каби дарди бедавони ўз хотинигагина эмас, яна ўнлаб қиз-жуvonларга ҳам атайинми, билмасданми юқтирганлиги учун узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинган, машинаю

үй-жойи жабрдийдаларга етказилган маънавий ҳамда моддий зарарни қоплаш учун мусодара қилинганди ҳам. Манзура бу ҳақда эшитганида арз қилиб бориб, ўзини ана шу жабрдийдалар рўйхатига киритмоқчи ҳам бўлди-ю, бу қилифи дард устига чипқон бўлиб, ота-онасининг, биродарларининг шаънини булғашини англаб индамай қўя қолди. Фишт қолипдан кўчганидан сўнггина қилинаётган бу андишалардан не фойда? Борида қадрламай, йўқотганда йифлаймиз. У энди аламини фақат битта одамдан олиши, унгагина суюниши мумкин – Абдуназарга. Шодликдан кўра, умумий қайфу-кулфат ҳам одамларнинг бошини яхшигина қовуштиради. Касалликларга доир газета-журналлар, эшиттиришу кўрсатувлар, табиблар ҳақидаги гап-сўзлару миш-мишлар, шифобахш булоқлару ашёлар, нажотбахш қадамжолардан бошқа нарсалар, мавзулар энди уларнинг қизиқиши доирасидан хорижда бўлиб қолди. Буни қаранг-ки, иккаласи ҳам нажот излаб тақвога берилишди. Ахир тавба эшиги ҳаммага ва ҳамиша очиқ эмасми?.. Ўғри қариса сўфи, фар қариса бувотин бўлади, деб бекорга айтишмаган. Абдуназар ҳам, Манзура ҳам тоат-ибодат учун йўл ахтараркан, қўлларидан келганча ҳаракат қилишга тушишганди. Абдуназарнинг машинасидаги турли осма ўйин-чоқдар ўрнини шода-шода туморлару тасбеҳлар, дуолар ёзилган лавҳалар олган, машинадаги плеерда шўх қўшиқлару қизиқчиларнинг ижролари ёзилган кассеталари амру-маъруфу Куръон қироатлари билан жой алмашганди.

Ваҳима

Ваҳима, қўрқув ҳар бир кишида бўлади. Кўнчиликда бу ҳолат ўтиб кетади. Айримларда эса шубҳали тарафга ўзгариб, инсонни ҳалок қиласиди.

Бу орада яна бир йил, қанча хавотири ич-этини ейишлар билан ўтган узундан-узоқ бир йил ортда қолди. Егани татимай, кўзга кўринмас дард ич-этини еб бораётган икки ҳамдард чўпдек озиб кетишганди. Бозордаги дўкон ишларини юргизиб, юкка бориб-келишда чарчаб қолаётган Абдуназар сотувчи қуда жувоннинг ўғлини ёрдамчиликка олишга мажбур бўлди. Бу орада баҳор келиб, кунлар жўнашиб кетганида Абдуназарнинг кўнглида Обишир шаршарасидаги қадамжони ҳам зиёрат қилиб келиш нияти туғилди. Хотини Сурмахон бундай олис ва хатарли йўлга овсини иккисигина кетаётган эрига бу ҳақда таъна қилганида, қўшни қишлоқдаги бир ҳайдовчи йигит хотини билан фарзандталаб бўлгани учун бирга боришаётганини, йўл-йўлакай уларни олиб кетишлирини айтганидан сўнггина кўнгли жойига тушди. Аслида Абдуназар бу гапни хотинини юпатиш учунгина айтганди.

Қиши ичи қадамжога элтадиган эгри-буғри ватик тоғ йўллари анча заараланганидан тушгача етиб бориб, яна ортга қайтиладиган жойга қуёш уфққа бош қўйгандагина келишди. Кўзлаган манзилларида ҳозир бўлган ҳамроҳлар ҳали зиёрат мавсуми бошланмагани учун тепалик ортидаги қишлоқдан бу ерга қатнаб қадамжога қараб турадиган шайхбобони топа олишмади. Зиёратчиларга атаб қурилган тўрт томони очиқ

айвон ҳувиллаб ётарди. Бу ерларда қулф-калит тутиш урф бўлмагани учун ошхонаю шайхбобо ётиб юрадиган томчанинг эшиклари илгакланган ҳолда эди, холос.

Кун оғаётганида зиёратгоҳга етиб келган ҳамроҳлар шайхбобо бўлмаганини учун ўзлари билганча зиёрат амалларини бажаришиб, қоронги тушиб қолгани учун шу ерда тунаб қоладиган бўлишди. Ўзлари билан келтирган масаллиқдардан мойчироқ ёруғида озгина куйдир-пишир қилиб олишди-да, шайхбобонинг томчасида тонг оттиришди.

Тонг маҳали уларни қишлоғидан эшагида етиб келган шайхбобо уйғотди. Унинг раҳнамолигида зиёрат амалларини қайтадан ижро этишган ҳамроҳлар атаганларини шайхбобога тутқазишиб, кун тиккага келмасдан қайтадиган бўлишди. Шайхбобо йўлда эҳтиёт бўлишни, ҳаво тез-тез айниётганини учун ёмғир бошланиб қолгудек бўлса, йўлда учрайдиган бирор қишлоқда қўналға топишларини тайинлаганча кузатиб қолди. Улар қадамжодан узоқлашганларига ярим соат бўлмай кўк юзини бирдан қора булувлар қоплаб олди. Даралар орасида кучли шамол пайдо бўлиб, гулга кирган ёввойи олчалару наъматакларнинг оппоқ гуляпроқларини худди қишининг қорли қуюни каби ҳавода учира бошлади. Тезда катта-катта ёмғир томчилари машина ойнасию томига зарб билан урилганидан чиққан товушдан машинанинг ичи ваҳиманинг уясига айланди. Йўлимизда учрайдиган қишлоққа тезроқ етиб олайлик, дея машинаси тезлигини оширган Абдуназар тоғ тепасидан оқиб тушаётган сел – тошу бўтана қоришмаси-

дан пайдо бўлган кучли оқимга дуч келиб қолиб, машинасини эплай олмай қолди. Оқим машинани йўл четидаги жарликка суриб борди ва ўзи билан олиб тушиб кетди...

Узоги билан ярим соатда бор жаҳлидан тушган табиат инжиқлигидан сўнг атрофга яна сукунат чўкди. Биқинган инларини тарк этган қушлар ҳавода парвоз қила кетди, уяларидан чиққан юмронқозиқлар яна зўр бериб ўт-ўлан чайнашга тушди. Эчки улоқларини тоғ ёнбағирларида ёйиб келишга чиққан қишлоқ болалари тошу шағалга бир ёни билан кўмилганча жарлик тубида ётган машинага қўзлари тушиб, катталарни чақириб келиш учун қишлоқларига югуриб кетишиди...

...Фалокат юз берган жойга етиб келганлар ёнбошлиб қолган машина эшигини очиб, Манзуранинг беҳуш гавдасини тортиб олишди. Абдуна зарнинг жасади ойнани синдириб кирган шағалу қумдан иборат лойқага ботиб қолганлигидан жуда катта қийинчиликлардан сўнг чиқариб олинди. Машина ҳужжатларию қўлга илинадиган нарсаларни олишга улгуриб-улгурмасларидан дарадаги сойнинг бошланишидан катта сел оқими келаётганлигидан дарак берувчи бўғиқ гулдураш садоси ва оқимдан олдинда юрадиган совуқ нафаси яқинлашганча дарадаги ҳавони титрата бошлади. Кутқарувчилар вақтида ўзларини баландроқ жойларга олиб қочмаганларида уларнинг ўзларига қутқарувчилар керак бўлиб қолиши шубҳасиз эди. Синган дарахтлару омонат кўприкларни кифтида ўмбалоқ оттириб катта сув гулдурос солганча етиб келиб, ёнбошлиб қолган машинани писта пўчоқдек чирпирак

қилганча оқиб ўта бошлади. Ҳар-ҳар замонда қорамол ёки қўй-эчкилар ўлиги бир кўриниб, бир кўмилиб ўтиб қоларди...

Узилмай турган жон

Мия тизими ичида бир аъзо яширинган фикрлар тебранишини қабул қиласди. Биз уни тасаввур деб атаемиз. Инсон қаттиқ қўрққанда, ваҳима ва ҳаяжонда ана шу тасаввурдаги олтинчи сезги ишга тушади. У огир баҳтсизликларда вақтинча инсон умрини сақлаб тура олади.

Манзуранинг жонини худойим эри Жуманазар билан юзма-юз бўлиши, рози-ризочилик сўраши учун сақлаб қолдимикин?! Шундай ҳалокатдан умуртқасида дарз кетишу бир-иккита пай узилиши билан қутулиб қолган Манзурани икки-уч ойларда оёққа туриб кетади, дея яқинларига топширишган жарроҳларнинг башоратига қарши ўлароқ, bemorda қутилган ўзгаришлар юз бермади. Соғ-саломат, тўрт мучаси бут пайтида эрининг уйидан қочиб юрган Манзуранинг талаби билан уни эрининг уйига қўйиб кетишиди. Абдуназарнинг бўй етган қизи Манзураю жиянига энагалик қилишга тушди. Авваллари эrim Россиядан телефон қилди, акасига пул жўнатиби, дея Жуманазарнинг бесабабдан бесабаб йўқ бўлиб кетганини оқлаб юрган Манзурани бу жиҳатдан қўллаб юрган Абдуназар энди йўқ эди. Бу ҳолни яна қанчагача давом этишиям номаълум. Нимага ўшанда ўлиб кетмадим, деб унсиз йифлагани-йифлаган эди. Мажруҳ аёлнинг нолалари худога етиб бордими, тўрт йиллар аввал йўқ бўлиб кетган эри қайтиб келди. Қилдек жони шу илинжда узилмай турган экан.

* * *

Жияни билан бемор хотини ётган хонага киргизилген Жуманазар таомилга мувофиқ хотини билан ҳеч нарса бўлмагандек, умумий тарзда саломалик қилди. Эр-хотиннинг гаплашиб олишига ҳалал бермай деганча жияни Диёра ҳамон эшикдан бегонасираганча мўралаб турган Бобоназарни етаклаб ташқарига чиқиб кетди. Шу билан эр-хотиннинг орасига совуқ сукунат тушди.

— Агар кечира олсангиз, мени кечириңг, — деди Диёранинг борида эрига қарашга күч тополган Манзура яна юзини девор тарафга ўтирганча. — Жонимдан түйіб кетдім. Зора, сизни келишин-гиз бу ёғини тезлаштирвorsа.

— Нималар деяпсан? — деди Жуманазар ва бундан бу ёғига айтадиган гаплари ясамаликдан бошқа бўлмаслигини англаб, гапни қисқа қилди. — Мен сени аллақачон кечириб юборганман. Энди мени бошқа оиласам, фарзандларим бор. Аммо сени ва ўғлимизни ҳам, раҳматли акамнинг оиласини ҳам ташлаб қўймайман.

– Барака топинг, – деди қайғуси енгиллашган Манзура эрининг юзига бемалол кўз ташлаб. – Жиянинг Диёрани битишиб қўйишган, уни узатишда бош-қош бўлинг.

— Ўзимнинг ҳам ниятим шу, — деди Жумана-зар ва мактабдан келган янгаси Сурмахоннинг овозини эшитиб, «Мен ҳозир!» деганча ташқари-га йўналди.

Уй ишлари ва беморга қарашни навбати билан олиб борадиган она-бода ўрин алмашиб, Диёра дўконни очгани кетди. Янгаси Сурмахон айтмаса ҳам қандай оғир шароитда кун кечиришаётгани юз-кўзларидан билиниб турарди. Бунинг устига олтинчи синфда ўқийдиган Пирназар ва тўртинг-



чи синфда ўқийдиган Озодбеклар ҳам мактабдан келиб қолишиди. Жуманазар амакиларини кўриб, уларнинг қувончлари ҳовлига сифмас, гўё оталари Абдуназар тирилиб келгандек, молларига ўт-ўлан териб келишгаям чикқилари йўқ, худди амакилари уларнинг йўғида яна узоқ вақтга йўқолиб қоладигандек ҳадиксираб, орқаларига қарай-қарай уйдан олислашишиди.

Оёқ-кўли чаққон Диёра тайёрлаб кетган суюқ угра ошдан овсинини овқатлантиргани кириб кетган Сурмахон бир аҳволда ичкаридан чиқиб келди:

– Бечоранинг жони узилиби...

* * *

Тошкентдан икки кунда қайтсам керак, деб йўлга чиқсан Жуманазар қишлоғида бир ҳафтача қолиб кетди. Хотини Зарофатга вазиятни тушунтириб, жонозага келишлари шарт эмаслигини тайинласа-да, жонозанинг иккинчи куни Эҳсон иккиси машинада марҳумага қилинётган хатми худойи устига келиб қолишиди. Ёш болаларини ота-онасига ташлаб келган Зарофат шундан шу ёқقا келдик, энди эртага тонг отганда қайта қоламиз, дея маърака тутаб, одам оёғи узилган маҳали Сурмахон билан қишлоқ қабристонига чиқишиб, раҳматли қайнотаю қайнонларининг қабрларини зиёрат қилганча дуои фотиҳа ўқиб қайтишиди. Аёллар қайтиб келганидан сўнг болалик дўсти билан кечадан бери оёқда турган Бердимурод: «Ўзингам меҳмон қаторисан, кечқурун меҳмонингни олиб тўғри уйимга ўтгин, бошқаларни айтмайман, тор доирада кўнгил ёзишайлик! Аёллар бу ерда ҳасратлашишсин», – дея Жуманазар ва Эҳсонни уйига таклиф қилди.

Кексайиб қолган амакисини хотинларга бош бўлиб ўтиринг, дея уйда қолдирган Жуманазар Эҳсонни ёнига олиб, кеч тушган маҳали ўртоғи-никиига отланди. Меҳмонлар келишига ҳамма нарса тахт қилиб қўйилгани учун Бердимурод хотинига: «Бу ёғини ўзимиз эплаймиз, бор, тошкентлик овсининг билан бирга бўл!» дея Жуманазарларникига жўнатиб юборди.

Эҳсоннинг олдида ўтмишни кавлаштиришдан истиҳола қилган Бердимурод кўпроқ ўзи гапириб, Эҳсонни гапиртириб, хонтахта тагидаги «бўйнинг узилгур»ни майдалатиб ўтирди. Кайфи ошиб қолган Эҳсон: «Мозорда бир ёру бозорда бир ёр!» дея асқия қилиб, улфатларининг завқини ошириб ўтирди. Тонг қоронгисида ҳовлиларига қайтишга қарор қилиб шу ерда қолган меҳмонлар барвақт уйғониш учун ухлашга ётишди. Эҳсон уйқумда хуррак отаман, шунинг учун айвонда ёта қолай деб, икки оғайнини хонада қолдирди...

Белгили қабрлар

Қабрлар инсонни ўйлашга, фикрлашга ундаиди. Кексалар бекорга айтишимаган, молдунёинг кўпайганда ҳам, амалинг юксалганда ҳам, гам-ташвиш танангни эгаллаганданда ҳам қабристонга бор. Ўтганларни зиёрат қил. Шундагина англайсан, қабристон келгусида ҳамманинг борар жоийи эканлигини.

Тонгда Эҳсон билан хотинини туман марказида Тошкентга қатнайдиган киракаш машинага ўтқазган Жуманазарни хотини бир четга тортиб, сумкасидан бир тахлам пул чиқарди:

– Буни маъракаларга яратиб туринг. Уйдагиларга акангиз ўтган экан, деб келганман, сиз ҳам

шу гапни унутманг. Эҳсонгаям тушунтирганман. Қолган гапни уйга қайтганингиздан кейин гаплашамиз. Бўпти, кўп ушланиб қолманг.

Уйига қайтаётган Жуманазарга кейинги тўрт йиллик умрида иккига бўлинган дунёсининг бир томони ҳувиллаб қолгандек туюлди. Машинасини тўғри булоқбоши томонга ҳайдади. Дабдурустдан бу ерга уни нима бошлаб келганлигини ҳам англамай, сувга тикилиб турган маҳали акасининг ўфиллари челак кўтарганча сувга келиб қолишиди.

– Бобо, машинангизни ювиб қўяйми? – деди катта жияни Пирназар ва жавобини ҳам кутиб ўтирмаи, чelагига булоқдан сув олиб келиб, уч кундан бери сув кўрмаган машина устига сепиб юборди. – Дадамларни машиналарини мана шетта кунора ювиб қўярдим. Энди дадамларам йўқ, машинамизам.

– Худо хоҳласа, ҳали бундан зўр машиналаринг бўлади, – деди Жуманазар ва булоқнинг нариги соҳилида кўриниб турган қабристонни зиёрат қилгани жўнади. Қабристоннинг янги қабрлари қаторини четлаб ўтганча, бундан ўн беш йиллар бурун ўтганларнинг қабрларига элатидиган тикроқ йўлак бўйлаб юқорига кўтарила бошлади. Тоғ қишлоғи бўлгани учун барча текис жойлар уй-жой, экин-тикинга банд, қабристонга эса баланд адирнинг қиялиги танланганди. Адир тепасидаги чиллахона Жуманазарнинг болалигида ваҳима уйготарди. Қуббасига сўйилган кўчкорлару овланган тоғ такаларининг бурама шохлари қадалган, болаларга бу бинони «Худонинг уйи», «Авлиё отанинг макони» деб тушунтирилган уй, қурбонлик қилинган отлару буқаларнинг узун ёлли думлари тиф ўрнида ҳилпираб, дастасига ирим қилиб боғланган ва йиллар ша-

молидан тусини йўқотган турли рангдаги латта-путталар шодаси худо нима, иймон нималиги ни ҳали билмайдиган болаларда ўйнаб бўлсаям бу ёқларга чиқиб келишни тақиқлаб турарди. Бунга ота-оналар ҳам катта ҳисса қўшиб, қайси бола Худонинг уйига яқинлашса, оғзи қийшайиб қолади каби гаплар билан бу ваҳимани янада чуқур илдиз отишига ҳисса қўшишарди. Қабристонга мўлжалланган адирга биринчи марҳумлар юз йиллар олдин қишлоққа кўринмайдиган томонга қўйила бошлагани учун кўпчилик «фалончи нариги дунёга равона бўлди» деганда адирнинг қандайдир кўзга кўринмас мамлакатдек тасаввур қилинарди. Ахир юртимизнинг ўзидаям қабристон одамлар яшайдиган жойлардан беш-олти чақирим, ҳатто ундан-да узокроқда бўлиши одатий ҳол. Аммо шундай халқлар ҳам борки, ўзларига тегишли одамни ҳовлисининг бир тарафига кўмиб қўйиб, марҳумлар билан қўшничиликда яшайверишади. Ҳозир ўлган яқинларининг жасадини куйдириб, кулини маҳсус қути ёки қўззаларда турли чиннию билур идишлари турган сервантида сақдайдиганлар ҳам бор.

Адирликдаги мозорда қабр тупроқли жойлардагидан бошқача, шунчаки чуқур ҳолида қазилади холос. Бу ерлар қумтупроқ аралаш шағал бўлганлигидан ёнидан хона кавлаб бўлмайди – ўпирилиб тушади. Марҳумнинг бўй-бастига мослаб ўра қазилади. Бу ерда бошқа жойлардагидек марҳумни қабристонга элтиш учун маҳсус тобут ишлатишмайди. Марҳумнинг ҳовлисидан замбилга яроқли хода топилмаса, булоқлар четида ўсган толлардан замбиллигу ҳасса-таёқлик кесиб келишиб, марҳум билан бирга қабр тубига тушириладиган замбил ясашади. Тутқичларига

арқон бοғлаб, мана шу арқонни навбатма-навбат бўйиндан оширганча мозорга элтишади. Шу арқонлар ёрдамида замбилни ўрага тушириб олишгач, арқонларни ҳам марҳумнинг устига ташлаб юборгач, топилса тахта билан, топилмаса ходалару шох-шабба тўшаб, устидан тупроқ тортиб юборишади. Эртаси тонгда марҳумнинг янги жойини йўқлаб келган хотин-халаж яқинлар тиззабўйи тупроқ уюми устига белги сифатида синган сопол кўзами, лаганми, чинни чойнагу музлашдан дарз кетган обдастани қўндириб кетишади. Мана шулар мармартошнинг ўрнини босади, шу белгидан кимнинг гўри қайсилигини ажратиб олишади...

Жуманазар эсини таниганидан бери қишлоқдаги марҳумларни адирнинг қишлоққа қараган тарафига қўйиб келганларидан, дафн маросимларини ҳовлиларнинг ўзида туриб ҳам кино кўргандек бемалол томоша қилиш мумкин эди. Бирортанинг мол-ҳоли мозор оралаб ўтлаб юргани ҳам дарҳол маълум бўлар, одамлар худди ўзларининг томорқасига мол оралагандек, таёқ кўтарганча ўша тарафга югуришарди. Бировнинг томорқасига тушган молнинг қоракалтакка қолиши унинг эгасига малол келиб, ҳатто молини урган одам билан ади-бади айтишиб қолиши мумкин бўлса-да, мозорга тушиб, куни калтакка қолган молу қўйларнинг эгаси бошқаларга қўшилиб бебош молини уриши, молга яхши қарамаган боласини юзига шапалоқ тортиб юборишидан мозорнинг, ўликлар дунёсининг халқ орасида нақадар қадри борлигини билса бўларди. Аммо адирнинг орқа тарафидаги манзара бутунлай бошқача бўлиб, у томонларга қўйилганларнинг бола-чақалари ҳам тириклар ора-

сида қолмаган бўлиб, эски мозорларни орадан ўтган ўнлаб йиллар ер баравар чўктириб, бир текис чиму ажриқ билан қоплаб чиққанди. Ўша, қишлоқдагиларга кўринмайдиган тарафдаги эски мозорларда қўй-эчкисини ўтлатиб юриш одатий ҳол эди. Бу қабрларга на тош, на ёдгорлик ўрнатилган, баҳорда бир текис чучмомаю қизғалдоқлар гилами қоплашини айтмаса, бу ер бағирлаган қабрларни бирорта одам йўқламайди ҳам. Қабристоннинг янги юзи бўлган адирнинг кун чиқиши тарафидаги саноқли қабрларгагина мармар тош қўйилган, атрофи панжара билан ўралганлари ва ёнига арчами, дўланабутаси экилганлари ҳам бор. Буям янги замоннинг кўринишлари. Фақат бир жуфт қабр – қишлоқда Тоҳир-Зуҳра дея машҳур бўлган Нормат чўпон ва Зуҳра депутатнинг икки қабри орасига ўрнатилган ягона қабртошу атрофини ўраган пастаккина гулдор темир панжара мана шу қадамжонинг энг маркази бўлиб туюлади. Гарчи вафотлари орасида беш йил фарқ бўлиб, бу орада етти-саккизтacha дағнি маросими ўтган бўлса-да, уларнинг қабри ёнма-ён жой олди. Бу аёл вафотидан бир йилча кейин бошқа бир марҳумни дағнি этиш учун янги қабр қазишга тўғри келганида мозор шайхи Зуҳра депутатнинг қабри ёнидан бир кишилик жой ташлаб қазишларини тайинлади. Нимага, деб сўраган гўрковларга, шайх айтдики, Нормат чўпон шундай деб илтимос қилган. Ия, Нормат ака эндингина эллик бешга кирган бўлса, ўлимни ўйлагунча бошқа хотинга уйланишни ўйласин, дейиши мозорда бўлса-да хихилашганча. Ўлимни ўйлаш учун ёшнинг аҳамияти йўқ, деди шайх. Шу билан бир

кишилик жойни ташлаб, янги қабр кавлашди. Орадан түрт йилча ўтиб, оралиқда қолган бўш жой ҳам эгалик бўлди...

Жуманазар қўшалоқ қабрни ўраган гулдор панжара ёнига чўкканча тиловат қилди ва биринчи марта бу ерда ота-онасининг хоки туробигина ётгани, уларнинг руҳи бошқа жойдалигини ҳис қилди. Нимага шундай бўлди, шундай туюлди – ўзиям билмайди. Юраги бўш ҳолда бу ерга кирди ва яна шундай бўм-бўш юрак билан қайтиб чиқди. «Бу ерлардан олисда яшаганим, анча узоқда хотиним ва икки гўдагим борлиги учун шунаقا, бу ерларга ўзимни бегонадек сезяпман, шекилли...»

Тушдаги ўтмиш

Шу кеча кўрган тушидан сўнг Жуманазар қабристон зиёратидан нима учун кўнглида бўшлиқ пайдо бўлганлиги сирининг тагига етгандай бўлди. Тушида у ўн ёшлик пайтлари, отаси Нормат чўпон билан Қўтонлиқирда гаплашиб ўтирганини кўрибди. Тўғри, бу жуда илгари бўлганди, эсиданам чиқиб кетганди. Ўшанда, мактабда ўқишилари тугаб, ёзги каникуллар бошланган пайт, қўйларни баланд тоғлар бағридаги яйловларда ёз бўйи боқишга ҳайдашдан олдин жунларини оладиган серташвиш қунлар эди. Жуманазар ўн ёшли бўлса-да, қўйқайчини усталик билан ишлатиб, ўзидан катта кишилар билан тенгма-тенг қўйларнинг жунини қирқарди. Унинг қайчи бандига ишқаланиб кетган кафтлари шилиниб, кечаси билан зимиллаб оғриб чиқшини яхши билса-да, тишини-тишига босганча гайрат билан ишга киришарди. Бунинг учун у чап қўлинни ҳам ишлатишга ўргатиб олганди. Бу

шунчаки болаларга хос эркалик ёки күнгил ёзиш бўлмай, олдига қўйган аниқ мақсади бор эди. У бу кунларни қиши билан кутди. Қанча кўп жун қирқса, шунча кўп пул ишлайди. Йифилган пулига эса икки фидиракли «Урал» велосипеди олади! Депутатнинг ўғлига нима зарур эди, жун қирқиб, қўлларини қавартириш, онасига бир оғиз айтса бас-ку. Аммо Жуманазар буни ўзига эп кўрмайди. У велосипедни ўз меҳнати эвазига сотиб олишни истайди. Ахир бошқа болалардан қаери кам! Қишлоқдаги болалар ўн ёшидан ёз келишини кутишади. Катта болаларга, таътилга чиққан ўқитувчиларига қўшилиб водийдаги қишлоқларда мардикорчилик орқасидан пул ишлагани кетишади. Хом гишту гувала қўйиш, бинокор уста-ўқитувчиларига дастёрлик қилиб лой ва кесак узатишу девор суваш, бозорларда қовун, темир йўл станцияларида, базаларда вагонлардан кўмиру цемент, минерал ўғитли қопларни тушириш, борингки, номи иш бўлган ҳамма нарсани қилишиб, мактабга энгил-бош, велосипеду қўлсоат, орттирганлари қўй-эчки қилиб қайтишади. Қиш бўйи бу ишларини, кечирган саргузашларини эслашиб, олган нарсаларини кўз-кўзлашади. Келаси ёзда мен ҳам сизларга қўшилиб, пул ишлаб келаман деганида Жуманазарнинг устидан қулишади. Сен, – дейишади, – бунақа ишларга ярамайсан. Отаонанг ишлагани қўйишмайди. Айниқса онанг. Нима кераклигини айтмасингдан олиб беради.

Шунинг учун Жуманазар ёз фаслини ёмон кўриб қолганди. Ёзда қишлоқ бўшаб қолади. Дадаси қузнинг ўрталаригача сурувни ҳайдаб кетган Осмоняйловдан бери келмайди. Ора-сира бирор ҳафталарга келганида ҳам ким-қаёқлардаги

тўй ёки жанозага кетиб, ўз уйида тузук-қуруқ бўлмайди ҳам. Жуманазар бир марта уйдагиларга билдиримай, мардикорликка кетаётганларга қўшилиб олди ҳам. Аммо онаси Зуҳра депутатат уч кунда уни излаб топиб: «Халқ орасида мени шарманда қилма, болажоним» дея, машинага ўтказганча қишлоққа қайтариб келди ва ўша ёздан бошлаб ҳар йили йигирма кунлик ўқувчиларнинг ёзги оромгоҳларига, ҳатто Қора денгиз бўйидаги «Артек»ка ҳам жўнатиб турадиган бўлди.

Хуллас, ўғли нима учун бунчалик жон куйдирib, жун қирқаётганлитини суриштириб билган Нормат чўпон ишни тезлаштириш учун хотини олиб берган рацияда Зуҳра депутататга шаҳарга тушганида битта велосипед топиб келишни тайинлади. Уч кундан кейин Зуҳранинг машинасида чўпонларга ойлик маоши келтирган Қодир кассир ведомостларга қўл қўйдириб, пул тарқатайтган пайти Жуманазарниям чақириб, Нормат чўпон уқтирганидай қандайдир қофозга қўл қўйдириб олди-да, яхши ишлаганинг учун жамоа хўжалиги бошқаруви сени велосипед билан мукофотлайди деб, «Нива»нинг багажидан яп-янги велосипедни олиб берди! Янги велосипедини «оёғи»ни синаш учун олис-олисларга ҳайдаб кетган Жуманазар қайтиб келганида базми жамшиднинг устидан чиқди. Жун қирқиши кампанияси тугаганлиги муносабати билан бир яшарли қўзи сўйишган, Қодир кассир ойлик маошгинамас, меҳнаткашлар талабига мувофиқ беш-олтишиша «яrimta» ҳам етказиб келганлигидан «сан же – сан ол» авжига чиққанди. Жуманазар ўшанда дадасини кайф ҳолида биринчи марта кўрганди. «Нива»нинг радиосида «Ўзбекистон чорвадори» эшиттириши берилиб қолди ва қозонбошида

қовурдоқ сузаётган онаси Жуманазардан радио овозини баландлатиб қўйишни буюрди. Бир пайт радиодан онаси берган интервьюни қўйиб қолишидди. Жуманазар эшитаётганларига ишонмай бақа бўлиб қолди: Бу қанақаси, онаси қўлида капгири билан ўчоқ бошида турсин-да, яна радиони ичига кириб олиб гапирсин?!

Онасининг гапи тугаши билан шўх қўшиқ уланиб кетган маҳали дадаси ёнидагилар билан пиёласини уриштириб, газак қилганча ўйинга тушиб кетди. Яна иккита эркак ҳам Нормат чўпонга қўшилди. Нормат чўпон хотини тарафга қараб бораётганида, онаси ўзини ўйнатмоқчи бўлган эридан қочиб, машинанинг бошқа тарафига ўтиб олди. Иккаласи машинани айланиб, анча мушук-сичқон ўйнагунларича ашулаям тугади. «Сизга, ўртоқ депутат, қаттиқ ҳайфсан!» – деди Нормат чўпон ва ўғли Жуманазарни қучоқлаб: «Мени қўзичофим!», «Мени дагарчам!» дея суйиб ўпа кетди.

– Қайтиш вақти бўлди, ёрдамга келганлардан ким кетмоқчи бўлса машинага чиқсин! – деди сурувнинг бош чўпони бўлган онаси. – Жуманазар, сенам чиқ, бир ҳафтадан бери шетларда юрибсан, жонингга тегмадими, бўл!

– Эртага велосипедимда қайтаман, – деди Жуманазар бир чеккага бориб, қўлларини тиззасига тираганча қайт қилаётган дадасига кўз қирини ташлаб. – Дадамни бу ҳолда ташлаб кетолмайман.

– Дадангга жинам урмайди, – деди онаси ва эрининг «Кетаверинглар, шунчаки кайфчилик!» дегандай қўл силкишини кўриб, ўглини зўрламай, эрига тайинлади: – Кўйларни Осмоняйловга ҳайдашдан олдин икки-уч кунга уйга бориб келинг. Озиқ-овқатлару кийим-кечакларни тайёрлаб қўяман.

Кайфини суриб ётган ёрдамчи чўпонлар бирбирига маънодор кўз қисганча қочиrim қилишиди:

– Малима опа, бизни хотинларам гап тайинлашвормадими ё шундан-шақقا кетаверайликми?!

– Сизларам навбати билан бориб келинглар, ҳали йўлга чиқишига икки ҳафта вақт бор, сурув одамсиз қолмаса бўлди, – деди Зуҳра ва «Нива»га тиқилишганларга эшикларни маҳкам ёпинглар, дея машинани ўт олдирди.

Ўша кеча дадаси билан битта кўрпани ёпиниб ётган Жуманазар тонгда уйғониб, ёнида отаси йўқдигини билди. Ичкари нимқоронги бўлса-да, чодирга киритиб қўйган велосипеди ҳам йўқдигини кўриб, жони чиқиб кетай деб, югуриб ташқарига чиқди. Кечаги ўтиришни давом эттирганлар ўтирган жойларида «ўчиб қолганича» тонгги аёздан тўнларига ўралган ҳолда кучала бўлиб, бир хиллари қўйчи итларини қучоқлаганча ўзини иситиб ётишарди. Ит ётиш-мирза туриш-да буям.

Жуманазар атрофга аланглаб, дадасию велосипедини қидираётган маҳали Қўтонлиқирнинг тепасидан дадасининг товуши келди. Қараса, дадаси адирнинг четида ўтирибди, ёнида велосипеди ётибди.

Жуманазар Қўтонлиқирнинг тепасига қияликдан ҳарсиллаганча чиқиб бориб, ўзини дадасининг ёнига ташлади.

– Калла пишдими, дагар?! – деди дадаси уни бағрига босиб. – Аммо-лекин велосипедни зўридан беришибди. Адирни этагидан айланиб, Зарбулоқдан сув ичиб қайтдим.

– Зарбулоққаям бориб келдингизми?! – деди Жуманазар бу ердан саккиз чақиримча тепароқдаги катта булоқни эслаб.

– Ҳа, велосипедда бир зумда етасан, қишлоққаям шунча йўл, тағин қийналмай кетасан, – деди Нормат чўпон ўғлига қишлоққа қайтиш кераклигини эслатиб.

– Мени шунга чақирдингизми? – деди бу гапдан норози бўлган Жуманазар. – Сиз уйга борадиган куни бирга қайтай. Сиз отда, мен велосипедда, ким биринчи бориш ўйнаймиз!

– Аввал чўлиқларни навбати билан уйига жўнатаман, бир ҳафтадан кейин ўзим бораман, – деди дадаси қўли билан қарши тарафдаги тоғ чўққисини кўрсатиб. – Уни қара, қуёшнинг гардиши кўтарилаяпти.

Ҳа, манзара жуда чиройли эди. Тоғларнинг қор қоплаган чўққилари ортидан қуёшнинг қирмиз гардиши кўрина бошлади. Тонг отаяпти.

– Қара, қанча ерлар бўш ётибди, – деди дадаси қўллари билан ҳавони чизиб. – Йигирма гектарча келади. Қирларнинг ёнбағирлариниям қўшиб ҳисобласанг, яна шунча жой бекор ётибди. Бу ерларга буғдой ва картошка эксанг, ёнгоқзору бодомзорлар қилсанг...

– Сув йўғу, дада, – деди Жуманазар дадаси кўрсатган ерларни кўздан кечириб. – Мен узумни яхши кўраман, қўқонгилосниям.

– Сувни Зарбулоқдан ариқ кавлаб, оқизиб келса бўлади, – деди дадаси она уруғи тарафидан фарғоналик бўлганлигидан томирида оқаётган миришкорлик туйгусидан илҳомланиб. – Бир куни сени водийдаги қариндошларимникига олиб бораман. У томонларда бир қарич ҳам ер бекор ётмайди. Ҳатто мана бу қирнинг қиялигидан ҳам тикроқ ерларда зинама-зина ер очиб, дараҳт ўстиришади, экин экишади. Қўй орқасидан юришга ҳадемай ярамай ҳам қоламан, унгача сен ҳам мактаб-

ни тамомлаб қоласан. Ана шунда мана шу ерларни обод қилиш ниятим бор. Эскидан қолган гап бор, ўғлим, тижоратчининг бу дунёси обод, ибодатчининг нариги дунёси, дәхқоннинг эса иккала дунёси ҳам обод, шуни унутма, ўғлим...

Янги давр

Замонга пешвоз чиққанлар тўйкин баҳтга эришади.

Жуманазар кўрган тушида отаси мана шу сўзларини яна қайтариб тилга олди: «Деҳқоннинг иккала дунёсиям обод!» Кун чошгоҳга келганида Қўтонлиқири Зарбулоқ томонларга элтадиган йўлдан машинасини ҳайдаб кетди. Йўл деганлари ҳам одамлар билан, ҳаракат билан йўллигини сақлаб тураркан. Одамлару машиналар юрмай қўйганидан кейин уни ҳам ўт-ўлан босиб кетаркан. Қўтонлиқирнинг устига бир амаллаб чиқиб борган машинасини тўхтатган Жуманазар адирнинг товадек текис устини кесиб ўтиб, унинг нариги қиялиги бошланган жойга етиб борди. Мана шу ерда у отаси билан бундан чорак аср – йиғирма беш йил муқаддам тонгда қуёш чиқишини томоша қилган ва отасининг, энди билса, васиятини эшитган экан.

Қўтонлиқирдан унинг этакларига кўз ташлаб турган бугунги йигитнинг аввалги ўн яшар болакайдан қанчалик фарқи бўлса, адирнинг пойидаги бугунги манзараларнинг ҳам аввалгисидан ана шунча фарқи бор эди. Бу орада ўтган вақт мобайнинда Қўтонлиқирнинг номигина сақланиб қолган бўлиб, қўтонлардан асар ҳам қолмаганди. Бунинг боиси, Шўролар салтанати парчаланиб кетганидан сўнг, жамоа хўжаликларнинг сурув-

лари ёз пайтида ҳайдаб бориладиган төг яйлов-ларининг катта қисми қўшни давлат ҳудудида жойлашгани учун у ёқларга эмин-эркин боришнинг иложи йўқ эди. Қўшни давлатда авж олган фуқаролар уруши туфайли бири бошқасини, мавжуд ҳукуматни тан олмайдиган дала командирлари пайдо бўлиб, чет эл разведкаларининг, айниқса, Афғонистондан юборилган ғазавотчи-ларнинг қутқусига учеб, ислом давлати қурамиз, дея бир-бири билан уришиб юришарди. Ҳали чегара сарҳадлари мустаҳкамланмаган бу ҳудудлардаги аҳоли аввалгилик мол-ҳолини тўғри келган ерда ўтлатиб, овчилар овини қилиб юришарди. Дўст ким, душман кимлиги номаълум. Бу пайтда Нормат чўпон ўзи айтгандай, кўй орқасидан эргашиб юришгагина эмас, ўзига қарашгаям мадори қолмаган мажруҳ кишига айланиб қолганди. Хотини Зуҳрани тўнгич ўғли Абдуназарнинг хурмача қилиқларидан тез-тез кўтарилиб кетадиган қон босими адо қилган бўлса, орадан уч йил ўтмай Нормат чўпон мана шу ўғилнинг касофатидан инсульт – мияга қон қуишишига чалиниб, тўшакка михланганди. Хўжаликнинг икки минг бошдан зиёд қўйини Осмоняйловдан қайтариб келишда қўшни давлатнинг қўзғолончи дала командирлари тортиб олишгани, чўпонларни уриб-сўкиб ҳайдаб юборишганлари ҳақида қишлоқда гап тарқалганида Жуманазар бемор отасига энагалик қилиб юрган кунлари бўлиб, бу гап қанчалар ҳақиқатга яқинлигини бирор билмасди. Уларнинг ўзига тегишли қўй-қўзиларнинг катта қисмини бир йиллар бурун отаси катта ўғли Абдуназар магазин мудирлиги пайтида йўл қўйган камомадини қоплаб, қамоқ жазосидан олиб қолишга сарфлашгани, унча-мунча қолган-қутганини қўйчивон амаки-

си шу атрофда тинчгина боқиб юрганлиги учун омон-эсон сақланиб қолғанди.

Мана шундан сўнг жамоа хўжаликлари бутун мамалакат бўйлаб тутатилиб, фермер хўжаликлири ташкил қилина бошлаганидан сўнг, қишлоқда бундай хўжалик тузадиганлар топилмади. Лалми буғдой етиштирувчи фермерлар бир-иккита пайдо бўлди-ю, уларнинг иши об-ҳавога, йилнинг ёғин-сочинли келишига боғлиқ бўлгани учун бундай иш фирт таваккалчиликдан бошقا нарса эмаслигини билиб, давом эттирмай қўя қолдилар. Озиқ-овқат мустақиллиги энди-энди йўлга қўйиляётганлиги учун аҳолига ун ва ёф маҳсулотлари ўлчаб бериларди. Савдо-сотиқ ва киракашлик билан шуғулланиш аҳолининг асосий иши бўлиб қолди. Кўплар иш излаб катта шаҳарларга, ҳатто яқин ва узоқ хорижга кетиши урф бўлиб қолди. Отасининг ўлимидан кейин Жуманазарни мустақил Ўзбекистоннинг янги ташкиллаштирилаётган Қуролли кучларига ҳарбий хизматга олишиди. Абдуназар эса амакисининг қарамоғидаги ўзларига тегишли бор қўй-эчкиларини ажратиб олиб, уларнинг пулини савдо-сотиққа сарфлади: қишлоғида ва туман марказида дўконлар очиб, тижоратчиликни давом эттирди.

Шу тариқа Қўтонлиқирдаги жамоа хўжалигининг қўтонлари ҳувиллаб қолди. Унинг қолган-қутганларини кимлардир ташмалаб кетишиди. Чорвадорларга қурилган иккита томчанинг томларини очишиб, ёғочларию эшик-деразаларигача ташиб кетилди. Қўтонларнинг қўйлар ётавериб, чалма қилиб юборган гўнгу қийларини қишлоқ аҳли хўжаликда ёқиш учун ҳар маҳалгидек эшак уловларда қишлоққа олиб кетишиди. Бу ерга етказиб келинган электр линиясининг симёғочлари

ҳам бетон устунларидан ечиб олинганди. Обишир шаршарасидан бошланадиган сой ёқалаб ўтган йўлнинг қишлоқдан қўтонларга элтадиган йўлидаги кўприк ҳам омон қолмаган, битта-иккита-дан тахтаю ёғочлари кўчириб олина-олина, охири бетон устунларнинг ўзигина турарди. Ахир бу ерларда қўтоннинг ўзи қолмаганидан кейин бу ёқка ким ҳам машина ёки бошқа уловда келар эди...

Тоҳир-Зуҳра боғи

Умрингнинг бир куни қолса ҳам дарахт эк, деган донолар. Бу ҳақиқатдир.

...Жуманазар Қўтонлиқирнинг шонли тарихи ва ачинарли бутганини солиштиаркан, отасининг қариганимда сени ёнимга олиб, шу жойларда боғлар бунёд қиласдирим, деган орзусини эслади. Отасининг водийдаги қариндошлариникига олиб бориш нияти ҳам амалга ошмади. Фақат ҳарбий хизматдан қайтганидан сўнг бобо-тоғаси, яъни Нормат чўпоннинг онаси бўлган бувисининг укаси, кексайиб қолган чол ўғлининг машинасида уларни йўқлаб келиб қолганида момо уруғларингни танигин, бизлар ўтиб кетамиз, энди сизлар бир-бирларинг билан борди-кељди қилинглар, хат-хабарлашинглар, дея ёшларни бир-бирлари билан таништириб қўйиш учун қўярда-қўймай бир ҳафтага ўзи билан олиб кетди. Ўшанда Андижоннинг Хўжаобод туманида мириқиб дам олиб, янгича ҳаёт тарзи, миришкор водийликларнинг яратган боғлари, экинзорлари, қиру қияларни яшнатиб ўсаётган теракзорлар, мевазорларни ўз кўзи билан кўриб, раҳматли отам мақтаганиданам зиёда жойлар экан, дея ҳаваси келганди. Юрагига тушган бу ҳавас уруфи шу ҳолича қолиб кетганди. Унинг бўртишига, ўзининг борлигини

бидиришига яқин ўн йил керак бўлибди. Яхши ният тошниям ёради.

Жуманазар отаси айтган боғларни қандай яратиш, бунинг қандай даромадли тарафлари борлиги, сарф-харажатини ўйлаб кетди. Боғнинг асоси бўлган унумдор ер бор, сув-чи?.. Зарбулоқдан сув келтиришга доир отаси айтган гаплар ҳақиқатга қанчалар яқин?! Буни билиш учун эса Зарбулоққача чиқиб бориш керак. Машинасида у ёқларга етиб бора олмайди. Шу ергача шаҳарбоп машинасида аранг етиб келди. Бу ишни бошқа кунга, эртага қолдириб, ўртоги Бердимуроднинг йўлтанламас машинасини сўраб олиб ёки унинг ўзи билан бирга келиб, кўриб кетиши мумкин. Ахир маслаҳатли тўй тарқамас дейдилар. Балки бу ишни ўртоги билан шерикчиликда қилишар...

Эртаси куни икки ўртоқ Бердимуроднинг йўлтанламас машинасида Зарбулоққа етиб боришди. Бу ўртадаги етти булоқнинг энг каттаси, сув бошиси – сув қайнаб чиқадиган кўзлари кўп булоқ айнан мана шу Зарбулоқ ҳисобланади. Рasmaна стадионнинг ярмича келадиган кўл ҳосил қилган булоқнинг сувлари кунчиқишу ботишида, ойдин оқшомларда зар-олтин тўла косани эслатади. Кўлдан сизиб чиқаётган сув ҳосил қилган сой йўл-йўлакай яна олтита кичикроқ булоқларнинг сувини ўзига қўшиб, тўлиб-тошиб туман марказига яқин жойда Обишир шаршарасидан келадиган бошқа бир сойга қўшилиб, дарё номини олишади ва бориб-бориб пахтазорларни суғоришдан ортгани Сирдарёга етади ё етмайди.

– Бу ишни яхши ўйлабсан, оғайни, – деди Бердимурод Қўтонлиқир тепасидан туриб, унинг этакларини кўздан кечириб. – Бу ёқларга келмаганимгаям йигирма йиллар бўлиб қолди. Сенга

эргашиб келгандим. У пайтларда икковимизнинг ота-оналаримиз тирик эди. Уларнинг хотираси учун ҳам бу ишни қилиш керак. Бу боғларни айтайми қандай атаймиз? «Тоҳир-Зуҳра боби» деймиз. Айниқса, Зуҳра холамлар депутатлик пайтлари қишлоқда мактаб, клуб, дўкон қурилишларини бошида турган. Йўқ жойдан йўндириб, унмаганни ундирган. Бизлар ҳам уларга муносиб бўлишимиз керак. Тирикчилик деб, фойда-заарарни ҳисоблаб умр ўтиб кетяпти. Бу ишимиznинг орқасидан ўнта одамга иш топиб берсак ҳам катта ютуқ бўлади. Ҳозироқ бориб, сув келтириш, кўпприкни таъмирлаш, ерни экишга тайёрлаш, қияликларга қандай мевали дарахтлар экиш, оралиқ экинларга нималарни танлаш, ҳамма-ҳаммасини ҳисоб-китобини олиб чиқайлик. Ота-онангнинг номи қўйилган фермер хўжалиги ташкил қиласиз. Агар кредит керак бўлса, униям оламиз.

– Яххиси, иккита қўшни хўжалик ташкил қиласиз, – деди Жуманазар ўртоғининг гапларидан хурсанд бўлиб. – Сен ота-онанг номида, мен ҳам шундай номда хўжалик очамиз. Бу ерларда эллик гектарча яроқли ерлар бор. Адирнинг бизга кўринмай турган тарафини ҳисобга олмаяпман ҳали. У ёқлар ҳам келажакда фойдаланишга тортилса, яна шунча майдон қўшилади. Кичкина ферма қурамиз, бўрдоқчилик, сут-қатиқ учун. Чунки ишлаб-чиқаришимиз чиқитсиз бўлиши керак. Шунда ўзини қоплайди. Вақти келиб, ишларимиз юришиб кетса, ўзимизни ўзимиз электр билан таъминлаш учун етказиб келган сув йўлига кичкина элекстростанция қуришимиз ҳам мумкин. Маҳсулотни қайта ишлаш хом ашё етказишдан кўра ўн бора фойда келтиради. Бу эса яна ўнлаб иш ўринлари дегани...

Хотима

Бу орада ҳаш-паш дегунча ўн йил – тинимсиз меҳнат, изланишларга тўла вақт ўтди. Жуманазарнинг бир оёғи Тошкентда, бир оёғи қишлоғида, ўзи ва ўртоғи шерикчиликда ташкил қилган «ТОҲИР-ЗУҲРА боғи»да бўлди. Бошида ҳамқишлоқлари бу икки ўртоқни жиннига чиқаришди ҳам. Аммо унумдор ерлардан ундирилган тонналааб буғдой ва картошкалар, қирнинг қияликларида олмазору узумзорлар, нокзорлару анжирзорлар, сув кам талаб қиласиган бодомзорлар ва ёнгоқзорлар нишона ҳосилини берганида, теракзорлар иморатбоп ёғочларга айлана бошлаганида бўш ётган ерларни ўзлаштириш иштиёқига тушганлар кўпайди. Карвон кўп, ризқи бўлак мақолига амал қилган икки ўртоқ бундай кишиларга иш ўргатишдан қочишимас эди. Зарбулоқдан буриб келинган бир тегирмонча сув ихчам электростанцияни юргизиб, автоном электр тармоғини ток билан таъминлаб, юз бошли бўрдоқчилик ва сут-қатиқ фермасини, сутни қайта ишлаш мини-цехини энергия билан таъминлаб берарди. Боғлар ялпи ҳосилга кирганида яна бир соҳа – асаларичиликни йўлга қўйишиди. Жуманазарнинг вояга етган жиянлари – Пирназару Озодбек ҳар соҳада ўз билимларини ошириб, барча ишлаб чиқаришни бошқариб туришарди. Жуманазарнинг ўғли эса бу пайтда Тошкентдаги ҳуқуқшуносларни тайёрлайдиган колледжа талаба, мақсади юрисдикция бўйича хорижий университетларда таълим олиш эди. Ҳар ёзда Жуманазарнинг Тошкентдаги оиласи – хотини Зарофат, икки ўғли ва бувисининг шарафига аталган кенжатой Зуҳрабегимлар боғда

икки-уч кун дам олиб кетишарди. Бофнинг кираверишига қайнота-қайноасиниг ҳайкалини ўрнатиш фикри Зарофатдан чиқди. Эски альбомлардаги беш-олтита суратдан уларнинг ёшлик пайтларини топишиб, ҳайкалтарошга буортма беришди.

«Тоҳир-Зуҳра» обида-ҳайкалининг очилишига туман ва вилоятдан, Тошкентдан меҳмонларни таклиф қилишди. Жуманазарнинг ёнида юриб, унинг ўз иқтидорини хор қилмаслик маслаҳатига амал қилганча телевидениега ишга кириб, ўзига яраша обрў-эътибор орттирган, янги оила бошлиғига айланган шоир Эҳсон бошчилигига тележурналистлар ижодий гуруҳи ходимлари ҳам бу янгиликни республикага тарғиб қилиш учун етиб келишди. Обиданинг пойига Нормат чўпон бир пайтлар ўғлига айтган гапи олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган эди: «ДЕҲҚОННИНГ ИККАЛА ДУНЁСИ ҲАМ ОБОДДИР!»

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ БОБ

Коронғи тун	3
Бахтли күнлар қиссаси.....	5
Кувонч ичига яшириңган қайғу	14
Умр ташвишلى экан	19
Фурбат фурбатни туғдиаркан	30
Хиёнатта қарши сабр	39
Куюнди ҳиди	45
Шармандага шаҳар кенг	50
Уларни жазолаш ўзимга жазо экан	53

ИККИНЧИ БОБ

Бозордаги жүшқин ҳаёт	55
Мардикорчилик	59
Ақлнинг чархи мاشаққат экан	72
Ёргулукнинг охири зулматдир	74
Қарі қиз ва уста	80
Қиши ортидан баҳор келади	83
Аёл борки, эрсиз қолмайди	86
«Үғлим мени танимади»	89
Меъёр бузилса	91
Ваҳима	97
Узилмай турған жон	100
Белгили қабрлар	104
Тушдаги ўтмиш	109
Янги давр	115
Тоҳир-Зуҳра боги	118

Адабий-бадиий нашр

АНОРҚУЛ РУСТАМОВ

САБРНИНГ ТАГИ
Құсса

Мұхаррир
Гавқар МИРЗАЕВА

Мусаҳҳих
Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий мұхаррир
Насиба РАҲИМОВА

Саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник мұхаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252.
2017 йил 02.10да берилган.
Босишига 30.06.2017 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.

Босма табоги 3,87. Шартли босма табоги 6,51.
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофози.
Адади 200 нұсха. Буюртма № 167.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-71;
маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;
факс –273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru